

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ЕТИМ ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИСИЗ ҚОЛГАН БОЛАЛАРИНИ
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИ”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент – 2021

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчи: ЎзМУ, “Ижтимоий иш” кафедраси доценти, социология
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Э.Зайтов

Такризчилар: соц.ф.д, проф. Н.Латипова – Ўзбекистон миллий
университети, соц.ф.д. проф. Ш.Содиқова – Ўзбекистон
халқаро ислом академияси, ф.ф.д., проф. С.Каримов –
Самарқанд давлат университети.

*Ўқув -услугий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг
қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги № 3 -сонли
баённомаси)*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	11
III. НАЗАРИЙ МАНБУҲЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.	14
IV. АМАЛИЙ МАНБУҲЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	108
V. ГЛОССАРИЙ	113
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	117

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни

инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

- “Ижтимоий иш” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Ижтимоий иш” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

– Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг янги босқичи;

– Давлат пенсия таъминоти тизимидаги ислохотлар, уларни ўрганишнинг зарурлиги ва асосий йўналишларини;

– Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини;

– Ногиронлик тушунчасининг моделлари моҳиятини тушунишни;

– Ижтимоий фанларда фойдаланиладиган замонавий амалий дастурлар мажмуаларини *билиши* керак.

Тингловчи:

– Ижтимоий фанларни ўқитиш бўйича янги технологияларни амалиётда қўллаш;

– ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотларни ўтказиш;

– экспериментал тадқиқотлар натижаларига ишлов бериш, уларни таҳлил қилиш ва ақс эттириш, хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш, тавсияларини ишлаб чиқиш;

- инновацион фаолиятни ташкил этиш;
- илғор тажрибалардан фойдаланиш;
- ўз устида ишлаб, фаннинг янги тадқиқотларини ўқитиш тизимини қўллаш;
- Замоनावий шароитда давлат пенсия таъминотини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар амалиёти фанлари бўйича маъруза, амалий машғулот ва назорат ишларини ташкил этиш;
- педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллаш олиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- ахборот коммуникацион технологиялари ва уларни қўллашнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятини билиш;
- Замоनावий шароитда давлат пенсия таъминотини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар амалиёти фанларининг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;
- ижтимоий фанларни турли соҳаларга татбиқ қилиш;
- ижтимоий фанларни дастурлар пакети ёрдамида ечишнинг замонавий усулларини қўллаш *малакаларига* эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- ногиронлиги бор шахсларни реабилитация қилиш технологияларни билаш
- инклюзив таълимни ташкил этишнинг асосий йўналишларини билаш;
- Ота-она қармоғисиз қолган болаларнинг ижтимоий муаммолари таҳлилин билиш;
- ижтимоий фанлар соҳасида касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш;
- илғор ахборот-технологияларида ишлаш;
- видеодарсларни тайёрлаш;
- эгалланган тажрибани танқидий кўриб чиқиш қобилияти, зарур бўлганда ўз касбий фаолиятининг тури ва характерини ўзгартири олиш;
- ижтимоий фанларда тизимли таҳлил усулидан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш;
- Замоनावий шароитда давлат пенсия таъминотини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар амалиётига оид замонавий манбалардан фойдалана олиш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Қўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг

Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юктамаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими” модули мазмуни ўқув режадаги “Замонавий шароитда давлат пенсия таъминотини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш”, “Ногиронлиги бор шахслар билан ижтимоий иш технологиялари”, ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг таълим жараёнида етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан ижтимоий иш олиб бориш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоя тизими ҳақида билиш ва улардан фойдаланиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнида етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ҳамда улар билан ижтимоий иш олиб бориш усулларида фойдаланиш ва амалда қўллашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	Модуль мавзулари	Аудитория укув юкламаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амай машғулот	Кўчма машғулоти
1.	Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар тушунчалари ва уларнинг моҳияти.	4	2	2	
2.	Е	6	2	4	
3	Ота-она қарамоғисиз қолган болалар муаммоларига боғлиқ тадқиқотлар.	4	2	2	
4	Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларининг халқаро ва миллий қонунчилик нормаларида акс эттирилиши.	8	4	4	
5	Эрта ижтимоий етимликни олдини олиш муаммоси: назария ва амалиёт.	4	2	2	
	Жами:	26	12	14	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1- мавзу. Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар тушунчалари ва уларнинг моҳияти. (2-соат)

1.1. Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларга оид тушунчаларнинг изоҳи.

1.2. Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан ижтимоий иш.

1.3. Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими.

2

2.1. Етимлик социал ҳодиса сифатида илмий ўрганилиши.

2.2. Шарқ мутафаккирлари қарашларида етимлик социал ҳодиса сифатида илмий ўрганилиши.

2.3. Ўзбекистонда етимлик социал ҳодиса сифатида институционалашуви.

2.4. Ғарбда етимлик социал ҳодиса сифатида илмий ўрганилиши.

3

у

3- мавзу. Ота-она қарамоғисиз қолган болалар муаммоларига боғлиқ тадқиқотлар. (2-соат)

3.1. Ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ижтимоий муаммолари таҳлили.

3.2. Жамоатчилик муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг руҳий ривожланишига оид тадқиқотлар таҳлили

м

л

и

к

3.3. Жаҳон тажрибасида деинституциализация масаласи.

3.4. Ўзбекистонда олимлар томонидан олиб борилган Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг руҳиятини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар.

4- мавзу. Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларининг халқаро ва миллий қонунчилик нормаларида акс эттирилиши. (4-соат)

4.1. Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларининг халқаро тажрибаси.

4.2. Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларининг халқаро ва миллий қонунчилик нормалари.

4.3. Ота-она қарамоғисиз қолган болаларга васий ва ҳомий тайинлаш ҳамда уларни фарзандликка, оилага тарбияга бериш тартиби.

4.4. *Ўзбекистонда етим ва ота-она қаровисиз қолган болаларни ноинституционлаштириш муаммолари*

5- мавзу. Эрта ижтимоий етимликни олдини олиш муаммоси: назария ва амалиёт. (2-соат)

1. Гўдак ёшдаги болаларнинг ривожланишида институционаллашувнинг таъсири.

2. Болани етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар муассасасига “вақтинча” жойлаштириш.

3. Фарзандидан воз кечиш ниятида бўлган аёллар билан ишлашнинг халқаро тажрибалари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар тушунчалари ва уларнинг моҳияти. (2 соат).

2

3-амалий машғулот. Ота-она қарамоғисиз қолган болалар муаммоларига боғлиқ тадқиқотлар. (2 соат).

4-амалий машғулот. Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларининг халқаро ва миллий қонунчилик нормаларида акс эттирилиши. (4 соат).

5-амалий машғулот. Эрта ижтимоий етимликни олдини олиш муаммоси: назария ва амалиёт. (2 соат).

М

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

а Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

н маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

у давра суҳбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш дебати охиридаги ошпириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

о

т

.

Е

т

и

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Хулосалаш (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатма материалга ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Намуна:

Таҳлил турларининг қиёсий таҳлили					
Тизимли таҳлил		Сюжетли таҳлил		Вазиятли таҳлил	
Афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Муммони келиб	Алоҳида	Ўз вақтида	Муносабат	Вазият	Динамик

чиқиш сабабли ва кечиш жараёнини алоқадорлиги жиҳатидан ўрганиш имкониятига эга	тайёргарликка эга бўлишни, кўп вақт ажратишни талаб этади	муносабат билдириш имкониятини беради	бошқа бир сюжетга нисбатан қўлланишга яроқсиз	иштирокчиларининг (объект ва субъект) вазифаларини белгилаб олиш имконини беради	хусусиятни белгилаб олиш учун қўллаб бўлмайди
<p>Хулоса: Таҳлилнинг барча турлари ҳам ўзининг афзаллиги ва камчилиги билан бир биридан фарқланади. Лекин, улар қаторидан педагогик фаолият доирасида қарор қабул қилиш учун тизимли таҳлилдан фойдаланиш жорий камчиликларни бартараф этишга, мавжуд ресурслардан мақсадли фойдаланишда афзалликларга эгаллиги билан ажралиб туради.</p>					

“ФСМУ” методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

•



•

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Тизим атроф муҳитдан ажралган, у билан яхлит таъсирлашувчи, бир-бири билан ўзаро боғланган элементлар мажмуаси бўлиб, тадқиқотлар объекти саналади”.

Топширик: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавобни баҳолаш мумкин.



Тест

- 1. Тизим қандай сўздан олинган?
- A. modulus
- B. modulis
- C. model



Қиёсий таҳлил

- Оптнер, Квейд, Янг, SR, Голубков моделларини ўзига хос жиҳатларини ажратинг?



Тушунча таҳлили

- Механик тизим тушунчасини изоҳланг



Амалий кўникма

Тизимли таҳлилни амалга ошириш учун мавжуд таҳлил моделларида “SR-моделини қўллаш тартибини биласизми?

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1- МАВЗУ. ЕТИМ ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИСИЗ ҚОЛГАН БОЛАЛАР ТУШУНЧАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МОҲИЯТИ.

Режа:

1. Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларга оид тушунчаларнинг изоҳи.

2. Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан ижтимоий иш.

3. Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими.

Таянч сўзлар: *етим, ижтимоий етим, биологик етим, ота-она қарамоғисиз қолган бола, қаровсиз қолган болалар, ижтимоий қаровсиз қолган бола, давлат кўмағига муҳтож бўлган болалар, институционализация.*

1. Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларга оид тушунчаларнинг изоҳи.

Ота-она қарамоғисиз қолган болалар ҳар қандай сабабга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар бўлиб ҳисобланади. Етим болалар бундан мустасно, чунки етим болалар - отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган, деб эълон қилинган болалардир.

Ота-она қарамоғисиз қолган болалар - ота-онасининг мавжуд эмаслиги, улар ота-оналик ҳуқуқларининг қисман чекланганлиги ёки маҳрум этилганлиги, бедарак йўқолган ёки муомала лаёқати чекланган (қисман чекланган) деб топилганлиги сабабли ягона ёки ҳар икки ота-онаси қарамоғисиз қолган болалардир.

Ота-она қарамоғисиз қолган болалар - тиббий муассасаларда даволанаётган ота-оналарнинг фарзандлари, озодликдан маҳрум қилиш асосида жазони ўташ муассасаларида ёки қамоқда сақланилаётган, жиноятни амалга оширганлиги ҳақида гумон қилинаётган ва жиноят содир этганликда айбланаётган ота-оналарнинг болалари, фарзандларини тарбиялашдан ёки улар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашдан, ўз фарзандларини тарбия, даволаш ва бошқа муассасалардан қайтариб олишдан бош тортаётган ота-оналарнинг фарзандларидир.

Ижтимоий етим - биологик ота-онаси мавжуд бўлган ҳолда ота-она эътибори ва меҳридан бебаҳра қолган болалардир.

Ижтимоий етимлар деганда, воз кечилган болалар, ташландиқ болалар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз (рухий касаллик сабабли) деб топилган ота-оналарнинг фарзандлари, ота-онаси озодликдан маҳрум этиш муассасаларида жазони ўтаётган ёки турар жойи ва қаердалиги номаълум бўлган ота-оналарнинг фарзандлари тушунилади.

Қаровсиз қолган болалар – аниқ яшаш жойи бўлмаган назорациз қолган вояга етмаган болалардир.

Ижтимоий қаровсиз қолган бола – ижтимоий мослаша олмаганликнинг хатар даражасида турган ва рухий ҳамда жисмоний ривожланишдан орқада қолган бола, билиш фаолияти билан шуғулланиш, меҳнат қилишга интилиш, ҳаётий истиқболларни белгилаш каби истак-хоҳишнинг шаклланмаганлиги, урушқоқлик, спиртли воситаларни қабул қилиш, майда ўғрилиқ, безорилик, дайдилиқ каби салбий фазилатлар билан тавсифланувчи бола.

Давлат кўмагига муҳтож бўлган болалар – ота-онаси номаълум болалар, ўлими туфайли ҳар икки ёки ягона ота-онасини йўқотганлар, оиладан ажратиб олинган, ота-оналик ҳуқуқи чекланган ёки ундан маҳрум бўлган ота-оналарнинг фарзандлари, назорациз, шунингдек, уларни боқиш ва тарбияси билан шуғулланиш имкониятига эга бўлмаган сурункали касалликка учраган ота-оналарнинг фарзандлари, муомалага лаёқатсиз (ёки муомала лаёқати қисман чекланган) деб топилган ёки бедарак йўқолган (ўлган) деб эълон қилинган ота-оналар, озодликдан маҳрум қилиш асосида жазони ўташ муассасаларида ёки қамоқда сақланилаётган ота-оналар, жиноятни амалга оширганлиги ҳақида гумон қилинаётган ва жиноят содир этганлиги бўйича айбланаётганларнинг болалари, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат ҳимоясига муҳтож деб топилган бошқа болалар.

Институционализация - бирор-бир ҳодиса ёки ҳаракатнинг ташкилий муассасага айланиши, муайян тузилмага оид муносабатларнинг, тартиб-интизом, хулқ-атвор қоидаларининг тартибга солиниши жараёни.

Деинституционализация – оммавий муассасаларда (Меҳрибонлик уйлари, Мурувват уйлари) тарбияланаётган шахсларнинг (шу жумладан, болаларнинг ҳам) жойлаштириш ва васийликнинг муқобил шаклларига кўчириш сиёсати. Интернат типигаги болалар сонининг сезиларли равишда қисқариши, оилавий жойлаштириш шаклларининг ривожлантирилиши, болалар учун муассасаларнинг кўмаклашув хизматларига айлантирилиши деинституционализациянинг якуний мақсади ҳисобланади. Қийин ҳаётий вазиятдаги оила ва болаларга мажмуавий, манзилли ва малакали кўмак кўрсатилишининг таъминланиши орқали ижтимоий етимликни олдини олиш деинституционализация сиёсатини амалга оширилишида муҳимдир.

Ота-она қарамоғисиз қолган болалар учун муассаса – соғлиқни сақлаш тизими муассалари (Болалар (гўдақлар) уйи), ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари (руҳий ва жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун Мурувват уйлари), халқ таълими муассасалари (Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчаси, махсус мактаб-интернатлар).

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш – оилада тарбияланаётган боланинг ҳуқуқларини муҳофазалашга, ота-она томонидан шафқациз муносабатда қолишидан, уларнинг зарарли таъсиридан (масалан, ота-онаси сурункали пиёниста ёки гиёҳванд бўлса) ёки ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортишидан ҳимоялашга қаратилган қонуний чора.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш фақат суд орқали амалга оширилади. Судга ариза давлат ва жамоатчилик ташкилотлари, ота-оналардан бири ёки боланинг васийи (ҳомийи), васийлик ва ҳомийлик органи томонидан берилиши мумкин. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлган ота-оналар бола билан қариндошлик қилиш бўйича деярли барча ҳуқуқлардан маҳрум бўлади, бироқ бу уларни боқиш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришларидан озод этмайди. Суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги ҳақидаги қарор тасдиқланиши билан бир вақтда болага алимент тўлаш масаласи ҳам қўйилади. Ҳар икки ота-онанинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиши вазиятларида бола васийлик ва ҳомийлик органлари ғамхўрлигига берилади.

2. Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан ижтимоий иш.

Аҳолига ижтимоий хизмат бевосита ижтимоий ходимлар орқали амалга оширилади. Ижтимоий ходим кексалар, меҳнатга яроқсиз фуқароларга қаровчи мутахассис ҳисобланади. Ғарбий Европанинг ривожланган мамлакатларида ижтимоий мутахассислар XIX аср ўрталаридан олий ва ўрта махсус таълим юртлирида, диний муассасаларда тайёрлана бошлаган.

Одатда, ижтимоий хизматлар ҳамма учун мумкин бўлган иш ҳамда бу ходимлардан касбий малакасини талаб этмайдиган ижтимоий фойдали меҳнат ҳисобланади. Ижтимоий хизматларнинг фарқли жиҳатлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ишсизлар учун махсус мўлжалланган вақтинчалик иш ўринларини яратади;
- зарур ҳолларда бундай иш ўринлари миқдорини кам сарф қилган ҳолда сезиларли ошириш мумкин;
- ходимлар оммавий тарзда ишдан бўшатишган ҳолларда иш миқдори ва ҳажмини тез ошириш мумкин;

– тўлиқ бўлмаган иш кунини ва мослашувчан жадвалли ишларни ташкил қилиш мумкин;

– бундай иш ўринлари минтақа учун иқтисодий, ижтимоий ва экологик фойдали ҳисобланади;

– ўқишни тугатган ва ўзига доимий иш топа олмаган ёшлар учун ишга жойлашиш имконини беради.

Ижтимоий ходим бўлиб ишлаш истагини билдирган фуқаролар билан муддатли меҳнат шартномаси тузилади, бундай битим тузишга устувор ҳуқуқдан ишсизлик бўйича моддий ёрдам олмайдиган ишсиз фуқаролар фойдаланади. Ижтимоий ходимнинг лавозим мажбуриятига ёлғиз кексалар ва хизмат кўрсатиш ҳудудида яшовчи фуқароларни аниқлаш киради. Ижтимоий ходимлар улар уйига тушликларни, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонларни, саноат моллари ва бошқа товарларни етказиб беради, хонани йиғиштириш, ювишга, ювиладиган рўзғор буюмлари, усти-бошларини кирхоналарга, кимёвий тозалашга топширишга кўмаклашади, уй-рўзғор анжомларини таъмирлашда, маиший хизмат ва бошқа хизматларга ҳақ тўлашда кўмаклашади. Шунингдек, улар шифокорга боргунгача хизматларни (харорат ўлчашни, горчитса қўйишни, иститгич тайёрлашни, уйга шифокор чақиришни) амалга оширади, турар-жойни таъмирлашни, ҳовли-боғга ишлов беришни, ёқилғи билан таъминлашни ва бошқаларни ташкиллаштиради. Шулар билан бир қаторда, ижтимоий ходим ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, ташкилотчилик ҳам қилиши мумкин, у санитария-гигиена талабларини уй шароитида кекса ва меҳнатга яроқсизларга тадбиқ этишни, кекса ёшдаги шахслар билан ишлаш хусусиятларини ўзлаштирган бўлиши керак.

Ижтимоий ходимнинг вазифалари:

– дорихонага бориб келиш;

– овқат пишириш;

– парвариш қилиш;

– уй тозалаш;

– кир ва идиш ювиш;

– бозор-ўчар қилиш;

– аввалги ишхонаси билан алоқада бўлиш.

Ижтимоий хизматлар мавжуд бўлган мамлакатларда ижтимоий ходимлар тасарруфидаги воситалар мажмуи қуйидагилардан иборат:

– пул ёрдам тизими, бу меҳнатга қобилиятсиз кишилар, муҳожирлар ва қочоқларга доимий, вақтинчалик, бир йўла ва мақсадли моддий ёрдамларни ўз ичига олади;

– натура кўринишидаги ёрдам тизими;

- тиббий хизмат тарзидаги ёрдам тизими;
- ижтимоий муассасаларни ташкиллаштириш;
- психологик маслаҳатлар ва машқлар;
- ўқитиш ва қайта тайёрлаш курслари (асосан муҳожирлар учун).

Бу воситалардан самарали фойдаланиш тегишли ташкилий тузилма бўлгандагина мумкин.

Таъкидлаш лозимки, ижтимоий ходим хизматларни лойиҳалаштириш жараёнида бевосита ижтимоий ишлар билан шуғулланувчи, хизмат бўлинмалари: “ижтимоий ҳомийлар” лавозим жадвали, руҳий ёрдам хизмати ходими, ишга жойлаштириш ходими; ижтимоий ёрдамга муҳтожлар ҳақида маълумот тўплаш хизмати ва шундай ёрдам самарасини баҳолаш; умумий қарорлар қабул қилиш, мутахассислар моддий ресурсларини тақсимлаш вазифасини бажарувчи бошқариш хизмати каби моделлардан фойдаланиши мумкин.

Аҳолига хизмат кўрсатишда ижтимоий ходимнинг одоби муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, ижтимоий ходимнинг одоби одоб меъёрлари мажмуи ҳисобланиб, ижтимоий ходимлар ва улар фаолиятини тартибга солувчи жамият томонидан тузилади.

Бу меъёрлар олти гуруҳга ажралади:

1. Ижтимоий ходим хулқи ва қиёфаси (хулқнинг олий намуналарига, ижтимоий ходимга муносиб бўлганларига амал қилиш; ўз касбий малакасини такомиллаштириш; ижтимоий ходим касбий мажбуриятларини тўғридан-тўғри ўз мажбуриятлари сифатида қараш; ўз хулқ-атворини касбий виждонликнинг юқори намуналари билан қиёслаш; илмий тадқиқотлар олиб боришда тегишли шартномаларга амал қилиш);

2. Ўз миждозларига бўлган муносабати (миждозларга муносабат бўйича масъулиятни ўзининг тўғридан-тўғри масъулияти сифатида қараш; уларда юқори даражада мустақилликнинг юзага чиқишига кўмаклашиш; миждозлардан олинган маълумотларни тарқатмаслик; кўрсатилаётган ёрдам ва миждозлар имкониятидан келиб чиқиб, гонорар белгилаш);

3. Ҳамкасбларига бўлган муносабати (ўз ҳамкасбларига хурмат ва ишонч билан муносабатда бўлиш; уларнинг миждозлари билан касбий тўла сафарбар ҳолда иш олиб бориш);

4. Ҳамкорлик қиладиган ташкилотларига муносабати (тегишли ташкилотлар олдидаги мажбуриятларига содиқ бўлиш);

5. Ўз касбига бўлган муносабати (ўз касби ижтимоий аҳамиятини тушунишга кўмаклашиш; ўз ижтимоий ёрдамини аҳоли кенг қатламига етиб борадиган тарзида бўлишига эришиш; ўз касбий фаолиятида билимлардан фаол фойдаланиш);

6. Жамиятга бўлган муносабати (умумий фаровонлик ошишига ҳисса кўшиш). Шундай қилиб, ижтимоий ходим меҳнатга қобилиятсиз аҳоли қатламига хизмат кўрсатувчи мутахассис бўлиб, уларнинг кўрсатаётган ижтимоий хизматининг сифат ва савиясини ошириш муҳтож аҳоли ижтимоий ҳимоясининг самарадорлигини кўтаришга ёрдам беради.

18-ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар қийин ҳаётий вазиятларга тушиб қолиши мумкин, бунда уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш керак бўлади. Бундай вазиятлар қаторига ногиронлик, етимлик, назоратсизлик, қаровсизлик, оиладаги қаттиққўл муносабат ва ҳ.к.лар киради. Конкрет вазиятга боғлиқ ҳолда болалар ва ўсмирларга ижтимоий ёрдам ва хизматни турли ижтимоий хизматлар ва ташкилотлар кўрсатадилар. Етим-болалар ва ота-оналар қаровисиз қолиб кетган болаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш. Етим-болалар иккала ота-онаси ёки улардан бири ўлиб кетган 18 ёшгача бўлган шахслардир; ота-оналар қаровисиз қолиб кетган болалар – бу отаонасининг мавжуд эмаслиги ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқларини олиб ташланганлиги, ота-оналик ҳуқуқларини чекланганлиги, ота-оналарни бедарак йўқ бўлиб кетган деб тан олинishi, ота-оналикка лаёқатсизлиги (қисман лаёқатлилиги), даволаниш муассаларида эканлиги, уларни ўлган деб эълон қилинганлиги, озодликдан маҳрум этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётганлиги, жиноятни содир этишда айбланаётган ва гумон қилинаётганларни қамоқда ушлаб туриш муассасаларида эканлиги билан боғлиқ ҳолдаги қаровсиз қолган; болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан ота-оналарни бўйин товлаши, ота-оналар томонидан болаларни тарбиялаш, даволаш муассасалари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари ва бошқа шунга ўхшаш муассасалардан олиб кетишини рад этиш ва бошқа ҳолларда эса қонун томонидан белгиланган тартибда болани отаонасининг қаровисиз қолиб кетган деб тан олинishi билан боғлиқ ҳолдаги қаровсиз қолган 18 ёшгача бўлган болалардир.

Етим-болалар ва ота-оналар қаровисиз қолиб кетган болалар учун қуйидаги таълим муассасалари турларини яратилган:

– болалар уйи (гўдақлар (0 ёшдан 3 ёшгача), мактабгача, мактаб ёшидаги болалар учун ва аралаш);

– етим-болалар ва ота-оналар қаровисиз қолиб кетган болалар учун болалар уймактаби, мактаб-интернат;

– ривожланишдан қолиб кетган етим-болалар ва ота-оналар қаровисиз қолиб кетган болалар учун махсус (коррекция) болалар уйи;

– ривожланишдан қолиб кетган етим-болалар ва ота-оналар қаровисиз қолиб кетган болалар учун махсус (коррекция) мактаб-интернат.

Ушбу муассасаларнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- уй шароитларига яқинлаштирилган, шахсни ақлий, эмотсионал ва жисмоний ривожланишига кўмак берувчи ижобий шароитларни яратиш;
- тарбияланувчиларни ижтимоий кўникма ҳосил қилиши ва тиббий-психологикпедагогик реабилитацияси, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш;
- таълим дастурларини ўзлаштириш, давлат ва жамият, шахс манфаатлари учун тарбиялаш ва таълим бериш;
- тарбияланувчиларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамланишини таъминлаш.

Ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш. Организм функцияларининг бузилиш даражаси ва ҳаёт фаолиятини чекланишига боғлиқ ҳолда ногиронлиги бўлганлар деб тан олинган шахсларга ногиронлик гуруҳи ўрнатилади, 18 ёшгача бўлган шахсларга эса ногиронлиги бўлган бола тоифаси ўрнатилади.

Таълим муассасалари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органлари ва соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ногиронлиги бўлган болаларга мактабгача, мактабдан ташқари тарбия ва таълим берилишини, ногиронни реабилитация қилишнинг индивидуал дастурига мувофиқ ҳолда ногиронлиги бўлганларга умумий ўрта таълим, ўрта махсус-касбий таълим ва олий касбий таълим берилишини таъминлайдилар.

Мактаб ёшигача бўлган ногиронлиги бўлган болаларга зарурий реабилитацион чоратадбирлар кўрсатилади ва умумий турдаги мактабгача болалар муассасаларида уларни яшаши учун шароитлар яратилади. Соғлиғи умумий турдаги мактабгача болалар муассасаларида яшашига йўл қўймайдиган ногиронлиги бўлган болалар учун махсус мактабгача муассасалар яратилади. Умумий ёки махсус мактабгача ва умумтаълим муассасаларида ногирон болани тарбиялаш ва таълим беришнинг имкони бўлмаса таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари ногирон боланинг ота-онасининг рухсати билан тўлиқ умумтаълим ёки индивидуал дастур асосида уларни уйда ўқитилишини таъминлайди.

Ногиронлиги бўлган болани уйда ўқитилишини ташкиллаштириш учун даволашпрофилактика муассасининг хулосаси асос бўлиб хизмат қилади. Умумий таълим дастурларини амалга оширувчи таълим муассасаси ногирон-болага уйда таълим беришни одатда яшаш жойига энг яқин бўлган муассаса амалга оширади.

Уйда таълим олаётган ногиронлиги бўлган болага таълим муассасаси қуйидагиларни таъминлайди:

– ўқитиш даври давомида таълим муассасаси кутубхонасида мавжуд бўлган, бепул дарсликлар, ўқув, маълумотнома ва бошқа адабиётларни берилишини;

– педагогик ходимлар қаторидан мутахассислар билан таъминлайди, умумтаълим дастурларини ўзлаштириш учун керакли услубий ва маслаҳат ёрдамини беради;

– оралиқ ва якуний аттестацияни амалга оширади;

– якуний аттестациядан ўтганларга мос равишдаги таълим ҳақида давлат намунасидаги ҳужжатни беради.

Давлат аккредитациясига эга ва умумтаълим дастурларини амалга оширувчи нодавлат таълим муассасасида ногирон-болани тарбияланиши ва ўқитилишига фақатгина унда тарбиялаш ва ўқитиш учун махсус таълим шароитларининг мавжудлиги, хусусан ногиронлиги бўлганларни реабилитация қилишнинг индивидуал дастурини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилган махсус таълим дастурларини, коррекцион усулларини, техник воситаларини, ҳаётий фаолият муҳитини, махсус тайёгарликка эга педагогларнинг мажудлиги, шу жумладан, уларсиз ногиронболаларни умумтаълим дастурларини ўзлаштириши мумкин бўлмаган (қийин бўлган) тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий ва бошқа шароитлар бўлгани ҳоладигина йўл қўйилади.

Ижтимоий реабилитацияга муҳтож, балоғатга етмаганларга ижтимоий хизмат кўрсатиш. Ижтимоий реабилитацияга муҳтож, балоғатга етмаганлар сафига назоратсиз, қаровсиз бўлган ёки ижтимоий хавfli вазиятга тушиб қолган 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган балоғатга етмаган болалар киради. Назоратсиз бола – бу ота оналари ёки бошқа қонуний вакиллари ёки мансабдор шахслар томонидан уни боқиш ва (ёки) ўқитиш, тарбиялаш бўйича мажбуриятларни бажарилмаслиги ёки етарли даражада бажарилмаслиги оқибатида хулқ-атвори назоратга олинмаган балоғатга етмаган шахсдир; қаровсиз бола – бу турар жойга ва (ёки) борар жойга эга бўлмаган назоратсиз бола; ижтимоий хавfli вазиятга тушиб қолган балоғатга етмаган бола – бу назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиги учун уни боқиш ва тарбиялаш талабларига жавоб бермайдиган ҳолатга тушиб қолган ёки тартиббузарлик ёхуд жамиятга қарши ҳатти-ҳаракатларни ошириб юрган шахсдир. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

– балоғатга етмаган болаларни назоратсизлигини профилактика қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади, назоратсиз ва қаровсиз балоғатга етмаган болаларга нисбатан, балоғатга етмаган болани тарбиялаш, боқиш

бўйича ва (ёки) уларнинг хулқ-атвориغا салбий таъсир ўтказётган ёки улар билан шафқатсизларча муносабатда бўлаётган, ўз мажбуриятларини бажармаётган уларнинг ота-оналари ёки бошқа қонуний вакилларига нисбатан индивидуал профилактика ишларини ташкиллаштиради;

– ижтимоий реабилитация муҳтож балоғатга етмаган болалар учун ташкил этилган махсус муассасалар фаолиятини, балоғатга етмаган болалар ва уларнинг оилаларига ижтимоий хизматлар кўрсатаётган бошқа муассасалар ва хизматлар фаолиятини назорат қилади, шу жумладан, айтиб ўтилган муассасалар тармоғини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

– балоғатга етмаган болалар ва уларнинг оилаларига ижтимоий хизматлар кўрсатаётган муассасалар ва хизматлар фаолиятига ижтимоий реабилитация қилишнинг замонавий технологиялари ва усулларини киратади.

Ижтимоий хизматлар кўрсатиш муассасалари таркибига кирувчи болалар ва оилага ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг ҳудудий марказлари, аҳолига психологик, педагогик ёрдам кўрсатиш марказлари, тезкор психологик ёрдам кўрсатиш марказлари ва бошқа ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасалари, ушбу муассасаларнинг низомларига мувофиқ қуйидагиларни амалга оширадилар:

– балоғатга етмаган болалар, уларнинг ота-оналари ёки бошқа қонуний вакиллари илтимослари ёки балоғатга етмаган болалар ҳуқуқбузарлигини ва назоратсизлигини профилактика қилиш тизими муассасалари ва органларининг мансабдор шахслари ташаббуси асосида ижтимоий хавфли вазиятда ёки бошқа оғир ҳаётий вазиятда қолиб кетган балоғатга етмаган болаларга ижтимоий хизматлар кўрсатадилар;

– ижтимоий хавфли вазиятда қолиб кетган балоғатга етмаган болаларни, шу жумладан, ижтимоий хизмат кўрсатилишига муҳтож бўлган балоғатга етмаган аъзолари бўлган оилаларни аниқлайди, ушбу шахсларни ижтимоий реабилитация қилишни амалга оширади, ижтимоий реабилитациянинг индивидуал дастурларига мувофиқ уларга зарурий ёрдамни кўрсатади;

– ўз ваколатлари доирасида ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларидаги назоратсиз балоғатга етмаган болаларни индивидуал профилактика қилиш ишларида иштирок этадилар, шу жумладан, давлатнинг ёрдамига муҳтож бўлган балоғатга етмаган болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкиллаштиришда ёрдам беради.

Ижтимоий реабилитацияга муҳтож бўлган балоғатга етмаган болалар учун махсус муассасалар яратилади ва фаолият юритади, уларнинг қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– оғир ҳаётӣй вазиятга тушиб қолган балоғатга етмаган болаларни ижтимоий реабилитация қилиш ва назоратсизлигини профилактика қилишни амалга оширувчи балоғатга етмаган болалар учун ижтимоий-реабилитация марказлари. Балоғатга етмаган болалар учун ижтимоий-реабилитация марказлари ўз таркибига қуйидаги тузилмавий бўлимларни олиши мумкин: қабул қилиш бўлими; ўз оилаларидан қочиб кетган балоғатга етмаган болалар ташиш бўлими, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўлими; ижтимоий диагностика бўлими; стационар бўлим; ижтимоий меҳмонхона; узок муддат қолиб кетувчилар гуруҳи; кундузи бўлувчилар ва ижтимоий патронаж гуруҳлари; оилавий тарбиялаш гуруҳи; болалар ва оилага ёрдам кўрсатиш бўлими ва бошқа балоғатга етмаган болалар учун ижтимоий реабилитация марказларининг низомидаги мақсадларга жавоб берувчи тузилмавий бўлимлар;

– оғир ҳаётӣй вазиятга тушиб қолган ва давлатнинг тезкор ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган балоғатга етмаган болаларни ижтимоий реабилитация қилиш ва вақтинчалик яшаб туришини таъминловчи болалар учун ижтимоий меҳрибонлик уйлари. Болалар учун ижтимоий меҳрибонлик уйлари ўз таркибига қуйидаги тузилмавий бўлимларни олиши мумкин: қабул қилиш бўлими; ижтимоий диагностика бўлими; ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўлими; ўз таркибига ижтимоий меҳмонхона ва оилавий тарбиялаш гуруҳини олувчи ижтимоий реабилитация қилиш бўлими; ижтимоий патронаж гуруҳи ва болалар учун ижтимоий меҳрибонлик уйлариининг мақсад ва вазифаларига жавоб берувчи бошқа бўлимлар;

– ота-оналар қаровисиз қолиб кетган болалар учун ёрдам марказлари отаоналар ёки бошқа қонуний вакилларининг қаровисиз қолиб кетган балоғатга етмаган болаларни вақтинчалик ушлаб туриш ва уларга кейинчалик жойлаштирилишида кўмак бериш учун мўлжалланган. Ота-оналар қаровисиз қолиб кетган болалар учун ёрдам марказлари қуйидаги тузилмавий бўлимларни яратишлари мумкин: қабул қилиш бўлими; ижтимоий диагностика бўлими; ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўлими; ўз таркибига стационар бўлимни олувчи ижтимоий реабилитация қилиш бўлими; узок муддат қолиб кетувчилар гуруҳи; оилавий тарбиялаш гуруҳи; балоғатга етмаган болаларни ташиш бўлими ва бошқа отаоналар қаровисиз қолиб кетган болалар учун ёрдам марказларининг мақсадлари ва вазифаларига жавоб берувчи бўлимлар. Муассасаларнинг ижтимоий меҳмонхонаси оғир ҳаётӣй вазиятларда қолиб кетган 15 ёшдан 18 ёшгача

бўлган балоғатга етмаган болалар учун мўлжалланган. Балоғатга етмаган болалар ижтимоий меҳмонхонада балоғатга етмаган болалар ва муассаса маъмурияти ўртасида тузилган ёзма шаклдаги шартномаси асосида яшайди, унда амалдаги қонунчилик меъёрларини инобатга олган ҳолда томонларнинг ўзаро мажбуриятлари ва ҳуқуқлари белгилаб берилган. Ижтимоий меҳмонхона фаолиятини ва ишлаш услубини муассаса раҳбари томонидан тасдиқланадиган ижтимоий меҳмонхона тўғрисида Низом асосида ташкиллаштириш тавсия этилади. Ижтимоий реабилитация қилишга муҳтож бўлган балоғатга етмаган болалар учун махсус муассасаларга 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган балоғатга етмаган болалар белгиланган тартибда кучаюкундуз қабул қилинади:

- ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қаромоғисиз қолган болалар;

- ижтимоий хавfli вазиятларда қолган оилаларда яшовчи болалар;

- ташлаб кетилган ва адашиб қолган болалар;

- оиласидан ўз хоҳишича кетиб қолган болалар, ота-оналар қаромоғисиз қолган болалар ва етим-болалар учун таълим муассасаларидан ёки бошқа болалар муассасаларидан ўз хоҳишича кетиб қолган болалар, бундан махсус ёпиқ турдаги таълим-тарбия муассасаларидан ўз хоҳишича кетиб қолган болалар мустасно;

- яшаш жойи ва борадиган жойи ва (ёки) яшашга маблағи бўлмаган болалар;

- бошқа қийин ҳаётий вазиятларга тушиб қолган, ижтимоий ёрдам ва реабилитация қилинишга муҳтож болалар.

Ижтимоий реабилитация қилинишга муҳтож, балоғатга етмаган болалар учун махсус муассасаларга болаларни жойлаштириш учун асос бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- балоғатга етмаган боланинг шахсан мурожаати;

- 10 ёшга етган балоғатга етмаган боланинг фикрини инобатга олган ҳолда балоғатга етмаган боланинг ота-оналарининг ёки унинг бошқа қонуний вакилларининг аризаси, балоғатга етмаган боланинг фикрини инобатга олиниши унинг манфаатларига қарама-қарши бўлган вазиятлар бундан мустаснодир;

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси органининг йўлланмаси ёки балоғатга етмаган болаларни ҳуқуқбузарлиги ва қаросизлигини профилактика қилиш тизими муассасалари ёки мансабдор шахснинг ушбу орган билан келишилган йўлланмаси;

- балоғатга етмаган боланинг ота-оналари ёки унинг бошқа қонуний вакиллари ушланган, маъмурий ҳисбада ушлаб турилган, қамокқа олинган,

камоққа маҳкум этилган, озодлиги чекланган, озодликдан маҳрум этилган вазиятларда дастлабки терговни амалга оширувчининг, терговчининг, прокурор ёки судянинг хулосаси;

– ички ишларнинг туман, шаҳар бўлинмалари (бошқармалари), бошқа муниципал таълим беришнинг ички ишлар бўлими (бошқармаси), ёпиқ турдаги маъмурий-худудий ҳудудларнинг ички ишлар бўлинмалари (бошқармалари), транспортдаги ички ишлар бўлинмалари (бошқармалари) оператив навбатчиларининг балоғатга етмаган болаларни ижтимоий реабилитацияга муҳтож балоғатга етмаган болалар учун махсус муассасаларига жойлаштириш тўғрисидаги ҳужжати.

3.Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими

Замонавий жамиятларда ижтимоий эҳтиёжманд қатламларни шакллантирувчи ижтимоий муаммолар, камбағаллик, тенгсизлик ва уларни келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Аҳолининг турли қатламлари вакилларининг муносиб турмуш тарзини кафолатлаш, уларнинг истеъмолчилик қобилиятини ошириш, жумладан, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, даромадлар, иш ҳақи сиёсати, нафақа ва аҳолининг айрим гуруҳларини ижтимоий мадад билан таъминлаш масъулияти бевосита давлат, нодавлат ва хусусий соҳа фаолиятининг устувор йўналишини ташкил этади. Зеро, илмий тадқиқот объекти ҳисобланган аҳолини ижтимоий ҳимоя тизими ўзаро алоқалар ва муносабатларнинг шундай мураккаб тизимидирки, уларнинг ялписи давлатнинг ўз фуқароларига нисбатан олиб борадиган аниқ ҳаракатларида намоён бўлади.

Ижтимоий ҳимоя табиий ва фавқулодда техноген муҳит, ҳукуқий ва молиявий институтлар тизимидан иборат бўлиб, уларнинг мақсадли вазифалари қариялар, ногиронлар, ота-она қаровисиз қолганлар, беморлар, ишсизлар, боқувчисини йўқотган ҳамда муҳтож оилаларни моддий, маънавий, тиббий ва бошқа ёрдам тури билан таъминлашдир. Шу мақсадни амалга ошириш жараёнида давлат, нодавлат ташкилотлари алоҳида шахслар ва бизнес тузилмалари ўзаро муносабатга киришадилар ва ҳамкорлик қиладилар.

Ижтимоий ҳимоя юзасидан шаклланувчи дискурс негизида давлат ва жамиятнинг ижтимоий сиёсати давлат муассасалари, иш берувчилар, касаба уюшмалари ва бошқалардан таркиб топади. Ижтимоий-сиёсат давлат ва нодавлат ташкилотлар, эҳтиёжманд шахслар ва болалар васийлар, ҳомийлар, ижтимоий жамоатчилик фикри омилига ҳам таянади. Ижтимоий сиёсатнинг моҳияти жамиятнинг потенциал ресурсларининг реал ресурсларга айлантириш, аҳоли

турли гуруҳлари ўртасида ўзаро кўмак муҳитини вертикал ва горизонтал кўламларда интенсивлаштиришдан иборат. Демак, ижтимоий муҳофаза ижтимоий захираларни қайта тақсимлаш орқали жамиятнинг стратегияси ва мақсадларини аниқлаб берувчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий кафолатлар тизими ҳамдир.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизими юқорида келтирилган умумметодологик тамойилларга бўйсундирилган. Ушбу соҳанинг барқарор ривожланиши аҳоли турмуш даражасининг ошиб бориши ҳамда камбағаллик даражаси камайишига хизмат қилади.

Худди шундай мақсадлар остида 2016 йилда республикада кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, туб ислохотларни амалга ошириш жараёни бошланди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига, тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари Соғлиқни сақлаш вазирлигига, ижтимоий моддий ёрдам бериш ҳамда ижтимоий нафақа белгилаш ва тўлаш мониторингини юритиш вазифалари Молия вазирлигига ўтказилди. Шу қаторда, ёши бўйича етим ва ногиронлиги бор болалар гуруҳларга ажратилиб, уларга Халқ таълими вазирлиги масъул қилинди. Аҳолининг ёши катта ногирон қатлами эса Соғлиқни сақлаш вазирлигига тааллуқли бўлди.

Хусусан, аҳоли орасида йиллар давомида йиғилиб, ўз ечимини кутиб ётган ижтимоий-маиший муаммолар боис виртуал ва Халқ қабулхоналарига қисқа фурсатларда кўплаб мурожаатлар, ариза ва шикоятлар келиб тушди. Хусусан, 2017 йилнинг дастлабки икки чорагида Халқ қабулхоналарида ижтимоий кўмак бериш борасида аҳолидан миллионга яқин шикоят қайд этилди.

Натижада, давлат ва жамият ҳаётини тубдан яхшилаш ҳамда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳаётини заруратга айланди. Шу аснода, 2017 йил 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони эълон қилинди. Ҳаракатлар стратегиясининг 4-банди «Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» бўйича белгиланиб, кам таъминланган оилалар сони ва аҳолини даромад бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш вазифалари илгари сурилди. Ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари кун тартибига қўйилди. Шунингдек, мажмуали ижтимоий ҳимоя чора-тадбирларининг ажралмас

компонентлари ҳисобланган арзон уй-жойлар билан таъминлаш, аҳолининг ҳаёт шароитларини яхшилашни таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш вазифалари қўйилди. Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалиёти 37 687,8 миллиард сўм ва 8 349,3 миллион АҚШ доллари миқдорида молияланди.

Мазкур рақамларни 2015 йил билан таққосласак, ўртасидаги фарқ камида беш баробар эканлиги ойдинлашади. Бу ҳолат янги Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш нақадар муҳим аҳамият касб этганини кўрсатади.

2018 йилда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари чуқур ислоҳ қилиниши ҳамда ҳар бир соҳадаги тизимли камчиликларни бартараф этиш мақсадида изчиллик билан ишлар бошланди. Бунда «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган оддий ва аниқ-равшан тамойил устуворлиги ўрнатилди. «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак»лиги тамойили кундалик фаолиятнинг асосий вазифасига айлантириш долзарблашди. «Халқ қабулхоналари» ва «Ягона дарча» асосида эса аҳолига энг зарур бўлган давлат хизматларини бир идора орқали кўрсатиш тизими яратилди.

Табиийки, янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар халқаро ҳамжамият диққатини тортди. Хусусан, 2018 йил 9 ноябрда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида БМТнинг болалар ташкилоти ЮНИСЕФ, Бутунжаҳон Банки ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан «Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини баҳолаш» мавзуида семинар ўтказилди. Халқаро тадбирда Ўзбекистонда 2018 йилда ўтказилган умуммиллий сўров натижаларига мувофиқ паст даромадли оилаларнинг 75%и ижтимоий кўмак пулларини олмаслиги маълум қилинди.

Халқаро экспертлар томонидан Ўзбекистон ижтимоий ҳимоя тизимида комплекс ёндашувни таъминловчи ижтимоий хизмат амалиёти ўрнатилмаганлиги, ижтимоий ҳимоя эса фрагментар хусусиятли бўлиб, бу ҳолат соҳадаги инвестицияларнинг самарасизлигига олиб келаётганлиги қайд этилди. ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси собиқ бошлиғи Саша Грауманнинг таъкидлашича, сиёсий ва институционал даражада интеграциянинг етишмаслиги муҳтож қатламларга самарали ижтимоий ҳимояни тақдим этилмаслигининг асосий сабаби бўлди. Шу боис, сўнгги йилларда Ўзбекистонда атиги 17% оилалар бола парвариши учун кўмак пулини олди, камбағалликнинг умумий даражаси атиги 8% га қисқарди, холос. Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштирувчи ягона тизим, давлат органи фаолияти йўлга қўйилмаган. Бу

билан 30 га яқин давлат ташкилотлари ва муассасалари, комиссиялар ўз фаолият йўналишидан келиб чиқиб, бир-бири билан келишилмаган ҳолда шуғулланади.

Ваҳоланки, мамлакатда ЯИМнинг 6-9%и ижтимоий ҳимояга ажратилмоқда. Бу кўрсаткич БМТнинг Барқарор тараққиёт мақсадларига мос келса-да, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги узилишлар кўпайиб, ногиронлиги бор кишилар рисоладигидек ижтимоий ҳимояланмади, ижтимоий кўмак пулларининг миқдори сезиларли равишда пасайиб кетди. ЮНИСЕФ хулосаларига кўра, сўнгги йилларда муҳтож кишиларнинг атиги 10%и ижтимоий кўмак пулини олиб, меҳнат бозори дастурлари томонидан қамраб олинган бўлса, пенсия ёшидаги 30% шахслар ижтимоий суғурта дастурларига киритилмади¹.

Юқорида келтирилган маълумотларда давлат бюджетининг аксарият қисми аҳолининг ижтимоий ҳимоясига йўналтирилганини, бу борада йўналтирилаётган маблағлар миқдори барқарорлигини кузатишимиз мумкин.

Ижтимоий соҳадаги мавжуд муаммоларнинг танқидий таҳлили асосида 2018 йилда давлат бюджетининг 53,4% миқдорида маблағ айнан ушбу соҳани молиялаш учун ажратилди. Бу 19 триллион сўмни ташкил этиб, ушбу сумманинг 65,8%и ойлик маошларни таъминлашга йўналтирилди. Шунингдек, 2018 йил яқунларига мувофиқ, пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ногиронлиги бўлган болалар ва уларнинг оила аъзоларини, боқувчисини йўқотганларни ўн олти ёшгача ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи долзарблашди.

2019 йилда бу кўрсаткич 54% ни ташкил этиб, ушбу маблағ аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш, муҳтож қатламларни ижтимоий таъминлаш, уй-жой, ижтимоий-маиший турмуш даражасини яхшилаш учун сарфланди.

2019 йил 21 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизимини ислоҳ қилиш бўйича йиғилиш ўтказди. Мазкур йиғилишда мамлакатимиз раҳбари етарли даражада даромад манбаига эга бўлмаган қишлоқ аҳолисининг аксарияти кам таъминланган аҳоли қатламини ҳосил қилишини алоҳида таъкидлади. Улар, турли ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимиз жами аҳолисининг тахминан 12-15 фоизини, яъни, 4-5 миллион кишини ташкил этмоқда. «Камбағалликни камайтириш – деб таъкидлади мамлакатимиз раҳбари, – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир. Шунинг учун Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан

¹ ЮНИСЕФ: в Узбекистане только 17% семей получают пособия по уходу за детьми. <http://podrobno.uz/cat/obshestvo>.

биргаликда Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган йўналишларга мувофиқ, «камбағаллик» тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усулларини қамраб олган халқаро меъёрларга мос янги методология яратилиши долзарблашди. Шунингдек, кўмак пуллари ва пенсия миқдорини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлган «Истеъмол саватчаси» ва «Яшаш минимуми»ни белгилаш ва жорий этиш, ривожланган тараққиёт шароитида ҳар бир давлат ички сиёсати асосида ётувчи ушбу индексларнинг мамлакатимизга хос кўрсаткичлари ва меъёрларига аниқлик киритиш ҳаётий заруратга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: «Ижтимоий ҳимоя биргина кўмак пулларини тўлаш билан чекланмаслиги керак ва муҳтож кишиларни «Оёққа туриб олишига ёрдам бериши шарт»², деб таъкидлади. Аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида сўнгги 2 йил давомида мамлакатимизда юритилаётган сиёсат ва амалга оширилаётган чоратadbирлардаги ижобий тенденциялар боис, Ўзбекистон Барқарор тараққиёт мақсадлари Фонди томонидан молияланиш борасидаги мурожаати тасдиқланган 24 давлатдан бири бўлди. БМТнинг мамлакатимиздаги доимий вакили Хелена Фрейзер 2019 йил 11 ноябрь куни ижтимоий ҳимоя бўйича кўшма дастурни имзолаб, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя бошқармаси ташкил этилиши учун мазкур Фонд томонидан 2 миллион доллар пул ажратилишига келишилди.

У Ўзбекистон ҳукумати ва БМТнинг мамлакатда ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш борасида кўшма дастурни имзолади. Ушбу дастур асосида Ўзбекистон фуқароларининг сифатли ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий хизмат билан таъминланиши ўрнатилди. Кўшма дастурнинг ҳаётга тадбиқ этилишида БМТнинг уч агентлиги – Халқаро Меҳнат Ташкилоти, БМТ Тараққиёт дастури, БМТ болалар фонди ЮНИСЕФ қўллаб-қувватлаб туриши режалаштирилди. Ўзбекистон ҳукумати томонидан эса Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура ва фуқаролик жамиятининг бошқа ташкилотлари ва вазирликларнинг мувофиқлашган фаолияти йўлга қўйилиб, 2020 йилда Ўзбекистоннинг ҳар бир минтақасида ижтимоий ҳимоянинг янги тизимини синовдан ўтказиш, 2021 йилда Ижтимоий ҳимоянинг Миллий стратегияси тасдиқланиши, 2022 йилда эса Ижтимоий ҳимоя вазирлиги ташкил этилиши режалаштирилди. Ушбу ислохотлар «Шок терапия» усулида олиб борилиши, аҳоли қатламларига турлича таъсир кўрсатиши эътиборга олинган ҳолда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси 2030 йилгача босқичма-босқич амалга оширилиши назарда тутилди.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь/ lex.uz.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини тубдан ислох қилиш ва такомиллаштириш зарурати кун тартибидаги долзарб масалага айланди. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ушбу соҳада амалга оширилаётган чоратадбирлар самарадорлигини таъминлашда ижтимоий ҳимоянинг икки устунни – ижтимоий таъминот ва ижтимоий хизматнинг уйғун фаолияти муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, ижтимоий таъминот тизими ҳукумат томонидан молиялаштириладиган ва Пенсия жамғармаси томонидан ажратиладиган пул маблағлари воситалари кўринишидаги турли тўлов дастурларни ўз ичига олади. Ижтимоий хизмат тизими эса, инсонларга шахсий ва ижтимоий қийинчиликларни бартараф этишда қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш, тузатиш, реалибитация орқали ёрдам беришга қаратилган касбий фаолият ҳисобланади.

Ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини таъминлаш учун ягона мувофиқлаштирувчи орган фаолияти керак бўлиб, у ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий хизматни самарали амалга ошириш учун энг қўйи тизимдан бошлаб, барча давлат тузилмалари ҳамда нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бориши лозим. Ушбу орган турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини ишлаб чиқиш, турли ташкилотлар томонидан уларнинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий таъминот дастурининг амалга оширилиши ва бошқарилишини мониторинг қилиш учун масъул бўлиши лозим. Бизнинг ҳолатда, давлат ижтимоий ҳимоя тизимида постинституционал адаптация жараёнида битирувчи ёшларни соҳалараро комплекс ёндашувга таянган профессионал социал кузатиб бориш элементларини жорий этиш зарур. Мазкур тизимнинг ишлаш механизми соҳалараро комплекс ёрдам кўрсатиш тамойилига асосланган бўлиши мақсадга мувофиқ. Бундай ёндашувга биноан яхлит тизим шаклланиши ва ушбу тизим компонентлари фаолияти самарадорлиги таъминланишининг бош омили маҳалла фуқаролари йиғинлари таркибида ижтимоий иш ходими штат бирлигини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Ижтимоий иш ходими аниқ мақсадли соҳалараро комплекс ёрдамни ташкил этишда тегишли соҳа вакиллари, мутахассислар иштирокини шакллантиради, йўналтиради ва мувофиқлаштиради.

Юқорида қайд этилганидек, соҳалараро комплекс ёрдам кўрсатишни ташкил этишда, ёрдам кўрсатиш объекти диққат марказда бўлади. Бунда, соҳалараро комплекс ёрдам кўрсатиш яхлит тизим сифатида шаклланиши ва қуйидаги тизимости элементларни қамраб олиши мақсадга мувофиқ:

- иқтисодий тизимости;
- ижтимоий тизимости;
- сиёсий тизимости;
- маънавий тизимости.

Ушбу элементлар бир-бирига нисбатан автоном кўринишга эга бўлсада, ижтимоий ёрдам жараёнида улар яхлит манзарага эга бўлади.

Яхлит тизим тамойили асосида олиб бориладиган ижтимоий ҳимоя мультидисциплинар жамоа томонидан олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Фикримизча, мультидисциплинар жамоа муайян ижтимоий муаммони ҳал этишга қаратилган турли соҳа вакилларининг манзилли мақсадга қаратилган ягона жамоа сифатида олиб бориладиган фаолиятдир.

Ижтимоий ҳимоя жараёнида турли соҳа вакилларини қамраб олувчи мультидисциплинар жамоа (ёки соҳалараро комплекс ёрдам кўрсатиш жамоаси) таркиби куйидаги соҳа вакилларида иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

- 1) маҳалла фуқаролар йиғинлари раиси;
- 2) профилактика инспектори;
- 3) психолог;
- 4) оилавий поликлиникадан бириктирилган умумий амалиёт врачлари ва ҳамшира;
- 5) умумтаълим мактаблари ўқитувчилари;
- 6) юристлар;
- 7) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги мутахассислари;
- 8) ижтимоий иш ходими (касбий тайёргарликдан ўтган олий маълумотли профессионал мутахассис, ижтимоий иш ходими ва энагалик хизматини кўрсатувчи ходимлар);
- 9) ижтимоий иш ходимининг раҳбари (супервайзер);
- 10) волонтерлар.

Ижтимоий иш ходими фаолияти заминида махсус дипломга эга мутахассисларнинг меҳнат фаолияти, ижтимоий хизмат тизимини яратиш, мавжуд ижтимоий хизматларни халқаро стандартлар нуқтаи назаридан баҳолаш, ижтимоий хизматлар турларини кенгайтириш, ижтимоий хизматчиларнинг малакасини ошириш каби тадбирлар ётади. Ушбу фаолият «Кейс-менежмент» тамойили асосида қурилиб, ҳар бир мурожаатчининг шикоятини асосида ёрдамга муҳтожларнинг имконият даражасини ўрганилади, уй хўжалигидаги шароитлар баҳоланади, мақсадга йўналтирилган ҳаракат режасини тузилади, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтирилади ҳамда улардан фойдаланишда қулайлик яратиш учун бирга ҳаракат қилинади. Асосий мақсад қисқа муддатли чора-тадбирлар кўриш эмас, балки инсонни қийин вазиятдан қутқариб, нормал ҳаётга қайтишини таъминлашдир.

Ҳудудий кесимда республика миқёсида уларнинг ҳар чоракда ҳисобот конференциясини ўтказувчи Марказий бошқармаси, йирик шаҳар ва вилоятларнинг ҳар бир туманида офислари шакллантирилиши ва белгиланган ҳудуд аҳолисининг кўламадан келиб чиқиб, штат бирликлари сони ўрнатилиши мақсадга мувофиқ. Мақсад мультидисциплинар жамоа аъзоларининг сонини

аҳоли барча қатламлари вакиллари қамраб олиш имконига эга бўлиш даражасида шакллантириш.

Ўзбекистонда ижтимоий иш таълим ва касб соҳасини ривожлантириш зарурати мамлакатимизнинг бир қатор олимлари томонидан асосланган. Ушбу соҳанинг жамиятимиз учун зарурлиги профессор М.Бекмуродов томонидан илмий асосланган, бунинг натижасида, ижтимоий иш соҳасида 2004 йилда Тошкент маданият институтида бакалавр ва магистр даражасида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Мазкур йўналиш бўйича кадрлар тайёрлаш кейинчалик 2005 йилда ФарДУ ва СамДУда, 2010 йил ЎЗМУда, 2017 йил НамДУда, 2018 йил ГулДУда, 2020 йилдан эса БухДУда ҳам йўлга қўйилди.

Ижтимоий иш ходими ушбу фаолиятни қуйидаги тарзда амалга оширади. Тегишли аҳоли пунктида маҳаллалар жами аҳолисидан ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар сони ажратиб олинади. Бунда ҳудудда истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли таркибига дифференциаллашган ҳолда ёндашиш муҳим. Бу уларнинг ҳар бирига хос бўлган эҳтиёжларга қараб ёрдам турларини ихтисослаштириш ва манзиллилигини таъминлаш имконини беради. Хусусан, институционал муассаса битирувчилари рўйхати алоҳида тузилиб, уларга зарур ёрдам турларига аниқлик киритилади. Ҳудуднинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини (жумладан, институционал муассаса битирувчиларини – 3.Э) истисносиз қамраб олиниши учун мультидисциплинар жамоа таркибида мутахассислар сони аниқ белгиланиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, мутахассисларнинг функционал вазифалари аниқ ўрнатилган, уларнинг иш графиги белгиланган, албатта, иш ставкасига мувофиқ маош билан таъминланган бўлиши керак. Маҳалла фуқаролари йиғинлари фаоллари орқали ёки тўғридан-тўғри эҳтиёжманд қатлам томонидан ёрдам, хавfli вазият тўғрисида мурожаатлар келиб тушгач, мультидисциплинар жамоа ҳаракатга келади.

Сигнал қабул қилинган, зудлик билан ижтимоий иш ходими вазият ҳақидаги дастлабки маълумотлар асосида тегишли мутахассислар билан биргаликда эҳтиёжманд киши яшаш манзилига боради. Дастлабки кузатувлар асосида зарур ёрдам (масалан, биринчи тиббий ёрдам) кўрсатилади. Ушбу жамоа таркибида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг мутахассислари қатнашади. Албатта, ушбу мутахассис тегишли маҳалла аҳолисининг ижтимоий таркибини яхши билиши керак. Демак, ёрдам сўраб мурожаат этган кишиларнинг эҳтиёжмандлик даражасини белгилашда ушбу мутахассиснинг тажрибасига таянилади. Ижтимоий ҳимоя самарадорлигини янада ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 18 февралда «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сон Фармони

хамда 2020 йил 18 февралдаги «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4602-сон Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорга кўра, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг вазифалари деб қуйидагилар белгиланди:

- жамиятда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишида ҳар томонлама кўмаклашиш, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш;

- оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, «Соғлом оила – соғлом жамият» ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини юритиш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли кўмаклашишни ташкил этиш;

- хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш, хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш;

- хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

- хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шaroитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, аҳоли кундалик муаммолари билан ишлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги мавқеини юксалтириш;

- маҳаллаларда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларида ички ишлар органлари, давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

- ёлғиз кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклашиш, ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашда ҳуқуқий, услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, нурунийларнинг билим ва бой

ҳаётий тажрибасидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш масалаларида самарали фойдаланиш;

– фуқаролар йиғинларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

Фикримизча, Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш жараёнида ижтимоий ҳимоя тизими, хусусан, институционал муассаса битирувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳаси айрим ислохотларга муҳтож. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сағлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирликлари тегишли идоралар билан ахборот алмашинуви тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бунда, бош мақсад юқори давлат органларининг ижтимоий ҳимоя борасидаги фаолияти ва амалий кўмак ўртасидаги узилишининг олдини олиш бўлиб, мултидисциплинар жамоа фаолияти яхлит мувофиқлаштирилади, ушбу фаолиятнинг ижтимоий самарадорлиги таъминланади.

Шунингдек, ижтимоий нафақалар тўлашнинг мавжуд тизимини танқидий таҳлил этиш асосида аҳолининг муҳтож қатламлари таркибини янгидан ўрганиш, уларни мажмуали ижтимоий қўллаб-қувватлаш қамровини кенгайтириш, бунда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш имконини берди. Шунингдек, нафақа тайинлаш мезонларини белгилашда очик, адолатли ва инновацион усуллар асосида қайта кўриб чиқиш, бу борада мутасадди органлар фаолиятини оптималлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш лозим.

Ота-она қаровисиз қолган болалар, ёлғиз кексалар билан ишлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит ва таъсирчан тизим яратилиши шарт. Бу тоифа учун ажратилаётган ижтимоий тўловлар, ногиронлик, дафн маросими, боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар, иш пайтида майиб бўлганлик учун товон пули каби тўловлар қайта кўриб чиқилиб, халқаро тажрибада кенг қўлланилувчи «Ижтимоий суғурталаш» тажрибаси ўрнатилиши мақсадга мувофиқ. Шу билан биргаликда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ногиронлиги бўлган кишиларнинг касбий классификаторида кўрсатилган касбларни қайта кўриб чиқиб, уларнинг меҳнат фаолиятини амалга оширишда қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарур.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ижтимоий адаптацияси дастурини ишлаб чиқиб, уларни ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш, уй-жой, иш билан таъминлашда инновацияларни жорий этиш лозим.

Ижтимоий таъминот олаётган кишиларни рўйхатга олувчи ягона реестрни шакллантириш мақсадга мувофиқ. Ушбу реестрда солиқ қўмитаси, ички ишлар, кадастр, ўзини ўзи бошқариш органлари, соғлиқни сақлаш ташкилотлари, пенсия

таъминоти, банклар, коммунал тўловлар ягона базага киритилади. Бу ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларнинг турли ҳужжатбозлик ва уларга сарфланадиган вақтни тежашга хизмат қилади. Хуллас, ушбу бандда илгари сурилган муаммоларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларни илгари сурамыз:

Биринчидан, соҳада институционал ислохотларни кўллаб-қувватлаш. Ижтимоий ҳимоя бўйича ягона давлат органини ташкил этиш орқали ижтимоий ҳимоя функцияларининг фрагментарлик муаммоларини ҳал қилиш зарур.

Иккинчидан, халқаро стандартлар асосида ижтимоий ҳимоянинг комплекс миллий стратегиясини ишлаб чиқиш. Ушбу жараён ижтимоий ҳимоянинг тор доирадаги муҳтож кишилар учун хайрия сифатида қабул қилинишини ўзгартиришга йўналтирилган. Бунда ҳар бир фуқаро эҳтиёжидан келиб чиқиб, ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш назарда тутилган.

Учинчидан, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар учун «Кўмак пули+хизмат» шаклидаги интеграциялашган ёндашувнинг қўлланилиши. Фаолият турларини туркумлашнинг халқаро классификацияга мутаносиб ҳолда ногиронлиги бор шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари рўёбга чиқарилиши ҳамда улар ҳаётининг мавжуд шарт-шароитларини яхшилашга кўмаклашиш лозим.

Назорат саволлари:

1. Ота-она қарамоғисиз қолган болалар тушунчасини изоҳланг.
2. Патронат болаларни оилага жойлаштириш шаклини тушунтириб беринг.
3. Ижтимоий етим тушунчасини изоҳланг.
4. Деинституционализация тушунчасининг моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Институционализация тушунчасининг моҳиятини ёритиб беринг.
6. Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ёритиб беринг.

2- МАВЗУ. ЕТИМЛИК СОЦИАЛ ҲОДИСА СИФАТИДА ИНСТИТУЦИОНАЛАШУВИ.

Режа:

1. Етимлик социал ҳодиса сифатида илмий ўрганилиши.
 2. Шарқ мутафаккирлари қарашларида етимлик социал ҳодиса сифатида илмий ўрганилиши.
 3. Ўзбекистонда етимлик социал ҳодиса сифатида институционалашуви.
- Ғарбда етимлик социал ҳодиса сифатида илмий ўрганилиши.**

Таянч сўзлар: *цивилизация, етимлик, ижтимоий етимлик, хуфёна етимлик, уй етимлари, иккиламчи етимлик, ОИТС етимлари, мигрант етимлар.*

1.Етимлик социал ҳодиса сифатида илмий ўрганилиши

Инсоният цивилизациясининг тарихий даврлари давомида ота-онанинг вафоти етимликнинг асосий сабаби саналган. Бироқ, XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошида дунё миқёсида содир бўлаётган глобаллашув, модернизациялашув каби жараёнлар нафақат иқтисодий-молиявий, балки ижтимоий-маънавий ҳамда ахлоқий қадриятлар парчаланиши каби социал деформацияларга (лот. *deformatio* – бузилишлар) сабаб бўлди. Ўз ўрнида, бундай социал деформациялар ижтимоий эҳтиёжманд қатламлар тақдирида изсиз кетмайдиган ижтимоий офатларга олиб келди. Шунингдек, Ғарб социологлари ҳам мазкур ёндашувларни қўлладилар. Хусусан, Э.Дюркгейм кўрсатганидек, жамиятда содир бўлаётган трансформациялар ижтимоий тузилма фаолиятини издан чиқариши ва турли салбий аномалияларга олиб келиши мумкин. Чарльз Кули таъбири билан айтганда, айрим кишиларнинг ҳуқ-атвори ёки характери аксарият кўпчилик томонидан меъёр сифатида қабул қилинган намуна ёки даражадан яққол пастлиги ёки номутаносиблиги назарда тутилади. Унинг фикрича, социал омилларни ўзгартириш орқали инсонни ўзгартиришга ҳаракат қилиш мумкин. Оилалардаги бундай ижтимоий ноқобилликни Т.Парсонс ўринли таърифлайди: «Эр-хотин ва вояга етмаган болалардан иборат оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида замонавий касбий иерархия стратификацияси шкаласига биноан барбод бўлмоқда. Оилада тарбияланаётган боланинг эҳтиёжларига лоқайд қаралмоқда. Зеро, боланинг оиладаги мақоми катта ёшдаги оила аъзоларининг профессионал карьераси нуқтаи назаридан сезиларсиз. Бу оилавий бирдамликни емирувчи омиллардан бири саналади». Болалар қаровсизлиги айнан ўша социал офатлар ичида энг аянчлиси. Зеро, замонавий тараққиёт шароитида дунё миқёсида 100 миллиондан ортиқ бола нафақат ота-онасининг вафоти, балки уларнинг ўз фарзандларига нисбатан мажбуриятдан ихтиёрий равишда воз кечиши ёки ушбу масъулиятдан расман четлатилиши оқибатидаги етимликдан азият чекмоқда.

Етимлик илм-фан дунёсида баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Илмий атамашуносликда ушбу сўз муайян миллатнинг социомаданий хусусиятларидан келиб чиқиб талқин этилади. Хусусан, Шарқ мамлакатларида кундалик мулоқотда қўлланиладиган «етим» сўзининг этимологияси, арабча «Ятим» (эркаклар исми) сўзининг мазмунига бориб тақалади. Ушбу исм туркий талаффузда айнан «Етим» сифатида жаранглайди. Унинг ўзагида ётувчи «йтм» – шахсга нисбатан қўлланилиб, биринчидан, айнан «Етим қолмоқ»ни англатса, иккинчидан «Ягона», «Ноёб» маъносида ишлатилади.

В.И.Даль ўзининг изоҳли луғатида ушбу тушунча мазмунан ҳеч қандай

қўллаб-қувватланмайдиган, ёлғиз, бошпанасиз бечора киши сифатида талқин қилинган. Худди шу мазмундаги фикрлар Е.И. Трофимованинг тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган. Муаллиф умумславян ва ҳинд европа тиллари оиласида ушбу атама қадимдан аҳолининг турли категориялари ичида «Ота-онасидан бири ёки иккаласидан ажралиб қолган бечора» маъносини аниқлашга эришилган. Ушбу таъриф аҳолининг барча қатламларига хос етимликни ўз ичига қамраб олади.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида «Етим» атамаси ота-онаси ёки улардан бири вафот этган болага нисбатан ишлатилиб, халқ орасида ота-онаси вафот этиб, ёлғиз қолган бола «Чин етим», онаси билан қолган бола «Гул етим», отаси билан қолган бола «Шум етим», айрим ҳолларда отаси ҳамда онаси томонидан ташлаб кетилган болалар (яъни, ижтимоий етимлар – З.Э) «Тирик етим» деб аталган. Бундай болаларга нисбатан «Ташландиқ бола», «Етимча» каби таҳқирловчи атамалар ҳам қўлланилган. «Ташландиқ» сўзи хуфёна ва олдиндан огоҳлантирилмасдан ёт кишилар тарбиясига ташлаб кетилган болага нисбатан қўлланилган. Табиатда ушбу ҳодисанинг муқобил ҳолати қанчалик қуш модасининг ёт қуш инига тухум қўйиб кетишида кузатилади. Шу боис, кундалик мулоқотда «Ташландиқ бола» ва «Қанчалик қуш болоғи» синоним сифатида қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонун 1-боб, 3-моддасида «Етим бола – ота-онасининг иккиси ҳам вафот этган ёки суд қарорига мувофиқ вафот этган, деб эълон қилинган бола», деб белгиланган.

Илмий тадқиқотимиз диққат марказида турувчи болалиқдан етимлик алоҳида хусусиятли ижтимоий ҳодиса саналади. Россия педагогик энциклопедиясида «Етимлик – она васийлигидан маҳрум бўлган вояга етмаганларнинг турмуш тарзи» ни аниқлади. Бу етимликка бир ёқлама ёндашув бўлиб, унга биноан, онанинг вафоти ёки боладан воз кечиши етимликнинг асосий омили саналади. Бунда отанинг фарзанд тарбияси ва парваришидаги тенг масъулияти эътибордан четда қолади.

Е.Б.Бреева ўз тадқиқотида болалар етимлигининг ташқи белгиларини ўрганар экан, «Бундай болаларнинг ота-онаси бўлса-да, улар болалар уйлари, бошпаналар, интернатларда яшашга мажбурдилар», дейди. Муаллифнинг таърифига кўра, боланинг ўз оиласи бағрида эмаслиги унинг етимлигидан гувоҳлик беради. Шунингдек, классик мазмундаги етим (яъни, ота-онаси вафот этган) болалар ушбу таърифдан четда қолади ва замонавий жамиятларда етимликнинг бу тури социал ҳодиса сифатида гўёки йўқ бўлиб кетгандек тасаввур ҳосил қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, етимликка нисбатан илмий-оммабоп атамашуносликда қўлланилувчи сўзлар ва сўз бирикмалари ушбу ижтимоий ҳодисанинг ўзига хос жиҳатлари мавжудлигидан гувоҳлик беради. Биз ушбу

тушунчалар мазмунини умумлаштирган ҳолда қуйидаги яхлит хулосани илгари сурамиз: «Кундалик мулоқотда қўлланилувчи «чин етим» боланинг ҳам отаси, ҳам онаси вафот этганлигини англатади. Илмий атамашуносликдаги «Биологик етимлик» тушунчаси ҳам худди шу мазмунда қўлланилувчи сўз бирикмасидир. Демак, ушбу икки сўз бирикмаси айнан бир ижтимоий ҳолатни англатувчи синоним сўзлар бўлиб, мазмунан ота-онанинг вафоти боис улардан ажралиб қолган боланинг турмуш тарзини англатади ва улар қонунчилик бўйича тўғридан-тўғри етим болалар саналади.

В.С.Мухина табиий катаклизмлар (офатлар, очарчилик ва ҳ.к.) ва ижтимоий силкинишлар – иқтисодий-ижтимоий трансформациялар, ўтиш даври, турли урушлар, миллатлараро конфликтларни биологик етимликнинг омиллари сифатида гуруҳлайди. Шу боис, қочоқлар, мажбурий мигрантлар қатлами шаклланади ва улар орасида етимлар улуши ошиб бормоқда. Хусусан, 2015 йилда 244 миллион халқаро муҳожира ва қочоқлар қайд этилган бўлса, 2050 йилга келиб, ушбу рақам 321 миллиондан ошиб кетиши кутилмоқда. Европага келган 1 миллиондан ортиқ қочоқларнинг 253 700 нафари болалар бўлиб, улардан 100 минг нафари ёлғиз болалар сифатида қайд этилган.

Ўтган асрнинг 60-80 йилларида халқаро миқёсда болалар ҳуқуқларини муҳофазалаш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилгани эътиборга сазовор. Бу даврда, бир томондан, БМТ ёшлар ижтимоий-демографик гуруҳига бўлган муносабатнинг янгича принципларини белгилаб берувчи қатор ҳужжатлар қабул қилди. 1965 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг «Ёшлар ўртасида тинчлик ғоялари, миллатлараро ўзаро ҳурмат ва тушунишни тарғиб этиш тўғрисида»ги Декларацияси эълон қилинди. Натижада, халқаро ҳамжамият эътибори ўсиб келаётган ёш авлод муаммоларига йўналтирилди. Шундай бўлса-да, етим ва ота-она қаровисиз қолган болалар замонавий жамиятларнинг оғриқли нуқталаридан бири бўлиб қолаверди.

Биологик етимликнинг асл мазмуни бизнинг кунгача бузилмасдан сақланиб келсада, замонавий тараққиёт ушбу ижтимоий ҳодисанинг янги категорияларини, хусусан, ижтимоий етимликни шакллантирди. Илмий доираларда бу икки тушунча ёнма-ён қўлланилиб, етимликни шакллантирувчи омил ва сабаблари тубдан фарқланишини билдиради. Биз бу борадаги фикрларни умумлаштириб, биологик (чин) етимлик асосида ота-онанинг вафоти ётса, ижтимоий етимлик, аксинча, тирик ота-онанинг бири/иккиси томонидан ёки ёлғиз она/ота томонидан турли ваз ва сабаблар боис бола тарбиясидан бўйин товлаши, деб ҳисоблаймиз.

«Ижтимоий етимлик» атамаси илк бор 1987 йилда ўқитувчиларнинг Умумроссия конференциясида А.А.Лиханов томонидан «Тирик ота-онаси бўла туриб» етим қолган 400 минг болаларнинг ижтимоий ҳолатини изоҳлаш мақсадида қўлланилди. Унингча, замонавий жамиятларда ижтимоий етимлар

етимликнинг барча шакллари ичида мутлақ кўп сонли бўлиб, жами етим болаларнинг деярли 93% ни ташкил этади.

Худди шу нуқтаи назардан, ижтимоий етимликни изоҳлаган Н.Д.Никандров етимликнинг ушбу шаклини келтириб чиқарувчи омилларни «кадриятли бўшлиқда умумий мақсаднинг йўқотилиши»да кўради. Дарҳақиқат, ижтимоий макондаги замонавий трансформациялар катта ёшли аҳоли қатламида ҳаёт мазмуни йўқотилиши оқибатидаги ижтимоий-руҳий бўшлиқларни ҳосил қилмоқда. Ваҳоланки, катта ёшли авлод вакилларининг ҳаётий мураккаб вазиятлари ва социал муаммолари натижасидан болалар азият чекувчилардир. Уларнинг аксарияти, М.А.Галагузова, Ю.В. Васильков ва Т.А.Васильковлар тадқиқотларига биноан, ҳали 18 ёшга тўлмаган, вояга етмаганлар бўлиб, биологик ота-оналари уларнинг тарбияси ва парвариши билан шуғулланмайди. Натижада, Л.С.Кочкина таъбири билан айтганда: «Давлат бу каби ота-оналарнинг болаларига бераётган тарбиясидан қониқмайди ва бу функцияни ўз зиммасига олади».

Замонавий жамиятларда ижтимоий етимлик болалар назоратсизлиги ва қаровсизлигидан ҳосил бўлувчи кенг қамровли ижтимоий ҳодиса бўлиб, О.И.Дубинина, В.А.Степанов, Л.А.Сатарова ҳамда О.А.Дорожкиналар боланинг ота-она қаровисиз қолишига олиб келувчи омилларни қуйидагича туркумлайди: 1) ота-онанинг йўқлиги ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги; 2) ота-оналик ҳуқуқининг чекланганлиги; 3) ота-онанинг бедарак кетган деб топилганлиги; 4) ота-онанинг лаёқатсиз деб топилганлиги (ёки лаёқати чекланганлиги); 5) уларни вафот этган деб эълон қилинганлиги; 6) озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида муддатини ўтаётганлиги.

Мазкур туркум ижтимоий етимлик омилларини деярли тўлиқ қамраб олсада, бизнингча, унинг хуфёна кечувчи яна бир шакли, яъни болага зарур эътибор ва меҳр кўрсатмаслик, боланинг психофизиологик эҳтиёжларини зарур даражада қондирилмаслиги четда қолган. «Хуфёна етимлик» (ёки «Уй етимлари» – З.Э.)да вояга етмаган болалар расман ота-она бағрида бўлса-да, уларнинг бола парваришига лоқайдлиги ёки шафқатсиз муносабати боис ҳиссий боғлиқлик ўрнатилмаганлиги назарда тутилади. Зеро, институционал муассасага боланинг келиб тушиши аксарият вазиятларда гўдаклик ва илк болалик даврида (яъни, 3 ёшгача) содир бўлади. Оила бағрида тарбияланаётган болада айнан илк гўдаклик даврида ташқи дунёга ишонч ҳиссини ҳосил қилувчи ота-она ва яқин катталарга нисбатан ҳиссий боғлиқлик шаклланади. Ҳиссий боғланганлик болада туғма эҳтиёж бўлиб, унинг ўрнатилганлиги шахсда меъёрий психофизиологик ривожланиш ва барқарор ижтимоийлашувни таъминлайди. Ушбу эҳтиёж болада ота-онанинг жисмонан йўқотилиши (вафоти ёки боладан воз кечиш), улар томонидан лоқайд ёки шафқатсиз муносабат, боланинг ўз оиласидан ташқарида тарбияланиши боис издан чиқади.

Л.М. Шипицынанинг фикрича: «Хуфёна ижтимоий етимлик – маънавий тубан оилаларда ота-онаси билан бирга яшовчи болаларнинг турмуш тарзи бўлиб, бундай вазият бола психофизиологик ривожланишида камчиликларни шакллантиради». Н.Н.Верцинская тадқиқотларига кўра, бундай болалар сирасига, ҳатто, «тўкин-сочин ва шинам ҳаёт кечирувчи», моддий таъминланган, бадавлат оила фарзандлари ҳам киради. Зеро, улар меъёрий ижтимоийлашув учун зарур шарт-шароитларга эга бўлсалар-да, ота-оналари уларга етарлича меҳр бермайди, эътибор қилмайди. Натижада, бундай болалар ўз истиқбол режа ва мақсадларини тўғри шакллантира олмайди, ғараз ниятли шахслар, гуруҳлар таъсирига осонликча берилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, етимлик хуфёна ривожланаётган аксарият оилалар ташқи кўринишдан тўлақонли, барқарор оила деб, тасаввур қилинади. Йиллар давомида ушбу сохта ниқоб остида болага нисбатан ижтимоий таҳдидлар ўсиб боради. Аксарият ҳолларда оилада соғлом муҳитнинг йўқлиги ижтимоий-руҳий танг вазиятдаги боланинг уйдан қочиш кетиши натижасида фож бўлади.

Бизнингча, ушбу туркумга ижтимоий етимликнинг кескин шакллари билан бири бўлган «иккиламчи етимлик»дан азият чекаётган болаларни киритиш мақсадга мувофиқ. Иккиламчи етимлик деганда, фарзандликка ёки ҳомийлик/васийликка олинган боладан тутинган (ёки ижтимоий) ота-она ҳам воз кечганлик ҳолатини тушунишимиз мумкин. Иккиламчи етимлик омиллари ҳомий/васий ота-онада бола тарбияси ва парвариши борасида психологик-педагогик ижтимоийлаштиришга доир кўникмаларнинг етарли эмаслиги, бола ва тутинган ота-она манфаатларидаги зиддиятлар, ўзаро илиқ муносабатнинг ўрнатилмаганлиги, болада ирсий ёки бошқа касалликлар пайдо бўлиши натижасида юзага келувчи зиддиятларга тайёр эмаслик, фарзандликка ёки васийлик/ҳомийликка олишдаги ғараз ният кабилардир. Ачинарлиси, иккиламчи етимлик бола шахсиятида кучли ахлоқий ва руҳий деградацияга сабаб бўлади.

Баъзи ҳолларда оилага берилган болалар институционал муассасаларга қайтарилиши кузатилади. Айнан шунинг учун болаларни оилага бериш жараёнида оилалар ҳолатини аниқ баҳолайдиган индикаторлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Статистик маълумотларга биноан, Германияда 2012 йилда 40 000 бола болалар уйларига қабул қилинган. Уларнинг 17 минг нафари ота-онаси томонидан таҳқирланганлиги учун, 7 минг нафари оилавий тарбиядаги муаммолар боис, 3 минг нафари эса криминал ҳодисалар оқибатида оиласидан жудо бўлган. Бошқалари зўравонлик, уй-жой шароитининг яхши эмаслиги, гиёҳванд моддалар истеъмоли, ота-онасининг ажрашиб кетганлиги сабабли болалар муассасаларига келиб қолган.

Т.Н.Отделкинанинг тадқиқотларига кўра, замонавий жамиятларда етим ва ижтимоий етим болалар сонининг ўсиш тенденцияси катта ёшли авлод

вакилларининг оғир ва сурункали кечувчи касалликларга чалиниш частотаси билан узвий боғлиқ. Зеро, шиддатли тараққиётнинг салбий оқибатларидан бири бўлган ОИВ/ОИТС жаҳон миқёсида етимликнинг янги тури – «ОИТС етимлари»ни шакллантирди. «ОИВ/ОИТС етимлари» аксарият асоциал ҳуққ-атворли ота-оналарнинг иккаласи ёки улардан бирининг вафот этиши муносабати билан етим қолган болалардир. БМТнинг ОИТС бўйича дастурлари (UNAIDS), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФнинг расмий статистик маълумотларига мувофиқ, ушбу атама аксарият вазиятда отаси тириклигидан қатъи назар, онаси ОИТС туфайли вафот этган 15 ёшгача бўлган болаларга нисбатан қўлланилмоқда. Ваҳоланки, 80% «ОИТС етимлари»нинг ота-онасидан бири тирик. XXI аср вабоси саналган ушбу касаллик боис, дунё миқёсида сўнгги йилларда 20 миллиондан ортиқ бола етим қолди. Ижтимоий етимликдан азият чекаётган болаларнинг ичида бундай болалар сони борган сари ошиб бормоқда.

Расмий рақамлар дунё миқёсида жами етим болаларнинг атиги 10-15% и биологик (чин) етимлар, қолган 90%-85% и эса ижтимоий етимлар эканлигини кўрсатади. Мос равишда, тўлиқ давлат таъминотидаги институционал муассасаларда тарбияланаётган жами болаларнинг ўртача 5-10% и биологик (чин) етим болалар бўлса, 90-95% и ижтимоий етим болалардир.

МА.Дмитриева фикрича, Ғарб давлатларида ижтимоий етимлик омилларига сабаб бўлаётган туб муаммолар никоҳ ёшининг кечикиши, ажримлар, норасмий никоҳ муносабатларининг оммалашуви, туғилишнинг камайиши, бир жинсли муносабатларнинг легаллаштирилиши, зарарли одатларга рўжу қўйиш, натижада эса расмий никоҳ ва оила институтининг парчаланиши билан узвий боғлиқ. Афсуски, Ғарбнинг ривожланган давлатларида анъанавий оила институтини сақлаб қолишга лойиқ ижтимоий сиёсат юритилмайди.

Оила-никоҳ муносабатларининг таназзули борасида илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчилар фикрича, тезкор ва ўзгарувчан замонавий жамиятларда эркин муносабатлар шахсга ортиқча масъулият юкламаслиги боис урф бўлиб бормоқда. Афсуски, бундай қулай муносабатлар фарзандларнинг руҳан соғлом ва комил инсон сифатида вояга етишига раҳна солади. Бугунги кунда оилаларнинг бузилиши шу даражадаки, унга кундалик оддий бир воқеа сифатида қаралади. Оиладаги носоғлом муҳит ҳам тарбия бузилишининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Айрим оилаларда бола учун зарур имкониятлар мавжуд эмаслиги сабабли у нохуш ҳолат билан ёлғиз кураш олиб бориш фикри билан яшайди. Оқибатда биргина АҚШда болаларнинг атиги ¼ тўлиқ оилаларда тарбияланмоқда.

2000 йилдан буён боладан аноним воз кечувчилар учун махсус жиҳозланган Бэби-бокс тармоғи вужудга келди. Улар, одатда, тиббий ёки диний муассасалар ҳузурида тузилади. Улар ичига бола қолдирилгач, 30 сонияда эшиги автоматик ёпилади ва муассаса ходимларига сигнал ёки СМС хабар келади. Хабар қабул

килинган заҳоти болани тўлиқ кўриқдан ўтказиш мақсадида тиббий ходимлар ва полиция мутасаддилари келади, бола васийлик органларига топширилади. Бундай «бола қутилари» Германияда «ҳаёт ойнаси», Италияда «ҳаёт бешиги», Японияда «лайлак бешиги» ёки «болалар почтаси», Хитойда «болаларни қутқариш оролчаси» деб аталади. Германияда илк бэби-бокс 2000 йилда Гамбург шаҳрида ҳаётдан норози фоҳиша, гиёҳванд ва ақлий заиф аёллар томонидан ўз боласини ўлдириши каби мудҳиш ҳолатлар олдини олиш мақсадида ўрнатилган. Ушбу болалар қутиларига дастлабки 10 йил давомида (1999-2010 йилларда) 973 нафар хуфёна туғруқ ёрдамида дунёга келган болаларнинг 278 нафари ташлаб кетилган. 2016 йилда эса бундай муассасалар сони 91 тага етди. Сўнгги пайтларда худди шундай муассасаларга энди туғилган, ногиронлиги бўлган чақалоқларни ташлаб кетиш кўпаймоқда.

БМТнинг бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси болаларни аноним тарзда қолдирилишидан ташвишланиб, бэби-бокслар тизими фаолияти Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 6, 9, 19-моддаларига зид эканлиги боис 2012 йилдан уларни тақиқлашни тавсия этди. Зеро, «болалар қутилари»нинг оммавий тарзда ўрнатилиши боладан осонликча воз кечиш пайида бўлган масъулиятсиз ота-оналарни хурсанд қилмоқда.

Болани оиладан мажбурий тарзда тортиб олиш бола ҳаёти, манфаат ва ҳуқуқларини муҳофазалаш мақсадида аксарият ноқобил оилаларда содир бўлади. Бунда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳуқуқий акт сифатида суд қарори билан амалга оширилади. Вояга етмаган фарзандидан ота ёки онанинг ихтиёрий воз кечиши (аксарият ҳолда, туғруқхонада) юридик акт бўлиб, махсус расмий қонунчилик ҳужжати билан мустаҳкамланади. Дастлабки 3 ой давомида ота-она ўз қарорини ўзгартириши ва болани оилага қайтариши мумкин. Бола расман «Воз кечилган бола» мақомига эга бўлгач, у болалар институционал муассасаларига йўналтирилиши ёки бошқа оилага берилиши мумкин.

Аксарият вазиятларда боланинг оиладан ташқарида тарбияланиши унинг институционал муассасага жойлаштирилганлигини англатади. Ўз ўрнида, институционал муассаса – етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар ҳамда ўсмирларнинг узок муддатга тўлиқ давлат таъминотига олувчи ташкилотлар.

Шундай бўлса-да, институционал муассасалар афзалликларидан бири ака-ука, опа-сингилларнинг бир гуруҳга жойлаштирилиши бўлиб, бу қариндошлик ришталарини сақлаб қолиш ва болада оиласидан бутунлай узилганлик ҳиссини камайтириш учун муҳим аҳамият касб этади. Фарб тажрибасида сиблинглар (инг - sibling – туғишган ака-ука ёки опа-сингил) билан узвий муносабат боланинг барқарор ривожини учун ўта муҳим саналади. Зеро, болалар ҳам ака-укаси ёки опа-сингиллари билан бир гуруҳда бўлиши ёки улар бир-бирларини кўриб туриши учун шароит яратилганлигини қадрлайдилар. Бирок, А.Синклер ва А.Гиббслар

аниқлашича, ҳозирги кунда сиблинглар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамлиги сезиларли тарзда камайган. Чунки, тадқиқотда иштирок этган етим болаларнинг ярми ўз жигарбандлари билан тез-тез кўришиб туриш истагини билдирган бўлса, қолган қисми эса ўз сиблингларидан ажратилган ҳолда яшаётганлиги маълум бўлган.

И.Б. Назарованинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, муассасадаги аксарият тарбияланувчилар оилада ёлғиз фарзанд эмас (88,3%), тўртдан бир қисми (27,6%) ака-ука ёки опа-синглиси билан бирга тарбияланади. 12,2% туғишганлар эса алоҳида-алоҳида муассасада яшайди. Катта ёшда мустақил яшовчилар 25,1%ни, ота-онаси билан яшайдиганлар 21,4%ни, қариндошлари қарамоғида бўлган болалар 15%ни ташкил этади. Муассасада тарбияланаётган қизларнинг 46,2%и опа-синглиси билан, ўғил болаларнинг 53,8%и ака-укаси билан доимий мулоқотда бўлади.

Хуллас, ижтимоий етимлик ижтимоий ҳодиса сифатида жамият институционал тузилмасида муқим ўрнашганлиги боис қисман расмийлашган ижтимоий институтдир. Сабаби, ижтимоий етимлик институционал функцияларни бажаришга йўналтирилган расмий ташкилот ва муассасалар фаолиятида уйғун муштаракликни таъминлайди. Ушбу ташкилотлар қонун ва қонуности ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз ҳуқуқ ва ваколатларидан келиб чиқиб, ота-она қаровисиз қолган болаларни институционал муассасаларга расмийлаштиради, уларнинг кейинги таълим-тарбияси билан шуғулланади.

Иккинчидан, ижтимоий етимлик интеграл ижтимоий институт саналиб, ўзига хос тизим ҳосил қилувчи функцияларни бажарувчи муассасалар, ташкилотлар фаолиятига йўналтирилди. Мазкур институтнинг асосий унсурлари давлат таъминоти, постинституционал қўллаб-қувватлаш тизими ва ҳоказо.

Учинчидан, ушбу фаолият, аввало, етимлик ва ижтимоий етимликни ўрнатувчи давлат органлари, унинг мақсадларини ҳимояловчи субъектлар томонидан амалга оширилиб, етим ва ижтимоий етим болаларнинг жамиятга муваффақиятли ижтимоий интеграцияси учун қулай шароитлар яратилади.

Тўртинчидан, узоқ муддат муассаса шароитида тарбияланаётган болаларнинг руҳий ҳолатида ўзига бўлган ишончнинг камайиши, ҳимояланмаганлик, рад этилганлик, ташлаб кетилганлик туйғуси, яқин қариндошлари ва муассасага жойлаштирган кишиларга нисбатан нафрат кузатилади.

2. Шарқ мутафаккирлари қарашларида етимлик социал ҳодиса сифатида илмий ўрганилиши

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қадимдан етим болалар муаммоси илғор фикрли кишилар, давлат арбоблари, илм-фан намоёндаларини бефарқ қолдирмаган. Хусусан, ислом дини кириб келгунга қадар бўлган даврда

Марказий Осиё халқлари турмуш тарзининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий асослари баён этилган “Авесто”да келтирилишича жамоанинг кундалик ҳаёти, хусусан, оилавий муносабатлари қатъий тартибга солинган. Шу боис, қадимги аجدодларимиз ота-оналик масъулиятини жиддий ҳис этган. Фарзанд тарбиясида қатъий меъёр ва таомийларга таяниб, улар вояга етгач, ўз жамоаси олдида қиз фарзандга – “кадбону”, яъни уй бекаси, ўғил фарзандга эса “кадхудо” – оила бошлиғи мақоми берилишига эришганлар. Етим-есир болалар ва фақир, бева-бечора кишиларга нисбатан муносабатда савоб ва гуноҳнинг ўзаро тафовути тўғри анланган ҳолда уларга нисбатан адолатсизликнинг ҳар қандай шакли кескин қораланган. Жумладан, уларнинг мол-мулкига зиён етказиш қатъиян ман этилган.

Ислом дини кириб келгач мухтож, эҳтиёжманд аҳоли қатламлари, айниқса, етим болалар ҳақида хиёнат қилмасдан, аксинча уларга ғамхўрлик қилиш исломий эътиқоднинг марказий масалаларидан бирига айланди. Муқаддас Қуръони каримда савобли ишлар қилиш, ҳидоят билан машғул бўлиш, залолатдан қочиш, етим-есирларга хайр-эҳсон қилиш, меҳр-шафқатли бўлиш одамийлик ва мурувватнинг юксак кўриниши сифатида қараларкан: “Кимки бирор ёмонлик қилса, унга (охиратда ўша ёмонлиги) баробаридагина жазо берилур. Эркакми, аёлми – кимки мўминлик ҳолида бирор яхшилик қилса, айнан ўшалар жаннатга доҳил бўлурлар” - деб ўрнатилди. Ҳадисларда келтирилишича, “ҳалол йўл билан тўплаган молларидан эҳсон қилувчи, мискин ва бева-бечораларга раҳму шафқат қиладиган одамга кўп яхшиликлар бўлур”. Биргина Нисо сурасининг 10-оятда бу хусусда қаттиқ таҳдид бўлиб унга биноан “Етимларнинг мол-мулкини зулм йўли билан ейдиган кимсалар, албатта, қоринларида олов еган бўлурлар ва албатта, дўзахда тобланурлар” – дейилса, 22-оятда:“(Вояга етган) етимларнинг мол-мулкларини (қайтариб) берингиз, пок нарсани нопок нарсага алмаштирмангиз! Уларнинг молларини ўз молларингизга қўшиб ҳам емангиз!. Зеро, бу катта гуноҳдир!” – деб таъкидланади. Демак, ислом динида етим болалар масаласида ижтимоий адолат тамойилларига риоя этиш қатъий талаблардан бири саналади.

Шарқ Ренессанси саналган IX-XII асрларда тасаввуф таълимоти вакилларидан Хўжа Аҳмад Яссавийнинг ижтимоий қарашларида жамиятдаги «ғариблар», «етимлар» қатлами алоҳида тилга олиниб, унинг тариқатларида худди шундай табақаларнинг манфаатларини муҳофазалаш зарурати қайд этилган. Зеро, тасаввуф таълимотининг айрим ғоялари ўз замонасига нисбатан маълум маънода тараққийпарварлик руҳида бўлган ва улар ижтимоий ожиз табақаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофазалашга интиланлар.

Худди шу даврда яшаб ижод этган мутафаккирлардан Абу Райхон Беруний болаликда етим қолган. Бу ҳақди у: “Мана мен унинг мамлакатлари орасида узок вақт ғурбат чеккандан кейин, чақирилиб, сояйи давлатида ўсиб-унганларнинг бириман. Унинг олий мажлисига эришиб... – замондош ва тенгдошларимга нисбатан яқинлик ва эҳсонига эриштирадиган устунлигим ва арзирлигим бўлмаса ҳам, унга яқин ва меҳрибонлигига мойил бўлдим. Эҳсонида ғоятга ва камолга етдим”- дейди. Мутафаккирнинг ушбу фикрлари мазмунига ойдинлик киритган А.Ахмедовнинг фикрича: “Олимнинг “узок вақт ғурбат чекканлиги” унинг етимликда кечирган йилларига тааллуқли деб қаралмоғи керак. Беруний “унинг сояйи давлатида униб ўсганларнинг бириман” ва “эҳсонида ғоятга ва камолга етдим” дейишига қараганда, у ёшлик даврини назарда тутди. Бу давр эса Хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ замонида тўғри келади. Олимнинг ўзи айтишича, отасини ҳам, бобосини ҳам билмаган. Афтидан у болалигиданоқ етим қолган кўринади”.

Етимликда ўсган Абу Райхон Беруний қомусий олим, буюк мутафаккир бўлиб етишар экан, ўзининг “Минералогия” (“Жавоҳирот китоби”) асари муқаддимасида ёзишича: “агар бирон киши одамларнинг осойишталиги деб машаққатларга чидаса, зикналик қилмасдан, унга ато қилинган нарсаларни бировларга берса, бундай одам ўшандай қудрат билан шуҳрат топган мард киши саналади. “... ҳиммат – яхшиликка интилиш мурувват даражаси каби орта беради. Яхшилик қилиш ҳисси барча одамларда бир хил пайдо бўлаверади, айниқса у ўз жинсидан бўлак одам бўлса, айна муддао”.

Ота-она қаровисиз етим қолган болалар манфаатларининг қафолатлари Соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодлари ҳукмронлик қилган даврларда давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишлари қаторидан жой олган. Салтанат қурувчисининг фикрича, давлат биринчи галда, мамлакатдаги барча ижтимоий табақаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши шарт. Бунда, маслаҳат, кенгаш, қонун-қоидалар ва адолат билан қатъий тартибда иш юритилиши керак. Шу боис, Соҳибқирон ўз салтанатида оғир шароитда яшовчи, муҳтож ва мискин, етим-есир аҳоли қатламларига доим ғамхўрлик қилиб келган. Айниқса, урушларда вафот этган кишиларнинг оила аъзолари хусусан, етим фарзандлари алоҳида эътиборда бўлган. Ҳатто забт этилган мамлакатларнинг аҳолиси ҳам бундай ғамхўрликдан четда қолмаган. Бу борада Амир Темур ўз мулозимларига: «Яна амр этдимки, ўлганларнинг молларини ўз ворисларига етказсинлар. Агар вориси йўқ бўлса, уни хайрли ишларга сарф қилсинлар» – деб қатъий кўрсатма беради.

Етим-есирлар, ғарибу мискинларга худди шундай муносабат буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ва амалий фаолиятида ҳам ўз аксини топди. Мутафаккир ўз

даврида аҳолининг 32 қатламини туркумлар экан, улардан йигирма еттинчи қатлам ғариб ва бечоралар бўлса, йигирма саккизинчиси уй-жойсиз гадоёлар, етим-есирларнинг ижтимоий хусусиятларини алоҳида ўрганди. Алишер Навоий худди шундай қатламларнинг ижтимоий аҳволини илмий ўрганибгина қолмай, уларга беминнат хизмат кўрсатувчи масжид, мадраса, хонақоҳ ва шифохоналар қурдирди. Биргина «Холисия» хонақосида етим-есирлар ва мискинларга кунлик текин озиқ-овқат улашиш тартибини амалда қўллади.

3. Ўзбекистонда етимлик социал ҳодиса сифатида институционалашуви.

Мовароуннаҳрда, хусусан, Ўзбекистонда етимлик расман институтлашмаган. Аммо, ижтимоий институт сифатида чин меҳр-оқибат, саховат, раҳмдилликни ўлчаш мезони сифатида амал қилган.

Ўзбек оилавий ҳаёти, одатда, уч авлодни қамраб олган. Оилада ота раҳбар бўлиб, аёллар ва болалар уй ишларини бажарганлар. Б. Убайдуллаева фикрига кўра: «Катта оилада болалар тарбиясига кўпроқ эътибор берилган. Бунда оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатнинг роли муҳимдир. Катта оила болага маънавий, ахлоқий, жисмоний ва меҳнат тарбиясини берган, улар билан барча ёшдаги эркаклар ва аёллар шуғулланган». Демак, бундай кенгайтирилган оилаларда етим қолган болалар оила таркибида қолган ва уни яқин қариндошлари тарбияланган.

Аммо, XX аср арафасида Туркистон ўлкасида ижтимоий-иқтисодий парокандалик боис аксарият етим болалар бадавлат хонадонларда уй хўжалиги юмушларини бажариб, кун кечирган. Етим болалар чорвадорларга 1 йилга, деҳқонларга 8-10 ой муддатга ёлланиб ишлаган. Уларнинг меҳнат ҳақи 6-8 дона кўй, ёзлик ва қишлик кийим, кундалик овқат бўлган. Деҳқончилик ишларида банд бўлган етим болалар 4-5 ботмон ғалла (ёки 120-150 танга пул), ёзлик кийим олган. Шартлашилган муддат тамом бўлгач, етим бола ҳақини олиб кетиши ёки янги муддатга ёлланиши мумкин эди. Чорванинг йўқолиши ёки ўлиши, табиий офат натижасида экинга етган зарарни тўлаш етим бола гарданига тушган.

Собиқ иттифоқ даврида Биринчи жаҳон урушининг асоратлари боис етимлар сони кескин ошди. Бу даврда етим ва ота-она қаровсиз қолган болаларни тўлиқ давлат таъминотидаги муассасаларда тарбиялаш йўлга қўйилди. Хусусан, 1917 йилда ташкил этилган Ижтимоий ҳимоя вазирлиги таркибида етим ва қаровсиз қолган болалар билан ишлаш бошқармаси очилди. Бунга сабаб, урушлар боис етимликнинг оммавий тус олиши бўлди. Бу даврда болалар ва ўсмирлар назоратсизлиги ва қаровсизлиги кучайиб, В.В.Чернявскийнинг қайд этишича, «Бундай болалар ўз оилаларида яшасалар-да, ота-оналари томонидан уларнинг хулқи, таълим олиши, тарбияси, назорат остига олинмади. Қаровсиз қолган

болалар назоратсизликнинг кескин кўриниши бўлиб, бунда боланинг ўз оиласи билан алоқаси бутунлай узилган бўлади. Уларнинг доимий ёки вақтинчалик турар жойи ноаниқ бўлиб, аксарияти кўчаларда, вокзалларда тунайдилар ва жинойий гуруҳларга жалб этилган бўлади». 1930 йилда нашр этилган Катта совет энциклопедиясида назоратсиз ва қаровсиз қолган болалар илк бор талқин қилинади. Унга биноан, «Қаровсизлик – бу педагогик назорат ва васийликдан маҳрум бўлган вояга етмаганлар бўлиб, ижтимоий ҳуққи ва соғлиғига зарар келтирувчи шарт-шароитларда яшайдилар». 1935 йилда эса давлат расмий ҳужжатларида нисбатан «назоратсиз» ва «қаровсиз» атамалари ота-она васийлигидан маҳрум бўлган етим болаларга бир хил мазмунда қўлланила бошланди.

1936 йилда қабул қилинган «Болаларни меҳнаткашлар оиласи тарбиясига (патронат) топшириш тартиби тўғрисида»га қарорга мувофиқ, дастлаб етим болалар маҳаллий бошқарув органлари масъуллигида оилалар тарбиясига топширилган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида жанг майдонларидан Ўзбекистонга кўчириб келтирилган аҳоли, жумладан, етим болалар ўзбек халқи томонидан дўстона ғамхўрлик билан илиқ кутиб олинди. Иккинчи жаҳон уруши бошланганда Ўзбекистон ҳудудида 40 та болалар уйи мавжуд бўлиб, 7166 нафар бола тарбияланган. Ҳатто, 1942 йил 2 январда Тошкентда ўтказилган Фаол аёллар кенгашида куйидагилар таъкидланган: «Ўзбекистонга етиб келган ҳеч бир бола бошпанасиз, она меҳрисиз қолмаслиги лозим». Мазкур мурожаатдан сўнг бир неча кун давомида 643 оила 69 та турли шаҳарлар ва ташкилотлардан эвакуация қилинган ўғил ва қиз болаларни тарбияга қабул қилганлар. 1942 йил сентябрь ойига қадар 1015 нафар болалар тарбияга қабул қилиниб, 303 нафари эса фарзандликка олинган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов (1890-1970 й.) ва унинг рафиқаси Баҳри Акрамова (1903-1987 й.) турли миллатнинг қаровсиз ва етим қолган болаларини фарзандликка олиб, таълим-тарбия беришган. 1942 йил январь ойидаги қардош халқларнинг етим қолган ва эвакуация қилинган болаларини тарбияга олиш ҳақидаги хотин-қизларнинг мурожаатидан таъсирланган Шомаҳмудовлар Тошкент шаҳридаги 17-болалар уйига келиб, турли миллат вакиллари бўлган 13 етим болани асраб олишади. Урушдан сўнг улар яна 3 нафар болани ўз тарбияларига олишган. Уларнинг асраб олган фарзандлари Ҳабиба, Вова, Шухрат – рус, Ҳамидулла – украин, Рафиқ, Раҳматулла – татар, Холида – молдаван, Самуғ – чуваш, Йўлдош, Эргаш – яхудий, Ҳалима – қозоқ, Қоровой, Неъмат, Муаззам, Ҳакима, Улуғбек – ўзбек миллатига мансуб эди. Уруш йилларида ўзи ночор аҳволда бўлса-да, ўзгаларнинг етим қолган болаларига меҳр улашган ўзбек халқи вакиллари

фидойилиги ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романида ўз аксини топди. «Ўзбекфильм» киностудиясининг «Сен етим эмассан» бадиий фильми яратилишига айнан Шоаҳмад Шомаҳмудов оиласининг маънавий жасорати асос бўлди. Кейинчалик Тошкентдаги Халқлар дўстлиги майдонида ушбу оила шарафига «Халқлар дўстлиги» монументи ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 9-май «Хотира ва қадрлаш куни» муносабати билан сўзлаган нутқида уруш йилларида ўзбек халқининг фронт ортида етим болаларга кўрсатган ғамхўрлигини куйидагича эътироф этди: «...тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов хонадони ана шундай оилалардан бири эди. Баҳри ая ва Шоаҳмад ота 14 нафар оч-юпун, етим болани ўз тарбиясига олиб, уларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатдилар. Ер юзида жуда камдан-кам давлат ва миллат бундай юксак инсоний фазилатлар билан ғурурланиши мумкин. Вақт ўтган сари Шомаҳмудовлар оиласи кўрсатган бу қахрамонликнинг аҳамияти ва қадри тобора ошиб бормоқда».

Шомаҳмудовлар оиласи эвакуация қилинган болаларга ғамхўрлик кўрсатган ягона кишилар эмасди. Ўша йилларда каттақўрғонлик Ҳамид Самадов оиласи 12 нафар болани асраб олган бўлса, Янгийўл туманидаги 9 та колхоз жамоаси кўчириб келтирилган 169 нафар болани ўз тарбиясига олишди. Бухоролик Муаззам Жўраева ва Ашурхўжаева ўз тарбиясига 8 нафардан бола олдилар. 1943 йилнинг охирига келиб шаҳарларда 4672 бола, қишлоқларда эса 870 бола ўзбек оилаларига қабул қилинди.

Уруш майдонларида ҳалок бўлганларнинг болаларини жойлаштириш мақсадида «Ота-онасиз қолган болаларни жойлаштириш тўғрисида»ги қарорга мувофиқ, 1942 йилда тўлиқ давлат таъминотида бўлган ва аксарият ҳарбий хизматчиларнинг болалари учун мўлжалланган «Болалар уйлари» ва интернат типидagi болалар муассасалари очилди. Дастлабки пайтдаёқ собиқ иттифок бўйича 600 мингдан ортиқ бола худди шундай муассасаларга жойлаштирилди. Хусусан, Польша, Испания каби Европа мамлакатларидан олиб келинган болаларнинг аксарияти Самарқанд вилоятидаги 21-сонли болалар уйига жойлаштирилди. Руминиялик публицист ёзувчи Х.Зинке ўша болалар қаторида кўчириб келтирилганда 18 ёшда эди. У самарқандлик колхозчи Абдурасул Жўраев оиласи томонидан қабул қилинди, кейинчалик ўз хотиралари асосида машҳур «Фронт кундаликлари» асарини ёзди.

Болалар уйларига дастлаб урушда ота-онаси вафот этган чин етим болалар жойлаштирилди. Аммо, улар орасида давлат ёки ҳарбий хизмат боис болалари тарбияси билан шуғуллана олмаган ота-оналарнинг фарзандлари ҳам бор эди. 1945 йил охирида республикада 267 та болалар уйи мавжуд бўлиб, уларда 30 792 нафар бола тарбияланди. Умуман олганда, 1950 йилгача аксарият етим болаларни Ўзбекистонга кўчириб келтирилишини куйидагича даврлаштириш мумкин:

Биринчи давр 1917-1922 йиллар. Бу даврда Россия худудида инқилоблар, Биринчи жаҳон уруши ва ундан сўнг бўлиб ўтган фуқаролик уруши сабаб етим болалар сони кўпайиб кетган.

Иккинчи давр 1923-1940 йилларни камраб олади. Ушбу даврда коллективлаштириш, сиёсий қатағонлар оқибатида мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият шаклланади, натижада етим болалар қаровсиз қолганлиги туфайли Ўзбекистонга олиб келиб жойлаштирилган.

Учинчи давр 1941-1945 йилларни ўз ичига олади. Иккинчи жаҳон уруши туфайли етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар ҳукумат қарорлари асосида Ўзбекистонга эвакуация қилинган. Ушбу даврда 1 миллиондан ортиқ етим ва ота-она қарамоғисиз қолган турли миллат фарзандларини ўзбек оилалари ўз боласидек тарбиялаган. Бу тарихий воқеа ўзбек халқини бағрикенг миллат сифатида дунёга танитган.

Иккинчи жаҳон уруши тугагач, тарбияланувчиларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, таълим сифатини оширишга эътибор қаратилди. Шу тариқа собиқ иттифоқ даврида етимликнинг янги шакли – ижтимоий етимликдан азият чекаётган, ота-онаси тирик бўла туриб, институционал муассасага топширилган болалар қатлами шаклланди.

1956 йилда собиқ иттифоқ ҳукумати томонидан «Мактаб-интернатларни ташкил этиш тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Ушбу қарор бўйича Совет Иттифоқи таркибидаги республикаларда мактаб-интернатлар тармоғи яратилди. Ўз даврида бундай муассасалар «Келажак мактаблари» сифатида талқин этилиб, уларда тарбияланаётган болаларнинг 50%и – кам таъминланган оилалар фарзандлари, 25%и – ёлғиз оналар фарзандлари, 10%и – ногиронлиги бўлган ота-оналарнинг фарзандлари, 15%и – тўлиқ етим болалар ва ўсмирлар эди. Бу муассасаларда асосий эътибор болаларнинг моддий таъминоти ва таълимга қаратилди. Аммо, ота-онаси меҳридан узилган болаларнинг психофизиологик ривожланиши ва ижтимоийлашуви муаммолари ёпиқлигича қолди.

Собиқ иттифоқнинг парчаланиши муносабати билан унинг барча қисмларида XX асрнинг 90-йилларида интернат типидagi муассасаларда тарбияланаётган 400 мингдан ортиқ болалар ва ўсмирлар барқарор ривожланиши ва ижтимоийлашув муаммолари илм-фанда танқидий руҳда ўрганила бошланди. Зеро, бу даврга келиб, йилига ўртача 120 минг бола болалар уйлари ва интернатларга жойлаштирилар эди. Уларнинг 80%и тирик ота-онаси бўлган «ижтимоий етимлар» бўлиб, 80%и – бола туғилган заҳоти воз кечилган бўлса, 20%и – оғир моддий шароит туфайли ота-оналари томонидан ташлаб кетилган «ижтимоий етим» болалар эди. Натижада, янги аср арафасида совет тузуми томонидан яратилган интернат типидagi муассасалар тизими ўзининг мутлак самарасиз эканлигини кўрсатди. Давлат таъминотидаги институционал

муассасалар иш фаолияти такомиллаштирилмади, болаларнинг истиқболи, уларнинг жамиятга тўлақонли интеграцияси масалалари четда қолди. Шунингдек, собиқ тоталитар тузум шароитида жамоатчилик руҳидаги тарбия устувор саналиб оилавий муҳит, ота-она ва фарзандлар орасидаги ўзаро илиқ муносабат шахс шаклланишида таъсир кучига эга эмас, деб топилди. Бундай ёндашув оқибатида, биринчидан, етим ва ота-она васийлигисиз қолган болаларни ҳеч иккиланмасдан интернат типидagi муассасаларга жойлаштириш, иккинчидан, оилани инқироз ҳолатидан чиқариб, болани оила бағрига қайтариш ишлари амалга оширилмади. Оилаларда боладан воз кечишга сабаб бўлаётган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, оилани оғир вазиятдан чиқишга кўмаклашиш механизмлари яратилмади. Натижада, етим болаларни анъанавий равишда институционал муассасага жойлаштирилиш тартиби сақланиб қолди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар 18 та Меҳрибонлик уйлари, 13 та гўдақлар(болалар уйи) уйлари, 4 та болалар шаҳарчалари, 3 та SOS-болалар маҳаллари. 1 та оилавий болалар уйи, 6 та «Мурувват» интернат уйлари тарбияланадилар. Меҳрибонлик уйлари фаолияти тарбияланувчиларнинг мактаб ўқув дастурини тўлиқ ўзлаштиришлари, уларнинг меҳнат кўникмаларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жисмоний камол топишлари, ахлоқий ҳамда эстетик тарбия олган баркамол шахслар бўлиб етишишларига қаратилган бўлса-да, муассаса шароитида таълим-тарбия олаётган болаларнинг аксариятида ўз шахсияти ва атроф-муҳитга нисбатан дунёқараш асосини ташкил этувчи ҳаётий кўникмалар, қадриятли мўлжаллар етарлича шаклланмасдан қолади.

Ижтимоий ночор аҳволдаги аҳоли қатламлари, хусусан, етим қолган болаларни қўллаб-қувватлаш олий инсоний фазилатлардан бири бўлиб, инсоннинг диний бурчи, муҳтожларга инсонпарварлик хизматлари кўрсатиш тизими сифатида ижтимоий ёрдам ва хайрия жаҳон динларининг асосида ётади.

4. Ғарбда етимлик социал ҳодиса сифатида илмий ўрганилиши

Хусусан, Европа давлатларида христиан дини тарқалиши билан ижтимоий масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. 347 йилда Сардукий бош черковида (Ғарбий ва Шарқий Рим империяси чегарасида) фақирлар, етимлар, бевалар ва мусофирларга ёрдам кўрсатиш бўйича ўн иккита қоида қабул қилинди. Шу билан бирга унда хайр-эҳсонлар тарқатишда, фақирларни овқат билан таъминлашда ўз аксини топган бошпана ва озик-овқат бериш тизими устувор ўрин эгаллайди.

В.И.Брутманнинг тадқиқотларида етим болалар учун бошпаналар борасидаги маълумотлар IV-V асрларга дахлдор эканлиги қайд этилган.

Марказий Европада айна даврда черковлар томонидан худди шундай бошпаналар ташкил этилади. XII асрда Европанинг кўплаб давлатлари етим ва ташландик болаларга ғамхўрликни ўз зиммасига олиб бошлади. Дастлаб Францияда, кейинчалик Буюк Британияда етим ва ташлаб кетилган болаларга энг кам миқдорда бўлсада кўмаклашиш ва уларнинг ота-оналарига нисбатан чора кўриш тўғрисидаги қонунлар чиқарилди.

Хусусан, Ғарбий Европа мамлакатларида XVI-XVII асрларда ижтимоий ёрдам давлат тизими расмийлаштирилиши давлат ролининг ошиши ва айна бир вақтда христиан черкови фаоллигининг пасайиши билан изоҳланади. Жумладан, 1529 йилда Германияда ночорларга ёрдам тўғрисида Гамбург устави, 1682 йилда эса давлат таъминоти чора-тадбирлари тўғрисидаги фармон қабул қилинади. Англияда 1531 йилда ночорларга ёрдам бериш тўғрисида қонун қабул қилинади, 1572 йида фақирларга ёрдам кўрсатиш учун умуммиллий солиқ жорий этилади. 1601 йилда Англияда қабул қилинган Камбағаллик тўғрисидаги қонунда муҳтожларга молиявий ёрдам беришга урғу берилди. Бу қонун мазкур соҳада қонунчиликни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилди ва ҳукуматнинг инсон эҳтиёжлари учун жавобгарлиги шаклланишида бурилиш ясади.

Айна даврдан черковлар Европа жамиятини ташлаб кетилган ва топиб олинган болалар учун бошпана ва шифохоналар очишга чоралади. 1792 йилда АҚШда, 1734 йилда Италияда “топиб олинган бола”лар уйи очилди. 1880 йилдан бошлаб Шимолий Америкада етимлар ва ташландик болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсади бўлган агентликлар очилиб бошланди.

Россияда ижтимоий ҳимоя давлат тизимининг қарор топиши 1701 йилда император Петр I томонидан «Авлиё Патриарх уйларида ғариблар, касаллар ва қарияларни аниқлаш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинишидан бошланди. Император Петр I даврида биринчи етимхоналар пайдо бўлди, жамиятга давлат томонидан фақирларни ажратиш ва ҳар бир алоҳида тоифа бўйича ғамхўрлик кўрсатиш бўйича чоралар қабул қилиш юкланди.

Ота-она қаровисиз қолган болалар орасида ижтимоий аҳволи янада аянчли бўлган қатлам – бу имконияти чекланган болалар бўлиб, уларга нисбатан тарихий тараққиётнинг турли босқичларида турлича муносабатлар кузатилган. Айнақса, аҳоли хурофотга оммавий тарзда берилган ўрта ва янги даврларда оилада ногирон фарзанд туғилиши жамоатчиликнинг бидъатларига сабаб бўлган. Шу боис, ногиронлиги бор болалар аксарият вазиятларда турли мусасаларга ташлаб кетилган.

Аммо, улар ҳам бошқалар қаторида тўлақонли ҳуқуқ ва эҳтиёжларга эга бўлган инсонлар эканлиги ҳамда улар соғлом инсонлар томонидан алоҳида

ғамхўрлик ва парваришга муҳтож эканлиги тўғрисидаги инсонпарварлик ғоялари ўрта асрларнинг сўнгги босқичларида Европа давлатларида асосан ижтимоий-гуманитар фанларнинг илғор вакиллари фаоллиги натижасида ёйила бошланди.

Хусусан, 1578 йилдан Испанияда эшитиш қобилиятида муаммолари бор кишиларга, 1648 йилдан Англияда кўриш қобилиятида нуқсонлари бор кишиларга алоҳида ғамхўрлик билан кўмаклашиш тажрибаси бошланган. Уларга ҳаётий фаолиятларини енгиллаштиришда кўмаклашувчи махсус муассасалар очилиб, уларга таълим берилган. Кўриш қобилияти чекланган болаларни индивидуал тарзда ўқитиш тажрибаси эса 1670 йилдан Францияда бошланган.

Ушбу амалий тажриба билан бир қаторда Европанинг илғор илм-фан намоёндалари томонидан ота-она томонидан воз кечилган ногиронлиги бор болаларнинг тиббий-ижтимоий аҳволи илмий-амалий ўрганиш жараёни бошланган. Хусусан, олигофренларнинг махсус ўқитиш ҳаракатлари XIX асрда бошланиб, бу муаммо билан дастлаб 1745 йилда туғилган машҳур француз психиатри Ф.Пинель шуғулланиб бошлаган. У 1792 йилда ақлий заиф кишиларнинг Париж муассасаси врачлари сифтида фаолиятини бошлаган. Ушбу касбий фаолияти давомида унинг худди шундай нуқсонга эга кишиларга жамоатчиликнинг салбий муносабатини ўзгартириб, ҳукуматдан ақлий заиф кишиларни занжирбанд ҳолда қамоқхона шароитидаги муассасаларда сақланишларидан холос этишга эришган. У бидъат ва хурофотнинг қурбонлари бўлаётган ақлий заиф кишиларни қамоқхона шароитидаги муассасаларда эмас, ёруғ ва яхши тозаланган касалхоналарда даволаш тизимини йўлга қўйган. Бундай кишиларни даволашнинг ажралмас қисми сифатида уларга меҳрибонлик ва руҳий мадад беришни таклиф этаган ва ўзи илк бор амалда руҳий изтиробдаги инсонларга худди шундай муносабатда бўлган. Кейинчалик унинг ғоялари таъсирида оғир руҳий касал аёллар занжирлардан озод этилган.

Ф.Пинелнинг илмий-амалий тажрибаси таъсирида имконияти чекланган турли шаклдаги ногиронликка эга инсонлар, болаларга инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндашиш ғояси Европада кенг оммалашди. Кейинчалик бу борадаги изланишлар француз олимлари Ж.-Э.Д.Эскироль ва М.М.Г. Итарлар номи билан боғлиқ.

АҚШда Э.Сеген илк бор ақлий заиф болалар учун махсус мактаб очган. Унда болаларга таълим бериш ва тарбиялаш, меҳнат ва жисмоний тайёрлаш назарда тутилган. Европада бу ғоялар М.Монтесорри томонидан ривожлантирилган бўлиб, Мария Монтесорри 1870 Италия қироллигида дунёга келган. У педагог врач, олим, файласуф, инсонпарвар киши

ҳисобланган ва дунёда илк бор имконияти чекланган кишилар, хусусан, болалар билан ишлашнинг машҳур педагогик тизимини яратган. Унинг хизматлари 1988 йилда ЮНЕСКО томонидан XX асрнинг энг машҳур педагоглари қаторида тан олинган. Монтесоррининг илк педагогик мактаби 1907 йилда Римда очилган бўлиб, у ақлий муаммолари бор болалар муассасаларида улар билан профессионал ишлашни йўлга қўйган. У умрининг сўнгги йилларини Нидерландияда ўтказган бўлиб, 1929 йилда Халқаро Монтесорри-ташкilotи айнан шу давлатда ташкил этилган. Унинг ўғли 1982 йилгача ушбу ташкilotни бошқариб борган. XX асрнинг бошида Европада ногиронлиги бор болалар нуқсонлари тўғирлашга йўналтирилган илмий йўналишлар ривожланиб борди. Натижада айнан шу каби инсонлар билан ишлашнинг қуйидаги махсус муассасалари пайдо бўлган:

- Христиан-филантропик;
- Тиббий-педагогик, даволовчи, тарбия ва таълим;
 - Педагогик таълим: эштиш, кўриш, ақлий фаолиятида бузилишлари бор болаларни ўқитиш муассасалари;
 - психодиагностик ташҳислаш ақлий қобилияти бузилган шахсларни учун махсус муассасалар.

Олигофренлик муаммолари илк бор Норвегияда Л.Далем томонидан ўрагилган. 1871 йилда суропедагог Хансен ва Липпестада томонидан махсус экспериментларини ўтказилган. 1877 йилда улар ақлий заиф болалар учун махсус муассаса-мактабларини очган. Кейинчалик қизлар ва ўғил болалар учун алоҳида таълим ва тарбия берувчи мактаблар ҳам очилган. 1892 йилда Норвегияда барча, шу жумладан коррекцион мактаблар ҳам давлат ихтиёрига ўтиши ҳақидаги қонун қабул қилинган. Шу тариқа Норвегия ва Саксония Европада ақлий заиф болалар таълими йўлга қўйилган илк давлатлар бўлди.

XX асрда ижтимоий иш касб ва таълим соҳасининг ривожланиши натижасида 1917 йилда ижтимоий иш ходимларининг миллий биржаси ва 1921 йилда Америка ижтимоий иш уюшмасини пайдо бўлишига сабаб бўлди. Европада эса 1928 йилда етти Европа давлати Париж шаҳрида ижтимоий фаровонлик бўйича Халқаро иттифоққа бирлашдилар. Табиийки, ушбу ҳаракатлар етим қолган, ногиронлиги бор болалар муаммосини илмий-амалий ўрганилишининг сезиларли ривожланишига қудратли туртки берди.

Мазкур банд якунида олдинда илгари сурилган фикрларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларга эга бўлинди:

Биринчидан, етимлик – турли халқларнинг этник ва социомаданий хусусиятлари қоришмасидан ҳосил бўлувчи ижтимоий ҳодисадир.

Иккинчидан, тарихий тараққиётнинг турли даврларида ижтимоий

(вайронкор урушлар, юқумли касалликлар эпидемияси, очарчилик, диний хурофот ва ҳ.к.) ва табиий (табиат офатлари, бахтсиз ҳодисалар) етимликни шакллантирувчи бош омиллардан саналган.

Учинчидан, ота-она қаровисиз қолиш тарихан илғор фикрли кишиларнинг диққат марказида бўлиб келган.

Тўртинчидан, замонавий тараққиёт босқичига ўтилиши билан етимлик мураккаб социал ҳодиса сифатида ўзгача моҳият касб этиб борди.

Назорат саволлари:

1. Етим тушунчасини мазмун моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Авестода етим-есир болалар ва фақир, бева-бечора кишиларга нисбатан муносабат қандай бўлган?
3. Исломда етим-есир болалар ва фақир, бева-бечора кишиларга нисбатан муносабат қандай бўлган?
4. Абу Райхон Берунийнинг етимлик тўғрисидаги фикрларини тушунтириб беринг?
5. Ғарибу мискинларга нисбатан Амир Темур ва Алишер Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини таҳлил қилиб беринг?
6. Ўзбекистон Республикасида етим ва қаровсиз болаларни ижтимоий ҳимоя тизимини ёритиб беринг?
7. Ғарбда етимлик социал ҳодиса сифатида илмий ўрганилиши тарихини ёритиб беринг.

3- МАВЗУ. ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИСИЗ ҚОЛГАН БОЛАЛАР МУАММОЛАРИГА БОҒЛИҚ ТАДҚИҚОТЛАР.

Режа:

- 1. Ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ижтимоий муаммолари таҳлили.**
- 2. Жамоатчилик муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг руҳий ривожланишига оид тадқиқотлар таҳлили.**
- 3. Жаҳон тажрибасида деинституциализация масаласи.**
- 4. Ўзбекистонда олимлар томонидан олиб борилган Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг руҳиятини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар.**

Таянч сўзлар: *ижтимоий муаммолар, меҳрибонлик уйлари, биологик етим, ота-она қарамоғисиз қолган болала, қаровсиз қолган болалар,*

ижтимоий қаровсиз қолган бола, жаҳон тажрибаси, социологик тадқиқотлар.

1.Ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ижтимоий муаммолари таҳлили

Бугунги кунда жаҳон миқёсида ота-она қарамоғисиз қолган болалар сони кўпайиб қолди. Булар қандай болалар? Бу саволга жавоб бериш анча мушкул. Яқин тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, Фуқаролар уруши йилларида ота-оналаридан ажралиб қолган болаларни давлат қарамоғига олиб тарбиялаш бош муаммо бўлган бўлса, II-Жаҳон уруши йилларида ҳалок бўлган ота-оналарининг фарзандларини болалар уйларига олиб, бошпана ва таълим-тарбия бериш асосий ўринда турган. Давлат қарамоғига олинган бу болалардан олимлар, ёзувчилар, қаҳрамонлар ва бир қанча буюк кишилар етишиб чиққан. Бу эса ўз навбатида биологик омилларнинг соғломлигидан далолат беради.

Ҳозирги Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болаларда учрайдиган носоғлом муҳит биологик омилларнинг издан чиққанлигини кўрсатади. Биологик омилларнинг бузилиши эса ота-оналарнинг ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фоҳишалик, жиноятчилик ва жамиятга зид турмуш тарзини кечиришлари болалар шахсини издан чиқишига бош сабаб бўлади. Бундай болаларга таълим-тарбия бериш, янгича кўникма ва малакаларни шакллантириш, ўз навбатида юқори даражадаги педагогик маҳорат талаб қилади.

Биз ўз илмий изланишимизда ота-она қарамоғисиз қолган болалардаги муаммолар, руҳий ўзгаришлар, ахлоқий, ақлий, характер ва ижтимоий психологик хусусиятларни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар ҳақида тўхталиб ўтишга ҳаракат қилдик.

Барчага маълумки, ота-она қарамоғисиз қолган болалар оиладаги болалардан кескин фарқ қилади. Ота-она қарамоғисиз қолган болалар характер хислатлардаги тажовузкорлик (агрессивлик)ни келтириб чиқарувчи омиллардан бири она меҳрига зорлик, ота-оналар тарбиясига муҳтожлик бўлиб ҳисобланади.

Англиялик психолог олим Р.Бернис оналик меҳрига ташналикни таҳлил қила туриб, шундай деб ёзади: Салбий (далилсиз) “Мен концепсияси” нинг ривожланиши ва ҳиссиз тажовузкорлик боланинг ота-онасига ва ота-оналик ролини бажарувчи кишиларга нисбатан кўполлиги натижасидир. Болада ҳеч кимга қўшилмаслик, одамовилик, тундлик ҳисси пайдо бўла бошлайди. Булар эса салбий “Мен концепсияси” ни келтириб чиқаради.

Тажовузкорликни келтириб чиқарадиган яна бир сабаб: келиша олмаслик, карама-қаршилик, аниқ бир тўхтамга кела олмаслик кабилар ота-она қарамоғисиз қолган болаларга кейинчалик доимий салбий ҳиссиётларнинг шаклланишига олиб келади.

В.С.Ротенберг ва С.М. Бондаренколар ишлаб чиққан “Қидирув фаоллиги” – деб аталган концепсияда таъкидланишича, “Агар қидирув фаоллигини йўналишини ўзгартирилса, тажоузкорликни йўқотиш мумкин бўлади”.

Мустақил ҳаёт кечириш тасаввурига эга бўлмаган ота-она қарамоғисиз қолган болалар аксарият ҳолларда қийналиб қолишади.

Н.Н.Толстих томонидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, келажакка ишонч, унга муносабат, ҳаётий режалар, вақтинчалик имконият яратиш, ўсмирнинг ўсиши, ҳаммаси ижтимоий вазият таъсири остида ўтади. Кейинчалик, Л.С.Вигоцкий ва Л.И.Божовичлар ўз тадқиқотларида бу ғояни ривожлантирганлар.

Болалар уйи тарбияланувчилари учун кундалик ҳаёт ахлоқий меъёрлар, ўқиш, тартибга итоат этиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар ҳисобланади.

Ёпиқ ҳолдаги болалар муассасаларида тарбияланувчи болалар кичик гуруҳлар билан муносабатда бўлади, уларда бошқа гуруҳ билан муносабатда бўлиш чекланган.

Болалар уйи тарбияланувчилари катталарга ёки тарбиячиларга ёқиш учун тартибга, интизомга бўйсунушга ҳаракат қилишади.

Оиладаги болаларни кундалик ҳаёт ташвишлари билан бирга кўпгина умуминсоний муаммолар ҳам қизиқтиради, улар ўқишдан, оилавий ишларга қарашишдан ташқари, бўш вақтларини қандай ўтказиш ва шу каби ҳолатларни мустақил ҳал қилишади.

Маълумки, болалар муассасаларида тарбияланувчиларнинг рухий ривожланиши умумий тарбия масканларидаги болаларга нисбатан анча орқада. Шунинг учун ҳам болалар шахсий ҳаёт позициясига эга бўлишлари, ўз-ўзларини, ички ва ташқи имкониятларини англашлари, шахслараро муносабатларга киришишлари, оила муҳитига мувоффақиятли мослашишлари учун оилада тарбияланишлари лозим.

Н.П.Иванова ва О.В.Заводилканаларнинг таъкидлашиича, оиланинг ҳар бир аъзосига хос бўлган ролли кутилмаларнинг ўзаро мувофиқ келиши боланинг тутунган оила муҳитига мувоффақиятли мослашишининг шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, боланинг шахсий ҳаёт тажрибаси ҳам унинг оила билан идентификациялашувига, яъни ўзини оила аъзоси қаторида ҳис этиши хусусиятлари ҳосил бўлишига таъсир кўрсатади. Шунингдек, муаллифларнинг тадқиқот натижаларига суянган

ҳолда эътироф этишларича, тутинган оилаларда тарбияланаётган болаларнинг шахслараро муносабатларга киришиш хусусиятлари ривожланиши динамикасида ижобий кўрсаткичлар кузатилади.

Болалар уйидаги қийин тарбиявий жараён тарбиячидан нафақат бугунги вазифани, қолаверса, жамоа ривожланиш тизимини ва келажакни белгилаш, йўллариини белгилашни тақозо қилади.

Кўп йиллик илмий изланишлар натижасида, 13 йил болалар уйида фаолият олиб бориб, орттирилган тажрибаларга асосланган ҳолда, С.А.Дзенушкайте шахснинг барча мақсадларини, истиқболини ифодаловчи тарбия мақсади ҳақида инсонпарварлик муносабатларини қуйидагича таърифлайди:

- Кимки ёрдамга муҳтож бўлса, унга сидқидилдан ёрдам бериш;
- Бошқаларга нисбатан ҳурматда бўлиш;
- Бошқалар қувончига, ғамига сезгирлик билан муносабатда бўлиш;
- Бошқалар қайғусига шерик бўлиш;
- Инсоний қадр-қимматга озор бермаслик;
- Одамлар орасидаги инсонпарварлик муносабатларига зид кўринишларга қарши мурасасиз бўлиш керак.

Бугунги кунда ота-она қарамоғисиз қолган болаларни оилага олиб тарбиялаш ижтимоий иш соҳасининг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Давлат муассасаларида тарбияланаётган болалар қатори, боқувчисини йўқотган болаларни ўз тарбиясига олган оилаларга кўмак бериш замон талабидир. Ўз оиласига ота-она қарамоғисиз қолган болаларни олиб тарбиялаётган оилалар тарбия жараёнидаги барча қийинчиликлардан, ҳам моддий, ҳам методик ва бир қанча психологик-педагогик ёрдамга муҳтожлигиклари сезилиб қолди.

А.С.Спиваковская ота-она қарамоғисиз қолган болаларни оилага олиб тарбиялашнинг икки хилини ажратиб кўрсатади.

Биринчи тоифага қуйидаги сабаблар тааллуқли: турмуш тарзи эҳтиёжини бошқаришга асосланган тарбияга эришиш, олий мақсад ёки аниқ сифатлар таъминлашига оид тарбия.

Иккинчи тоифага қуйидаги сабаблар тааллуқли: эмоционал боғланишли эҳтиёжларнинг аниқ тизимлар таъминотига асосланган тарбия.

Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни оилага олиб тарбиялаётган ота-она бола тарбияси билан шуғулланаётганда, ўз ҳаётий фаолиятини ғамхўрлик билан тўлдириб борса, яхши хулқи учун болани рағбатлантирса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг шахс сифатларининг шаклланиши ва бир қанча руҳий ҳолатларга тааллуқли муаммолар билан

боғлиқ тадқиқотлар ҳам олиб борилган бўлиб, австриялик олим А.Адлер ота-она қарамоғисиз қолган болалар орасидаги жиноятчилик, қонунбузарлик хусусиятларни ўрганиб чиқиб, баъзи бир олимлар фикрини инкор қилади, қаровсиз ҳолда қонунбузарлик билан шуғулланиб келган болани тарбияга олиб, қайта тиклаш мумкин эмаслиги ҳақидаги қарашга танқидий муносабат билдириб, бола ҳеч қачон туғма равишда жиноятчи ёки қонунбузар бўлиб дунёга келмайди. Тарбия жараёнида ёш хусусиятлари, шахс сифатлари йўналиши тўғри йўлга қўйилса, қайта тарбиялашга эришиш мумкинлигини айтиб ўтади.

2. Жамоатчилик муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг руҳий ривожланишига оид тадқиқотлар таҳлили.

Жамоатчилик муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг руҳий ривожланишига оид тадқиқотларнинг натижаси олимларнинг институциализациялашган шароитларда яшаб келаётган болалар умумривожланиши ҳақидаги қайғуришларининг бежиз эмаслигини кўрсатиб келади.

3.Фрейд ўз тадқиқотларида оиласидаги ўз яқинларидан ажралиб қолиш оқибатида болаларда салбий ҳиссиётларнинг ривожланиб бориш омилларини ўрганиб чиққан.

3.Фрейд ўз илмий изланишларида боланинг онасидан ажратиб тарбиялаш жараёни боланинг руҳий ҳолатини издан чиқишига сабаб бўлишини кўрсатиб ўтади. Оилада ўз онасини эслай оладиган болалар ўз онасини тез-тез қумсаб туради, узоқ вақтгача учрашмаслик эса салбий ҳиссиётларнинг намоён бўлиб боришига сабаб бўлади.

Болалар уйи тарбияланувчилари орасида интизомни сақлаш учун қўлланиладиган тартиб, жазолаш каби ҳолатлар бўйича ҳам илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб борилган.

Бундай тадқиқотлардан бири америкалик олим Р.А.Шипиц олиб борган илмий изланишлар бўлиб ҳисобланади.

Р.А.Шипиц болалар уйидаги интизомни сақлаш учун қўлланиладиган жазолашни қатъиян қоралайди.

Р.А.Шипиц ўз тадқиқотларида қуйидаги фикрларни таъкидлаб ўтади: “Болаларни гуруҳ олдида жазолаш яхши оқибатларга олиб келмайди. Айбсиз айбдорлар жазо ярасини унутмайдилар, тарбиячига нисбатан ҳурмацизлик ҳисси пайдо бўлади. Изқуварлик қилиш ҳам ярамайди. Бу ерда ҳам айбсиз болалар айбдор бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Бунинг ўрнига содир этилган жиноятни гуруҳ олдида муҳокама қилиш яхши натижалар беради. Биринчи навбатда интизом бузилишининг сабабини ўрганиш кераклигини кўрсатади. Иккинчидан, ишонч ва аралашиш, интизом бузилиши билан боғлиқ бўлса,

жазолаш воқеа содир этилгандан сўнг қўлланилади. Жазолаш пайтида, болалар тарбиячи интизомни тиклашини ва шу ерда тартиб ўрната олишлигини билиши керак”.

А.А.Хвостов болалар уйларидаги интизомнинг кескин бузилиб кетиши, болалар орасида жиноятчиликнинг авж олиши, ахлоқий меъёрларнинг бузилиши каби ҳолатларни ижтимоий психологик тадқиқот предмети сифатида ўрганиб чиққан.

Интизомга тааллуқли масалалардан бири тарбиячининг шахсий характеристикаси бўлиб, бу масала юзасидан К.Ф.Тонулия, К.Р.Торенбург, В.Васмунд ва бошқа олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган. Тарбиячи ўз ҳатти-ҳаракатини доимо назорат қилиши лозимлиги юқорида санаб ўтилган олимлар томонидан таъкидланади. Бу эса ўз навбатида тарбиячини объективликка олиб келади.

Америкалик психолог олим А.Ю.Марокко ота-она қарамоғисиз қолган болалар муаммоси устида, уларнинг руҳий ривожланиш йўллари ҳақида фикр юритиб, илмий тадқиқот ишлари олиб борган. Болалар яшаш шароитини яхшилаш Америка лигаси (АЛБД – Американская Лига за Благосостояние Детей) да ижтимоий мослаштириш, уларга ёрдам бериш устида ишлашнинг бир қанча усуллари кўрсатиб ўтилган.

Энг кенг тарқалган тизимлардан бири бу фостер оила бўлиб ҳисобланади. Бундай оилалар асосан икки кишидан иборат: эр ва хотин. Улар тарбиялаш учун оиласига болалар олишади. Яшаш, овқатланиш, маданий дам олиш ҳаммаси оила зиммасида туради. Фостер оилаларга ота-онаси билан келиша олмаган, улар уйида яшашни истамаган болалар олинади. Бу болаларнинг кўпчилиги психологик стрессга учраган бўлиб, тинч, осойишта яшаш шароитини излаб фостер оилаларга келиб қолишади. Бу ерда болаларга ҳамма етарли шароитлар яратиб бериб, келажакда ўз оилаларига қайтаришга ҳаракат қилинади.

Болалар яшаш шароитини яхшилаш Америкалигаси системасида иш олиб бораётган психологлар бир қанча ижтимоий психологик усул ва йўл-йўриқларни ишлаб чиққанлар. Тарбиячиларнинг вазифаси эса ана шу усулларни воқеликка олиб чиқишга ёрдамлашади.

3. Жаҳон тажрибасида деинституциализация масаласи

Жаҳон тажрибасида деинституциализация масаласининг (тарбиянинг институционал шаклидан воз кечиб, болаларни ўз тарбиясига олишга тайёр бўлган оилаларни қидириш) фаоллик билан илгари сурилиши эса институциализациялашган муассасаларда яшаб келаётган болаларнинг нафақат ҳар томонлама ривожланиши учун шароитлар билан таъминлаш, балки ўсиб келаётган болаларда ўз келажакларини қуриш кўникмаси

шаклланишининг табиий муҳитини яратишни тақозо этади. Бу муҳит эса, шубҳасиз, оиладир.

Болалар уйида гўдаклик давридан буён яшаб келаётган болалар ривожланишига госпитализм ҳодисасининг салбий таъсири улар психик тараққиётининг ҳар томонлама орқада қолиш кўрсаткичига эга бўлиб боришида ўз изини қолдиради. Ижтимоий хулқ-атворни эгаллаб боришдаги ўзига хослик, шахслараро муносабатга киришиш давомидаги қийинчиликлар, касбий, оилавий келажакларини режалаштириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муаммолар депривацион синдромнинг асоратларидандир. Институционал муассасаларга алтернатив бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш, жумладан, оилага жойлаштиришнинг шакллари кенг тарғибот қилиш деинституциализация масалаларининг амалий ечимини излаш йўлларидан биридир. Зеро, мазкур муассасаларда истиқомат қилувчи болаларнинг шахси хусусиятлари таркибида жамоатчилик кайфияти каби меъёردа ижтимоийлашув жараёни кечишига зид бўлган кўникмаларни шакллантирувчи тор ижтимоий муҳит тарбияланувчи келгусидаги ҳаёти мувоффақиятли кечишига салбий таъсир қилади.

Ота-она қарамоғисиз қолган болалар жуда таъсирчан бўладилар. Шунинг учун Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига хос психик пессимизм ҳиссининг бартараф этилиши учун уларнинг яшаш тарзи оилавий типдаги болалар муассасаси шароитига яқинлаштирилиши ҳамда болалар миллий анъаналар, урф-одатларга ўргатилиб борилиши зарур. Бу шароитни эса оилавий муҳит андозаси бўлган патронат оилалар таъминлаб бериши мумкин.

Кўпгина давлатларда сўнгги ўн йилликда етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар учун катта муассасалардан воз кечиш ва болаларга табиий (оилавий) муҳитда кўмак бериш кузатилмоқда. Бунга Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг Швецияда асос солинди. Швеция тажрибаси болани ўз оиласида диққат марказига қўйишигина эмас, балки оилани жамиятдан четлаштирувчи жараёнларни бартараф этишни ҳам ўз ичига олган.

Ривожланган давлатларда ота-оналар ўз фарзандларини парвариш қила олишлари учун оилага ёрдам кўрсатишга интиладилар. Айрим вазиятларда болани тутинган ота-онага бериш каби чораларни қўллайдилар.

Айнан оила болага ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам, кўпгина давлатларда ота-она қарамоғисиз қолган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шакллари ва қўллаб-қувватлаш бўйича кўпгина ишлар олиб борилмоқда.

4.Ўзбекистонда олимлар томонидан олиб борилган Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг руҳиятини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар

Охириги йилларда Ўзбекистонда олимлар томонидан олиб борилган Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг руҳиятини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар натижаларининг таъкидлашича, болани оилавий ҳаётга тайёрлаш иши уларнинг оилавий ҳаёт ва оилавий муносабатлар ҳақидаги билимларни эгаллашлари мумкин бўлган муҳитнинг мавжуд бўлишини талаб қилади.

Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни оилага жойлаштириш муаммоларини ҳал этиш билан бир қаторда бошқа бир талай муаммолар – нафақат ижтимоий, балки мазкур жараёни ташкиллаштириш билан боғлиқ бўлғуси номзод ота-оналарда мавжуд бўлган ижтимоий, педагогик, психологик тўсиқлар мавжуд бўлиши мумкин.

РБИММ ходимлари томонидан “Патронат оилаларнинг болаларни жамиятга самарали интеграциялашувини таъминловчи ижтимоий, педагогик ва психологик ресурсларини аниқлаш” лойиҳаси доирасида Ўзбекистон ҳудудидаги патронат оилаларнинг ижтимоий, педагогик ва психологик ресурслари ўрганилган.

Патронат оиланинг ижтимоий ресурсини ўрганиш натижаси шуни кўрсатадики, бола патронат оила шароитида ўз хонаси ва ўз бурчагига эга бўлади. Болаларни қариндошлари билан муносабатга киришишлари учун имконият яратилганлиги ҳамда оиланинг мавжудлиги натижасида у ҳақида тасаввурга эга бўлади.

Педагогик ресурслар патронат оила ота-оналари томонидан болаларни маиший хўжаликни юритишга ўргатилади, меҳнат тарбияси, ахлоқий тарбия берилади, шунингдек, жамоа тарбиясидан мустаснолигидир.

Психологик ресурслар орқали патронат оилада бола ижтимоий кўникмаларни эгаллаши учун кўпроқ имконият яратилади.

Патронат, аввало, болаларнинг манфаатларини кўзда тутади. Бу жараёнинг асосий ташкилотчиси оиладир. Болани патронатга олган оила аъзоларининг ҳаёт тарзи, уларнинг маънавий ҳамда маърифий қиёфаси боланинг шахс сифатида ривожланишининг ташқи омили сифатида хизмат қилади. Шундай экан, патронат оилаларнинг тарбияланувчилар руҳиятини (ички омил) тўлақонли шаклланишидаги ҳамда жамиятга муваффақиятли интеграциялашувидаги роли ва аҳамияти каттадир. Ҳимояга муҳтож болаларни жамиятга самаралироқ интеграциялашувини таъминлаш, ижтимоийлашувнинг оиладаги оддий элементлари (уй-рўзғор юмушлари, оила ҳақида амалий тушунчага эга бўлиш, оталик ва оналик ҳамда

фарзандлик функцияларини ўзлаштириш, оила аъзолари билан мулоқотга киришиш хусусиятлари, оилавий бюджетни режалаштириш) ҳақида билим, малака ва кўникмалар билан қуролланишларига ёрдам бериш патронат оилаларнинг асосий функцияларидандир.

Демак, патронат оилалардаги мавжуд оилавий муҳит, ота ва онанинг оиладаги ўрни, улар хулқининг тарбиявий намунаси, илиқ оилавий-ижтимоий муносабатлар, фарзандлик тарбияси, меҳнат кўникмалари билан боғлиқ билим ва тажриба мазкур оилада тарбия топаётган боланинг самарали ижтимоийлашувини таъминлайди.

Юқорида ўрганиб чиқилган илмий тадқиқотлардан шу нарса маълумки, ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг руҳий ривожланиш жараёнида шундай ўзига хос махсус хусусиятлар борки, бу руҳий ривожланишдан орқада қолиш эмас, балки бу махсус хусусият ички тушунча, тасаввур бир қаторда намоён бўлмаслиги, ҳаракатлантирувчи фикрлаш ва ахлоқий жавобгарликнинг ташқи вазиятлар билан боғлиқ ҳолати билан характерланади.

Инсоният тараққиёти бешиги ҳисобланмиш оила доимо жамиятнинг ўзаги, асоси бўлиб келган. Оила ва унинг аъзоларининг илиқ ҳамда бир-бирини қўллаб-қувватловчи муносабати шу оилада ўсиб келаётган болага ўзини атрофдагилар назарида аҳамиятли ва қадрга эга бўлган инсон сифатида ҳис этишига ёрдам беради.

Инсон руҳиятини баркамолликка етакловчи шароит оилада бўлиб, болаларни жойлаштиришнинг муқобил шаклларини ҳаётга кенг тадбиқ қилиш ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини мувофиқлаштиришнинг энг мақбул йўллари билан бири ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Бугунги кунда жаҳон миқёсида ота-она қарамоғисиз қолган болалар сони кўпайиб қолди. Булар қандай болалар?
2. Ҳозирги Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болаларда учрайдиган носоғлом муҳит биологик омилларни ёритиб беринг.
3. Англиялик психолог олим Р.Бернис оналик меҳрига ташналикни таҳлили ҳақида қандай фикр билдирган.
4. С.А.Дзенушкайте шахснинг барча мақсадларини, истиқболини ифодаловчи тарбия мақсади ҳақида инсонпарварлик муносабатларини қандай таърифлайди?
5. Жамоатчилик муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг руҳий ривожланишига оид тадқиқотлар таҳлилини тушунтириб беринг.

6. Жаҳон тажрибасида деинституциализация масаласини ёритиб беринг.
7. Ўзбекистонда олимлар томонидан олиб борилган Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг руҳиятини ўрганишга қаратилган тадқиқотларини тушунтириб беринг.

4- МАВЗУ. ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИСИЗ ҚОЛГАН БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ МАСАЛАЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК НОРМАЛАРИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ.

Режа:

- 1. Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларининг халқаро тажрибаси.**
- 2. Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларининг халқаро ва миллий қонунчилик нормалари.**
- 3. Ота-она қарамоғисиз қолган болаларга васий ва ҳомий тайинлаш ҳамда уларни фарзандликка, оилага тарбияга бериш тартиби.**
- 4. Ўзбекистонда етим ва ота-она қаровисиз қолган болаларни ноинституционлаштириш муаммолари**

Таянч сўзлар: *ижтимоий муаммолар, меҳрибонлик уйлари, болалар шаҳарчаси, гўдақлар уйи, оилавий болалар уйи, халқаро ва миллий қонунчилик, васийлик ва ҳомийлик, патронат оила.*

1. Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларининг халқаро тажрибаси

Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари давлатимиз сиёсати даражасидаги долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни ҳимоялаш борасидаги халқаро ва миллий даражада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий тамойили бутун дунёда болалар ҳуқуқини муҳофазасининг таъминланиши ва умуман ижтимоий етимлик муаммосини олдини олишга қаратилган.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенсияда “...барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилдилар”, деб белгиланади. Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиши, ўз ота-онасини билиши, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ болага баркамол вояга етиш, соғлом тан ва тафаккурда, ҳеч нарсага алишиб бўлмайдиган ота-онанинг кўз қарамоғида бўлиб, уларнинг меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлиш, ташқи олам-атроф билан ўзига энг яқин кишилар ҳисобланмиш ота-

оналари орқали боғланиш, бу туфайли атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни асл ҳолида тушуниши, идрок қилиш ва хулоса чиқариш, ўзгалар тажовузидан, таҳдиддан муносиб ҳимояланиш имконини беради. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида болалар алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқига эгадирлар, деб эълон қилган.

2. Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларининг халқаро ва миллий қонунчилик нормалари

Бугунги кунда ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари уларни яшаш жойлари билан таъминлаш, маълум бир муассаса ёки шахслар васийлигига бериш, таълим ва тарбия олишга, шунингдек, соғлом ва баркамол шахс сифатида шаклланишига нисбатан бўлган ҳуқуқларни ҳимоялашнинг муқобил шакллари ҳамда имкониятларини жорий этиш ва ҳаётга тадбиқ қилишга қаратилган.

Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялашга оид куйидаги халқаро ва миллий даражадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган:

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1989-йил 20-ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенсия;
 - Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
 - Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуни;
 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 12-апрелдаги 171-сонли “Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексини ҳаётга тадбиқ қилиш чора тадбирлари ҳақида”ги Қарори;
 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 12-апрелдаги 171-сонли қарорига 2-Илова. “Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Низоми;
 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 12-апрелдаги 171-сонли қарорига 3-Илова. “Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида”ги Низоми;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002-йил 25-январдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилгин тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида”ги Фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1189-сон билан 2002-йил 18-ноябрда рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими

Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг “Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пояфзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007-йил 31-июлдаги 158-сонли қарорига Илова. “Оилавий болалар уйлари тўғрисида”ги Низоми;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007-йил 21-августдаги 179-сонли “Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008-йил 26-майдаги 110-сонли қарорига Илова. “Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақида”ги Низоми.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 11 февралдаги “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4185-сон Қарори.

Кейинги йилларда давлатимиз сиёсатининг оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофазалашга қаратилган тадбирлар тизими жаҳон миқёсида амалга оширилаётган сиёсий тадбирлар негизининг бир қисми сифатида намоён бўлиб келмоқда. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1989-йил 20-ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенсия бунга яққол мисолдир.

1992-йилда “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенсияга қўшилганлиги муносабати билан ўтган даврда малакатимиз шахснинг, айниқса, болаларнинг ҳуқуқларини кенг маънода эътироф этиш усуллари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда ҳимоя қилишга даъват этилган ушбу муҳим халқаро ҳужжатнинг барча асосий моддаларига тўла амал қилиб келмоқда.

“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенсияга мувофиқ иштирокчи давлатлар:

- Болани мана шундай алоҳида ҳимоя қилиш зарурлиги 1924-йилги Бола ҳуқуқлари Женева декларациясида ва Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пактда, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пактда, шунингдек, ихтисослашган муассасалар ҳамда болаларнинг фаровонлиги масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотларнинг Низомлари ва тегишли ҳужжатларида эътироф этилганлигини эътиборга олиб,

- Жамиятнинг асосий ташкилоти ҳисобланмиш оила ва тиббий муҳитга унинг барча аъзолари, айниқса, болалар ўсиб-улғайишлари ва фаровонликка эга бўлишлари учун жамият доирасидаги мажбуриятларни ўз зиммасига тўлиқ оладиган бўлишига эришиш мақсадида зарур ҳимоя ва ёрдам билан таъминланиши лозим эканлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда,

- Боланинг шахси соғлом ва ҳар томонлама уйғунлашган ҳолда камолоти учун у оила ғамхўрлигида, бахт, меҳр-муҳаббат ва онгли тушуниш вазиятида ўсиши зарурлигини эътироф этиб,

- Бола жамиятда мустақил ҳаётга тўла тайёрланиши ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида эълон қилинган ғоялар руҳида, айниқса, тинчлик, кадр-қиммат, сабр-тоқат, эркинлик, тенглик ва бирдамлик руҳида тарбияланиши лозимлигини ҳисобга олиб,

- Бола ҳуқуқлари декларациясида кўрсатиб ўтилганидек, “Бола, агар у жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга етмаган бўлса, махсус равишда муҳофаза ва ғамхўрликка, бинобарин, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам муносиб даражадаги ҳуқуқий ҳимояга муҳтож” эканлигини эътиборга олиб,

- Жаҳондаги барча мамлакатларда ниҳоятда оғир шароитларда яшаётган болалар борлиги ҳамда улар алоҳида эътиборга муҳтож эканликларини эътироф этиб,

- Боланинг ҳимоя қилиниши ва уйғун равишда ривожланиши учун ҳар бир халқнинг анъаналари ва маданий қадриятлари муҳим аҳамият касб этишини муносиб тарзда ҳисобга олиб,

- Ҳар бир мамлакатда, жумладан, ривожланаётган мамлакатларда болаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун халқаро ҳамкорлик қилишнинг муҳимлигини эътироф этиб, ... келишиб оладилар.

Бу келишувга мувофиқ мазкур Конвенсиянинг 20-моддасига кўра:

1. Ўзининг оила ғамхўрлигидан вақтинча ёки доимий маҳрум бўлган ёки ўзининг энг яхши манфаатлари йўлида бундай ғамхўрликда қола олмайдиган бола давлат томонидан кўрсатиладиган алоҳида ҳимоя ва ёрдамни олиш ҳуқуқига эгадир.

2. Иштирокчи - давлатлар ўз миллий қонунларига мувофиқ равишда болани парвариш қилишнинг алмаштирилишини таъминлайдилар.

3. Болани бундай парваришlash, жумладан, ислом шариати бўйича “кафола”га тарбияга беришни, асраб олишни ёки, зарурат туғилган тақдирда, болалар боқиладиган тегишли муассасаларга жойлаштиришни ўз ичига олади. Парваришни алмаштириш турлари қараб чиқиладиганда бола тарбиясидаги ворисликнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда унинг этник келиб чиқиши, диний ва маданий мансублиги, она тили етарли даражада ҳисобга олиниши лозим.

Оиласидан маҳрум бўлган болани ҳимоялаш мақсадида, давлат оила муҳитидан айрилиб қолган боланинг ижтимоий муҳофаза этилишини, тегишлича оилавий ғамхўрликнинг яратилишини ёки бундай ҳолларда болаги ўз парваришига оладиган махсус муассасага жойлаштирилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида таъкидланганидек, “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради”.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998-йил 30-апрелидаги қарори билан тасдиқланган ва 1998-йил 1-сентябрдан амалга киритилган Оила Кодексининг “Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари” тўғрисидаги II-бўлимида

- Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш;
- Фарзандликка олиш;
- Васийлик ва ҳомийлик;
- Болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) масалалари кўрилади.

Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодексида ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, уларни аниқлаш ва ҳисобга олиш, болаларни жойлаштириш шакллари, жараёни ва уни амалга ошириш учун масъул бўлган ташкилот ҳамда шахсларнинг мажбуриятлари белгиланган бўлиб, бу жараён қонун доирасида кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 151-172-моддаларида фарзандликка олиш, фарзандликка олиши мумкин бўлган шахслар, фарзандликка олишни сир сақлаш, фарзандликка олишда устунлик ҳуқуқига эга бўлган шахслар, фарзандликка олинаётган боланинг фарзандликка олинишига розилиги, боланинг розилигисиз фарзандликка олиш, фарзандликка олувчининг эри (хотини)нинг болани фарзандликка олишга розилиги, васийлик ёки ҳомийликдаги болани фарзандликка олиш, ота-онанинг болани фарзандликка олинишига розилиги, ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олиш, давлат болалар муассасалари тарбияси ва таъминотидаги болаларни фарзандликка олиш, болани такроран фарзандликка олиш, фарзандликка олиш рад этилганлиги устидан шикоят қилиш, фарзандликка олишда туғилишни қайд этиш дафтарига ўзгартириш киритиш, фарзандликка олишнинг ҳуқуқий оқибатлари, фарзандликка олишда боқувчисини йўқотганлик учун пенсия ёки нафақанинг сақланиши, фарзандликка олишнинг вужудга келиш вақти, фарзандликка олишни

ҳақиқий эмас деб топиш асослари, фарзандликка олишни бекор қилиш асослари, фарзандликка олишни бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ва бекор қилиш тартиби, фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ва фарзандликка олишни бекор қилиш оқибатлари батафсил ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 173-193-моддаларида васийлик ва ҳомийликнинг мақсади, васийлик ва ҳомийликни белгиловчи органлар, васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш, васийлик ва ҳомийлик белгиланадиган шахслар, ота-онаси бўлган вояга етмаган болаларга васий ёки ҳомий тайинлаш, ота-она вақтинча бўлмаганда болаларга васийлик ёки ҳомийлик белгилаш, васий ва ҳомий тайинлаш тартиби, васий ва ҳомий қилиб тайинланиши мумкин бўлган шахслар, васий ва ҳомийнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, васий ва ҳомийлар фаолиятини назорат қилиш, васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкини бошқариш, васийнинг васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги билан қилиши мумкин бўлган ҳаракатлари, васий ва ҳомий томонидан қилиниши мумкин бўлмаган ҳаракатлар, васийлик ёки ҳомийликдаги шахсга нафақа тайинлаш, вояга етган шахсга ҳомийлик мажбуриятидан озод этиш, васий ва ҳомийни ўз мажбуриятини бажаришдан четлатиш, васийликнинг тугаши, ҳомийликнинг тугаши, васий ёки ҳомий етказган мулкӣ зарарни тўлаш, васийлик ва ҳомийлик органларининг қарори устидан шикоят қилиш, васий ва ҳомийнинг ҳатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартиблари кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 194-200-моддаларида оилага тарбияга бериладиган болалар (патронат), болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув, болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишувнинг бекор қилиниши, оилага тарбияга олинган болаларнинг ҳуқуқлари, тутинган ота-она, болаларни тарбияга олган шахсларнинг жавобгарлиги, оилага тарбияга берилган болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини кузатиб бориш бўйича белгиланган васийлик ва ҳомийлик органларининг мажбуриятлари эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодексининг 237-моддасида “...Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқароси бўлган болани фарзандликка олишда боланинг қонуний вакили ва бола фуқароликка эга бўлган давлат ваколатли органининг розилиги, шунингдек агар ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинса, фарзандликка олиш ҳақида боланинг ҳам розилиги олиниши лозим.

Агар фарзандликка олиш натижасида фарзандликка олинган боланинг Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро

шартномалари билан белгиланган ҳуқуқлари бузиладиган бўлса, фарзандликка олувчининг қайси фуқароликка мансублигидан қатъий назар, фарзандликка олиш мумкин эмас, фарзандликка олинган тақдирда эса, у суд тартибида бекор қилиниши лозим...” – деб белгиланган.

Бундан ташқари, ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 12-апрелдаги 171-сонли “Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексини ҳаётга тадбиқ қилиш чора тадбирлари ҳақида”ги Қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007-йил 21-августдаги 179-сонли “Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш, улар ҳаётини ташкиллаштириш, жумладан, оилага жойлаштиришнинг муқобил шакллари билан таъминлаш масаласи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 12-апрелдаги 171-сонли Қарорининг 3-Иловаси “Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида”ги Низомига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1189-сон билан 2002-йил 18-ноябрда рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг “Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пояфзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми тарбиялаш учун оилаларга бериладиган ота-она қарамоғисиз қолган болаларни моддий ва молиявий жиҳатдан таъминланиши масаласини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди. Бунда моддий таъминлаш тартиби, масъул орган ва шахслар, моддий таъминот миқдори ва ҳажми қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002-йил 25-январдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилгин тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ кам таъминланган, 16 ёшгача болалари ҳамда 18 ёшгача касб-ҳунар коллежларида ўқийдиган фарзандлари бўлган муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш иши ташкил этилмоқда.

“Оилавий болалар уйлари тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007-йил 31-июлдаги 158-сонли қарорига Илова) да оилавий болалар уйини ташкил этиш тартиби ва шартлари, болаларни оилавий болалар уйига тарбиялаш учун бериш,

тарбияловчи ота-оналар ва тарбияланувчи болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оилавий болалар уйи таъминоти ва уни моддий-техник таъминлаш масалалари кўрсатиб ўтилган.

“Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008-йил 26-майдаги 110-сонли қарорига Илова) да ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни аниқлаш ва улар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби кўрсатиб ўтилган.

3. Ота-она қарамоғисиз қолган болаларга васий ва ҳомий тайинлаш ҳамда уларни фарзандликка, оилага тарбияга бериш тартиби

Биз ушбу параграфда ота-она қарамоғисиз қолган болаларга васий ва ҳомий тайинлаш ҳамда уларни фарзандликка, оилага тарбияга бериш тартиби ҳақида мулоҳаза юритишдан олдин болаларнинг ота-она қарамоғисиз қолиб кетиш омиллари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Болаларнинг ота-она қарамоғисиз қолишига қуйидаги омиллар сабаб бўлиши мумкин:

1. Ота-она вафот этганда. Маълумки, болани тарбиялаш ота-она вазифасидир. Бола ўз ота-онасидан тарбия олиш ҳуқуқини давлат ота-онаси вафот этиб қаровисиз қолган болага васий ёки ҳомий тайинлаш орқали таъминлайди.

2. Ота-онаси суд қарори билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганида ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чеклаганда. Оила Кодексининг 79-моддасида ота-она (улардан бири)нинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиши асослари кўрсатилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

- Ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош торца, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришича, ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товланганлик ота-оналик бурчларини узлуксиз равишда бажармаслик, ўз болаларига қандай бўлмасин ғамхўрлик қилмасликни англатади. Табиийки, бундай ҳаракат (ҳаракасизлик) болани ҳалокатга олиб келиши мумкин;

- Узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғуруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош торца. Бу ҳолат “туғуруқхона ва болаларни даволаш профилакторияси ва ўқув-тарбия муассасаси комиссиялари томонидан тегишли тартибда расмийлаштирилган бўлиши лозим”;

- Ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқациз муомалада бўлса, жумладан, жисмоний куч ишлаца ёки руҳий таъсир кўрсаца;
- Муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса. Бундай асос билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш жавобгарни муомалага лаёқати чекланган деб топилганидан қатъий назар амалга оширилиши мумкин;
- Ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса.

Ота-оналик ҳуқуқини чекланиши эса суд томонидан боланинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда, ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмай туриб, бола ота-онадан ёки уларнинг биридан олиниши тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилиши билан амалга оширилади. Оила қонунчилигига биноан, агар ота-оналик ҳуқуқи чеклангандан сўнг ўз хулқ-атворини ўзгартирмаса, васийлик ва ҳомийлик органи суд томонидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этади.

3. Ота-онаси касал бўлганда. Ушбу сабаб ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишнинг объектив сабаби ҳисобланади (ота-она вафоти, озодликдан маҳрум қилиш каби). Оғир дардга чалинган ота-она фарзандининг тарбияси билан шуғулланишга имкон топмагач, боланинг ҳаёти, соғлиғи учун хавф туғдира бошлайди. “Бундай ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ота-онаси томонидан кўрсатилган шахсни васий ёки ҳомий этиб тайинлаши лозим”³. Касал бўлиб қолган ота-она жисмонан боласига ғамхўрлик қила олмайди. Бошқа жиҳатдан эса, ўз ҳаракатлари оқибатларини тўлиқ англаб этади ва кимлар фарзандига муносиб тарбия бера олишини билади.

4. Ота-онаси суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилганда. Бундай ҳолларда ота-онанинг ўзига ҳомийлик тайинланиши лозим бўлади. Болалар ота-оналаридан олиниб, васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига топширилади, чунки ота-она ихтиёрида қолдириш бола учун хавфли бўлиши мумкин.

Ота-онаси олти ойдан ортиқ муддат бўлмаган ҳолларда, агар бу болаларнинг манфаатлари учун зарур бўлса. “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенсияга ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига биноан, бола ўз ота-онаси билан бирга яшаш ва уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

5. Ота-она бедарак йўқолганда. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 33-моддасига биноан, агар фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор

³ Антокольская М.В. Семейное право. -М.: Юрист. 2000. –С. 307

шахсларнинг аризасига мувофиқ суд бу фуқарони бедарак йўқолган деб топиши мумкин.

Болаларнинг оилаларда тарбияланишининг катта аҳамиятга эга эканлиги туфайли тарбия беришнинг фарзандликка олиш ва васийлик (ҳомийлик) тайинлаш шакллари кенг тарқалган. Бироқ, фарзандликка олиш учун бир неча шартлар мавжуд бўлганлиги боис, уни амалга ошириш мураккаброқ кечади. Баъзи ҳолларда (ота-оналарнинг вақтинча боладан узоқда бўлиши) болаларни жойлаштиришнинг бундай шаклини танлаш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Болалар тарбияси учун қонун ёки махсус ҳужжат билан масъул шахс бўлиши талаб қилинар экан, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда ҳали болалар муассасаларига жойлаштирилмаган болаларга васий (ҳомий) тайинланиши лозим бўлади. Васий (ҳомий) тайинланиши билан ушбу шахсга бола тарбияси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар берилади. Кўриниб турганидек, васийлик (ҳомийлик) болаларни оилада тарбиялашнинг энг қулай шаклидир. Баъзан эса болани васийлик (ҳомийлик)ка олган шахслар билан бола ўртасида жуда яқин муносабатлар пайдо бўлиб, васий (ҳомий) болани фарзандликка олган ҳоллар ҳам учраб туради.

Демак, ота-она ўз боласига тарбия бериш каби вазифасини бажара олмаса ёки бажармаса, васийлик ва ҳомийлик органлари бу болага нисбатан васийлик (ҳомийлик) белгилаб, унинг оилада тарбияланишини таъминлаб бериши лозим.

Агар болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш оқибатида ота-онанинг хулқ-атвори бола учун хавф туғдирса, ота-онани (улардан бирини) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун эса етарли асослар аниқланмаган тақдирда ҳам ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади. Агар ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини ўзгартирмаса, васийлик ва ҳомийлик органи суд томонидан ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқаргандан кейин олти ой ўтгач, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этиши шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи боланинг манфаатларини эътиборга олиб ота-онани (улардан бирини) бу муддат ўтмасдан туриб, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида даъво тақдим этишга ҳақли.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги даъво боланинг яқин қариндошлари, вояга етмаган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти қонун билан зиммасига юклатилган органлар ва муассасалар, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари ва бошқа муассасалар, шунингдек прокурор томонидан тақдим этилиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи прокурор ишнинг тўла моҳияти бўйича ўз хулосасини бериши, прокурорнинг бошқа шахслар ҳуқуқлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича қўзғатилган ишлар эса бундан муқаддиман эканлиги белгиланади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани болаларни таъминлаш мажбуриятидан озод этмайди. Шу туфайли даъво қўзғатилган ёки қўзғатилмаганлигидан қатъий назар биргаликда ҳал этилиши шартлиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорида кўрсатиб ўтилган.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ишлар, албатта, прокурорнинг иштирокида, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органларининг катнашувида кўрилиши шарт. Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқиши билан бирга, вояга етмаган боланинг таъминоти учун маблағ ундириш масаласи ҳам суд томонидан ҳал қилиниши керак.

Ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-она болани шахсан тарбиялаш ҳуқуқидан, шунингдек болали фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Ота-оналик ҳуқуқининг чекланиши ота-онани болага таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ота-онаси (улардан бири)нинг ўзига нисбатан ота-оналик ҳуқуқи чекланган бола турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади, шунингдек ота-она ва бошқа қариндошлари билан туғишганлик фактига асосланган мулк ҳуқуқларини, шу жумладан мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Ота-она иккаласининг ота-оналик ҳуқуқи чекланган тақдирда бола васийлик ва ҳомийлик органи қарамоғига олиб берилади ҳамда бола манфаатларини васийлик ва ҳомийлик органи ҳимоя қилади.

Суд томонидан ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-оналар ўз болаларини тарбиялашга қаратилган биронта ҳам ҳаракатни амалга ошира олмайдилар. Масалан, улар болалари учун ўқув муассасалари ва таълим олиш шаклини танлаш, уларнинг шахсий характериغا эга бўлган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз болалари номидан қонуний вакиллик вазифасини бажариш каби ҳуқуқларга эга бўлмайдилар. Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш оилавий муносабатларни бутунлай тугатишни билдирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 85-моддасида ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота ёки она ўз боласи билан кўришиб туриш ҳуқуқини ҳамма вақт ҳам сақлаб қолади. Бундай бўлиши муҳим аҳамиятга эга, чунки бу ҳол келажакда ота-она ва болалар ўртасида кўнгилга хуш ёқувчи муносабатлар вужудга келишига сабаб бўлиб қолиши мумкин. Бунда

ҳуқуқдан чеклашда ота-оналарнинг айби бўлмаслигини ҳам ҳисобга олиш керак, аммо бу ҳуқуқни амалга ошириш васийлик ва ҳомийлик органининг назорати остида ва фақат васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота ёки она ўз боласи билан кўришиши ва мулоқотда бўлиши мумкин. Бундан ташқари ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота ёки онанинг бола билан мулоқотда бўлиши учун, албатта, васий (ҳомий)нинг, боланинг тутинган ота-онаси ёки бола тарбияланиб турган муассаса маъмуриятининг розилиги ҳам талаб қилинади.

Ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота ёки онанинг бола билан мулоқотда бўлиши, у билан кўришиб туриши, боланинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин деган хулосага келган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органлари бундай кўришишга рухсат бермасликлари ёки мулоқотда бўлишни маън қилишлари мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, васийлик ва ҳомийлик органлари васийликка ёки ҳомийликка берилаётган шахс тўғрисида қуйидаги ҳужжатларни тайёрлаб берадилар:

- Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома (паспорт) нусхаси;
- Ота-онанинг ўлими ҳақидаги гувоҳномалар нусхаси ёки ота-онасининг ёки улардан бирининг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги ёхуд бедарак йўқолган деб топилганлиги ҳақидаги суд қарори;
- Ота-оналарнинг болаларни тарбиялашдан ва таъминотдан бўйин товлаганлиги ҳақидаги, ота-оналарга қидирув эълон қилинганлиги ҳақидаги ҳужжатлар, ички ишлар, даволаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларнинг болаларнинг ота-онасиз қолганлиги тўғрисидаги далолатномалари;
- Саломатлиги тўғрисида тиббий муассасанинг хулосаси;
- Васийлик ва ҳомийлик органининг болани васийлик ёки ҳомийликка олишни хоҳлаётган оиланинг маиший турмуш шароитлари оила аъзоларининг саломатлиги ва оиланинг бошқа шароитлари тўғрисидаги текширув далолатномалари тақдим этилиши даркор.

Конституциянинг 64-моддасида айтилганидек, “ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар”. Қонунчилигимизнинг муваффақиятли жихатларидан бири шундаки, у бола манфаатларини устувор деб билади. Шу маънода агар оиладаги муҳит, шароит бола манфаатларига зид бўлса, қонунчилик уни ушбу оилада, шароитда қолишга йўл қўймайди. Шунингдек, Конституцияда “давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум

бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди...” деб белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 179-моддаси “Васий ва ҳомий тайинлаш тартиби” – деб номланган бўлиб, ушбу моддада қуйидаги бандлар белгилаб берилган: “Васийлик ва ҳомийлик мажбуриятларини бевосита амалга ошириш учун васийлик ва ҳомийлик органлари васий ёки ҳомий тайинлайди.

Васий ёки ҳомий этиб вояга етган ҳар икки жинсдаги фуқаролар уларнинг розилиги билангина тайинланиши мумкин.

Васийлик ёки ҳомийлик тайинлаш лозимлиги васийлик ва ҳомийлик органларига маълум бўлган вақтдан бошлаб бир ойдан кечиктирмай васий ёки ҳомий тайинланиши лозим.

Васий ёки ҳомийни тайинлаш вақтида унинг шахсий фазилатлари, тегишли мажбуриятларни бажаришга қобилияти, мазкур шахс билан васийлик ёки ҳомийликка муҳтож шахс ўртасидаги муносабатлар, шунингдек васийлик ёки ҳомийликка олинувчининг ўз хоҳиши эътиборга олинishi лозим”.

1995-йил 21-декабрда қабул қилинган ва 1997-йил 1-мартда амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексига фарзандликка олиш алоҳида турдаги фуқаролик ҳолати ҳисобланиб, ушбу ҳолатни қайд этиш ФХДЁ органларига топширилганди. Мазкур кодексга 1998-йил 25-декабрда киритилган ўзгартиришларга кўра, фарзандликка олиш алоҳида турдаги фуқаролик ҳолати ҳужжатлари сирасидан чиқарилиб, туғилиш, ўлим, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралиш каби фуқаролик ҳолати ҳужжатларида уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш йўли билан ифодаланиши белгиланди.

Асосан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ва етим болалар, айтилиши вақтда фақат вояга етмаган болаларнигина уларнинг манфаатларини кўзлаб фарзандликка олинадди. Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи (халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот бўлимлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари – васийлик ва ҳомийлик органларидир) тавсиясига кўра туман (шаҳар) ҳокими қарори билан расмийлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 12-апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари”да белгиланишича, ФХДЁ органи қабул қилинган ҳужжатлар асосида туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига тегишли ўзгартиришларни киритади ва туғилганлик ҳақида янги гувоҳнома беради. Фарзандликка олувчилар боланинг туғилиши

кайд этилган дафтарга унинг ота-онаси деб ёзилиши керак. Боланинг манфаатларидан келиб чиқиб, зарур ҳолларда боланинг фамилияси, исми, отасининг исмигина эмас, балки туғилган санаси ҳам бир йилдан ортиқ бўлмаган фарқ билан ўзгартирилиши мумкин. Агар бола ўн ёшдан ошмаган бўлса, туғилган жойи ҳам Ўзбекистон Республикаси доирасида ўзгартирилиши мумкин.

Вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин. Қуйидаги шахслар фарзандликка олувчилар бўлмайдилар:

- Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;
- Қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлар;
- Асаб касаллиги ёки нарколепсия муассасаларида рўйхатда турувчилар;
- Фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;
- Қасддан содир қилинган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар.

Қонун ўғай ота ва ўғай она томонидан фарзандликка олиш ҳолларидан ташқари ҳолатларда фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслигини шарт қилиб қўяди.

Фарзандликка олинувчининг қариндошлари, фарзандликка олинувчи оиласида яшаётган шахс, ака-ука, опа-сингилларни улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар, ўғай ота ва ўғай она, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, касаллик, бахциз ходиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар фарзандликка олишда устунлик ҳуқуқига эгадирлар. Қоида тариқасида, ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади. Фарзандликка олиш учун боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланади. Агар бола эр-хотиннинг ҳар иккаласи томонидан фарзандликка олинаётган бўлса, бундай ҳолларда эр (хотин)нинг розилиги ҳам талаб этилади. Шунингдек, болани фарзандликка олиш учун фарзандликка олинаётган бола ота-онасининг розилиги ҳам талаб этилади. Аммо қуйидаги ҳолларда ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олишга йўл қўйилади:

- Ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса;
- Ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса;
- Ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса;
- Ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса.

Фарзандликка олинган болалар барча шахсий ва мулкый ҳуқуқларда фарзандликка олувчининг ўз болаларига тенглаштирилади. Айни вақтда

фарзандликка олинганлар ва уларнинг ота-онаси (шунингдек, қариндошлари) бир-бирларига нисбатан шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларни йўқотадилар ҳамда ўзаро мажбуриятлардан озод бўладилар.

Фарзандликка олувчилар ўз зиммаларидаги мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган бўлсалар, ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилаётган бўлсалар, фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқацизлик билан муомалада бўлсалар, муттасил ичкиликбозликка ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлсалар, фарзандликка олиш бекор қилинади.

Боланинг ҳаёти ва соғлиғи бевосита хавф остида қолганда, васийлик ва ҳомийлик органи болани ота-онадан (уларнинг биридан) ёки болани ўз қарамоғига олган бошқа шахслардан зудлик билан олишга ҳақлидир. Болани зудлик билан олиш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг тегишли ҳужжатига асосан амалга оширилади.

Бола фарзандликка олинганда васийлик ва ҳомийлик органи тезда прокурорга хабар бериши, болани вақтинча муайян ерга жойлаштириши ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи болани олиш тўғрисида ҳужжат қабул қилганидан кейин етти кун ичида ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисида судга даъво билан мурожаат этиши шарт.

Болани унинг отаси ёки онасидан, шунингдек, уни қарамоғига олган бошқа шахслардан олиш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг ҳужжатига асосан амалга оширилади.

Болани ота-онасидан ёки қарамоғида сақлаб турган шахсдан ажратиб олиш учун асос бўлса, унинг соғлиғи ёки ҳаётига оилада вужудга келган хавfli муҳитнинг ўзи кифоя бўлади.

Болани ота ёки онасидан ёхуд уни қарамоғидан асраб турган шахсдан ажратиб олган васийлик ва ҳомийлик органи зудлик билан бу ҳақида прокурорга хабар қилади ва болани вақтинча муайян ерга жойлаштириш чораларини кўради. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан болани олиш ҳақида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан кейин етти кун ичида васийлик ва ҳомийлик органи ёки прокурор даъво ариза билан судга мурожаат қилиши керак.

Даъво аризада болага нисбатан унинг ота ёки онасини ёхуд ҳар иккаласини ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқларини чеклаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш талабини қўяди.

Айрим ҳолларда вояга етмаган болаларнинг отаси ёки онасининг руҳий касаллиги уларнинг оилада яшаши ва нормал тарбияланиши учун имконят

бермайди. Бундай ота-оналарни ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун ҳамма вақт етарли асос бўлавермайди. Улар фақат касалликлари туфайли болаларини тарбиялаш бўйича мажбуриятларини адо этмайдилар. Аммо вояга етмаган болаларни бундай оилада қолдириш ҳам улар учун хавfli муҳитни туғдиради. Бундай ҳолларда, суд боланинг ота-оналарини ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмасдан уни олиб, тегишли тарбия муассасаларига жойлаштириш ҳақида қарор чиқариши мумкин.

Болаларни ота-онасидан ёки қарамоғида бўлган бошқа шахслардан олиш масаласи суд томонидан даъво ишларини юритиш тартибида кўрилади. Болани олиш ҳақидаги даъво ариза васийлик ва ҳомийлик органи томонидан, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан, болани васий ёки ҳомийси, ота-оналардан бири ва прокурор томонидан берилиши мумкин. Бундай даъво ишлари албатта, васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда прокурорнинг иштирокида кўрилиши керак.

Ота-онадан бирининг ёки ҳар иккаласининг ўртасида вужудга келган бола тарбияси билан боғлиқ низолар вояга етмаган болалар тарбиясини назорат қилувчи ва болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мажбурияти зиммаларига юклатилган органларнинг, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг, шунингдек, прокурорнинг талабига асосан кўрилади. Биринчи навбатда бола тарбиясига оид низолар васийлик ва ҳомийлик органи томонидан кўрилиши мумкин. Қонунда назарда тутилган ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органларининг бола тарбиясига доир қарорлари бажарилмаган ҳолларда, масала суд тартибида кўриб чиқилади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари нафақат ўзлари қўзғатган ишлари бўйича, балки бошқалар томонидан қўзғатилган ишларни кўрилишида, болаларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида суд жараёнида иштирок этиб, хулоса беришга мажбурдирлар.

Васийлик ва ҳомийлик органлари ота-оналарнинг вояга етмаган ўз болаларини тарбиялаш билан боғлиқ мажбуриятларини қандай бажараётганлари устидан назорат олиб бориш билан бирга, уларга ўз ота-оналик ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашадилар. Зарур ҳолларда вояга етмаган болаларга ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ҳимоя қилишда ёрдамлашадилар.

Болани оилага тарбия (патронат)га беришнинг норматив-ҳуқуқий асослари: Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси;

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарорига 3-Илова “Вояга етмаган болани фарзандликка ва оилага тарбия(патронат)га бериш тўғрисида”ги Низом;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги 4185-сонли “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2002 йил 21 октябрдаги 87, 121-сон қарори билан тасдиқланган, Адлия Вазирлигидан 1189-сон рақам билан рўйхатга олинган Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом.

Патронатнинг афзалликлари

Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болани қариндошлар оиласида сақлаб қолиш имконияти;

Давлат муассасасида тарбияланишдан кўра афзалроқ;

Давлат учун арзонроқ жойлаштириш шакли;

Тутинган оилада боланинг ҳар томонлама тарбияланиши, ҳаётий кўникмаларни эгаллаши учун ижтимоий, педагогик ва психологик ресурслар мавжуд;

Тутинган оилага берилган боланинг таъминоти учун давлат томонидан ижтимоий нафақа ажратилади ва бола йилда 1 маротаба кийим-кечак билан таъминланади.

Қайси болаларни оилага тарбия(патронат)га бериш мумкин?

Етим болалар: ҳар икки ота-онаси ўлган ёки суд томонидан ўлган деб топилганларнинг фарзандлари;

Ёлғиз онанинг ўлими (отаси мавжуд бўлса оталикни ўрнатиш мақсадга мувофиқ);

Ота-оналик ҳуқуқи чекланган ёки ҳуқуқидан маҳрум этилганларнинг фарзандлари;

Суд томонидан муомала лаёқати чекланганларнинг фарзандлари;

Ота-онаси воз кечган болалар (бундай ҳолатларда ота-оналардан алимент; пулини талаб қилиш мақсадга мувофиқ);

Топиб олинган/ташлаб кетилган болалар;

Жазони ўташ муассасаларида бўлганларнинг фарзандлари;

Суд томонидан бедарак йўқолган деб топилганларнинг фарзандлари;

Болани кимга ва қаердаги бола патронатга берилади?

Қариндошларга!!!

Оиланинг яқин танишларига;

Бегона оилаларга (васийлик ва ҳомийлик органида рўйхатда турган ва қонун билан белгиланган талабларга жавоб берувчи шахсларга);

Оиладан;

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар қандай шароитда;

Болалар уйи, Меҳрибонлик уйлари ва бошқа давлат тарбия ва даволаш, ижтимоий ҳимоя муассасаларидан.

Патронатни расмийлаштириш тартиби:

Болани ўз оиласига олувчи тутинган ота-оналикка номзод шахс билан Васийлик ва ҳомийлик органи ўртасидаги **Шартнома** тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

Расмийлаштириш тартиби:

1. Хужжатларни расмийлаштириш.

Болани рўйхатга олиш.

тутинган ота-онани рўйхатга олиш.

1.2. Тутинган ота-онани белгилаш.

2. Болани шартнома асосида тарбияга бериш.

2.1. Молиявий-моддий таъминотни белгилаш.

3. Ҳаёт тарзи ва тарбия жараёнини назорат қилиш.

Тутинган ота-оналар томонидан ўрнатилган тартибда ҳисобот тақдим этиши;

Ўрганиш ишлари натижаси асосида Шартномани бир йилга давом эттириш ва таъминот масалаларини йўлга қўйиш.

4. Ўзбекистонда етим ва ота-она қаровисиз қолган болаларни ноинституционалаштириш муаммолари

Ижтимоий адолат тамойилларини таъминлаш, кўмак ва ёрдамга мухтож инсонлар, жумладан, институционал муассаса тарбияланувчи/битирувчилари тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун муносиб шароит яратиб бериш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор вазифалари қаторидан жой олган. Мустақиллик йилларида бу борада долзарб аҳамиятга молик ишлар амалга оширилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Лекин аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга малакали тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, касбга ўқитиш, бандлигини таъминлаш бўйича ҳали олдимизда кўп вазифалар турибди».

Мамлакатимизда 2018 йил ҳолати бўйича, 33,5 миллион нафардан ортик аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг 18 миллионга яқини (60%) ёшлар ҳисобига тўғри келади. Ўсиш кўрсаткичлари эса йилига 500 мингдан ортикни ташкил этади. 2019 йилнинг биринчи чораги маълумотларига кўра, 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар орасида 50 минг нафарга яқини (шулардан 145 нафари мукаддам судланган, 1245 нафари оила-турмуш даражасида) ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахслар рўйхатига киритилган. Шу давр мобайнида 47 335 нафар (шулардан 2 996

нафари муқаддам судланган, 2 364 нафари оила-турмуш даражасида, 22 005 нафари бошқа тоифадаги ҳуқуқбузарликларни содир этган) ёшларга нисбатан профилактика ҳисоби ўрнатилган. Шу сабабли, ёшлар сиёсати жамият ривожини ва ижтимоий ўзгаришларнинг муҳим омили сифатида турли механизм, услуб ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга изчил татбиқ этишни тақозо этади. Мамлакат ижтимоий барқарорлигини таъминлаш кўп жиҳатдан ёшларнинг барча қатламлари, жумладан, институционал муассаса битирувчилари манфаатлари ҳимоя қилинишига, уларнинг орзу-истаклари, ташаббуслари қўллаб-қувватланиши ҳамда имкониятлари юзага чиқиши учун етарли шарт-шароит яратилишига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасида институционал муассаса тарбияланувчиси/битирувчисини қўллаб-қувватлаш давлат ижтимоий сиёсатида оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимининг компоненти саналади. Хусусан, етим ва қаровсиз болалар тарбиясини давлат ўз оталиғига олган. Болалар уйлари, махсус мактаб-интернатларга етим ва ота-онанинг ёки бошқа қонуний вакилларнинг васийлигисиз қолган, суд ҳукми билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, яқин қариндошлари томонидан воз кечилган болалар жойлаштирилади. Мустақиллик йилларида Халқ таълими вазирлиги томонидан болалар уйлари «Меҳрибонлик уйлари» деб номлана бошланди.

Мамлакатимизда болалардан воз кечиш тўғрисидаги аризаларни ўрганиш боладан воз кечишнинг қуйидаги омилларини кўрсатди (4.1-жадвалга қаранг).

4.1.-жадвал.

Оналарнинг янги туғилган чақалоқларини ташлаб кетиш сабаблари.

Аёлларнинг ўз фарзандларини ташлаб кетишлари сабаблари	нафар	%
Она вояга етмаганлиги боис	11	14,8
Бола ногирон туғилган, оилада бошқа фарзандлар бор	6	8
Бола (тўнғич) ногирон туғилган	11	14,8
Она ёлғиз бўлганлиги боис	9	12
Бошқа ҳудуддан келган ва турмуш қурмаган аёл	4	5,4
Ота-она оила қурмаганлиги боис	20	27
Бола никоҳсиз туғилганлиги боис	1	1,3
Оғир оилавий шароит боис	10	13,5
Ота-она ОИТС билан касалланганлиги боис	2	2,7
Жами	74	100

Жадвалда келтирилишига кўра, боладан воз кечишнинг бош омиллари қаторида уч сабаб, яъни боланинг ногиронлиги, никоҳсиз туғилганлиги, оилавий ноқобиллик/камбағаллик асосий кўрсаткич сифатида эканлиги илгари сурилади.

Ҳолбуки, мазкур муаммо юзасидан ўтказган тадқиқотимизда боладан воз кечишнинг яна учта омили аниқланди. Булар: миграция сабабли хорижда туғилган боладан воз кечиш – 12,5%, шахсий ҳаёти кескин ўзгариб кетишини хоҳламаслик оқибатида боладан воз кечиш – 11,3%, бола савдоси фойдасини кўзлаб, фарзандидан воз кечиш – 8,7%. Шу боисдан, боладан воз кечиш ҳолатида субъектив омиллар тенденцияси динамикаси объектив омиллар тенденциясидан тобора кенгроқ ёйилиш хусусиятига эга бўлиб бораётганлигини алоҳида қайд этамиз.

Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги Низомнинг 1-бандида: «Болани оилага жойлаштиришнинг имконияти бўлмаган тақдирда, уни ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириш охириги чора саналади. Меҳрибонлик уйлари – етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун давлат тарбия муассасаси. Етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни тарбиялаш, камол топтириш ва қўллаб-қувватлаш, тарбияланувчиларни тўлиқ руҳий соғломлаштиришга, ижтимоий мослаштириш ва жамиятга уйғунлаштиришга кўмаклашади».

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар 18 та Меҳрибонлик уйлари, 4 та болалар шаҳарчалари, 3 та «SOS-болалар маҳаллалари», 1 та оилавий болалар уйи, 6 та «Мурувват» интернат уйларида тарбияланади. Ушбу муассасалар болаларни жойлаштиришнинг институционал шакли саналиб, уларнинг ичида энг кўп сонлиси ҳисобланган Меҳрибонлик уйлари сони ҳозирги кунда 21 та дан 18 тага туширилди. Улар қайта ташкил этилиб, болалар шаҳарчаларига айлантирилди.

Меҳрибонлик уйлари 0-3 ёшлилар учун гўдаклар уйи, 3-7 ёшлилар учун болалар боғчаси, 7-16 ёшли болалар учун умумий ўрта таълим мактаби тартибида ишлайди. Зеро, улар муассасага жойлаштирилгач, 3 марта ижтимоий муҳитнинг ўзгаришига дуч келадилар. Улар ҳар сафар янги шароитга мослашишга, шахсият шаклланиши ва ижтимоийлашув жараёни фаол кечувчи асосий даврни ёпик шароитда ўтказишга мажбур бўлади.

Шундай бўлса-да, муассаса шароитида таълим-тарбия олаётган болаларнинг аксариятида ўз шахсияти ва атроф муҳитга нисбатан дунёқараш асосини ташкил этувчи ҳаётий кўникмалар, қадриятли мўлжаллар етарлича шаклланмайди. Шу боис, институционал муассасалар фаолиятида ҳомийлик ва васийлик омилларининг роли катта.

Ҳозирги пайтда Халқ таълими вазирлиги тизимида туманлар даражасида 202 та ҳомийлик ва васийлик органлари фаолият юритмоқда. Ҳомийлик ва васийлик оранларининг фаолияти республикамизда 7 та Кодекс, 4 та қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 13 та қарорлари ва муассасалараро 11 та ҳужжатда ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳомийлик ва васийлик

органлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман бўлимлари 193 та бўлиб, олий таълим муассасаларида ҳомийлик ва васийлик органлари учун мутахассислар тайёрланмаслиги боис ушбу органларнинг 92% мутахассислари педагоглар, ўқитувчилар бўлиб, атиги 8%и юристлардан иборат.

Республикада 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, институционал муассасалар ҳисобланган 18 та Меҳрибонлик уйлари, 4 та болалар шаҳарчаси, 1 та оилавий болалар уйи, 3 та «SOS – болалар маҳаллалари»да жами 3382 та бола тарбияланмоқда. 2018 йилда ушбу кўрсаткич 2484 нафарни ташкил этиб, уларнинг социал таркибига кўра 338 нафари (13,6%) – чин етимлар, 678 нафари (27,3%) – ота-она ҳуқуқидан маҳрум этилганларнинг фарзандлари, 117 нафари (4,7%) – ногиронлиги бўлган ота-оналарнинг фарзандлари, 167 нафари (6,7%) – ота-оналари озодликдан маҳрум қилиш жойларидагиларнинг фарзандлари, 1184 нафари (47,7%) – кам таъминланган оилаларнинг болаларидир. 2019 йилда фарзандликка берилган болалар сони 3550 нафар, институционал муассасага жойлаштирилган болалар сони эса 698 нафарни ташкил этди.

Институционал муассаса тарбияланувчилари, шу жумладан, битирувчилари давлат органларининг назорати остида бўлади. Хусусан, 2018 йилда ҳомийлик ва васийлик органлари мутахассислари томонидан суд муҳокамаларида 10 060 нафар етим ва ижтимоий етим болаларнинг ҳуқуқлари муҳофаза этилган (4.2-жадвалга қarang).

4.2.-жадвал.

2018 йилда ҳомийлик ва васийлик органлари томонидан суд ишлари орқали ҳуқуқлари муҳофазаланган болалар сони

Суд ишлари турлари	Жами	Қизлар сони
Ота-она ҳуқуқидан маҳрум этилганлардан олинган болалар	273	110
Ота-она ҳуқуқидан маҳрум этилмасдан олинган болалар	192	97
Яшаш жойи бўйича бўлган болалар сони	560	233
Алоҳида яшовчи ота-оналарнинг бола тарбиясида иштироки борасидаги тортишувлар бўлган болалар сони	2973	1438
Бобо ёки бувининг бола тарбиясида иштирок этиш борасидаги тортишувлар	590	298
Фарзандликка олинган болалар сони	2829	1326

Ушбу кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлилидан келиб чиқиб, биз қуйидаги хулосаларни илгари сурамиз:

биринчидан, статистик рақамларга мувофиқ, республика миқёсида институционал муассасаларга жойлаштирилган болалар сони жойлаштирилишнинг бошқа шаклларига нисбатан озчиликни ташкил этади;

иккинчидан, республикамиз миқёсида етим ва ижтимоий етим болаларнинг кейинги тақдирини кузатиб бориш ишлари аксарият вазиятларда институционал муассасаларга жойлаштирилган болаларга нисбатан қўлланилади;

учинчидан, жойлаштиришнинг бошқа шакллари бўйича оилаларга берилган болалар тарбияси тегишли органлар томонидан етарлича назорат остига олинмайди. Уларнинг кейинги тақдирини мавҳумлигича қолади.

Ота-она қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар кичик гуруҳлар шаклида оилага яқинлаштирилган шароитларда тарбияланади. Меҳрибонлик уйларида Болалар шаҳарчаларига айлантириш жараёнлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда етим ва ота-она қаровисиз қолган болаларни жойлаштиришнинг яна бир шакли 1997 йилда «Ўзбекистондаги SOS-болалар маҳаллалари» Ассоциацияси ташкил этилиши билан ишга тушди. Ташкилот ўз фаолиятини ижтимоий етимлик хавфи мавжуд бўлган ота-она қаровисиз қолган болалар ва оғир ҳаётини вазиятга тушиб қолган оилаларга қаратади. Айни дамда «Ўзбекистондаги SOS-болалар маҳаллалари» республикамизнинг уч минтақаси, яъни Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида фаолият юритмоқда. Бу муассасаларда 173 нафар бола тарбияланмоқда. Мазкур йўналишда Тошкент шаҳрида 14 та оилавий хонадонлар қурилган бўлса, Самарқандда – 12 та, Урганчда – 6 та оилавий ҳомийлик хонадонлари яратилган бўлиб, уларда маҳаллаларга интеграциялашган ва бошқа оилалар билан ёнма-ён яшаш тартиби жорий этилган. SOS-оилаларда 6-8 нафар турли ёш, жинсга мансуб болалар бирга яшайди. Улар орасида ака-ука/опа-сингиллар ҳам учрайди. Уларни бир оилада тарбиялаш Ассоциациянинг устувор вазифаси саналади. Болалар SOS-оналарнинг тарбияси остида бўлиб, уларнинг вазифаси болаларни худди ўз оиласидаги каби ҳис қилишларини таъминлашдан иборат.

Афсуски, «Фарзанднинг келгусида уларга ғамхўр бўлиши», «Уйда ёрдамчи бўлиши» каби сабаблар асосида ўсмир ёшидаги фарзандини оиласига қайтариб олаётган ота-оналар асосли эътирозларга сабаб бўлди. Бир томондан, ота-оналарда кеч бўлса-да, фарзандини қайтариб олиш истагининг пайдо бўлгани болага ўз оиласида яшаш имкониятини таъминлаб беради. Лекин бошқа томондан

савол пайдо бўлиши мумкин: «Нима учун ота-она болага айнан керак бўлган йилларида олдида бўлмади, лекин боланинг кўлидан иш келиб, рўзғорда ёрдамчи бўла оладиган ёшида унга зарурият пайдо бўлди?». Бу дилеммалар жамоатчиликдан бола манфаатлари йўлида оқилона қарор чиқаришни талаб этади.

Ўтказилган тадқиқотларимиз натижаларига кўра, респондентларнинг муайян қисми ўсмир ёшига етган болаларни ўз ота-онаси бағрига қайтиш ҳолатларига негатив ёндашишлари маълум бўлди. Тадқиқот натижалари ўз вақтида «Кам таъминланганлик» сабабли болани муассасага вақтинча жойлаштиришга «мажбур» бўлган ота-оналарда вақт ўтиб, фарзандисиз яшашга кўникиб, уни унутиш каби салбий установакалар ҳамда ижтимоий номаъқул бўлган стереотип фикрлар пайдо бўлишини ҳам кўрсатади. Айрим ота-оналар томонидан болани муассасага жойлаштирилиши сабаби сифатида бугунги кунда Меҳрибонлик уйларидаги мактабларда ўқув жараёни ҳудудий таълим муассасаларидагидан кўра сифатли йўлга қўйилганлиги каби мотивларни рўқач қилишади. Бундай ота-оналар фарзанди ейиш-ичиш ва кийим-кечак билан бепул таъминланганлиги, улар учун ортиқча сарф-харажат қилинмаслиги боис боқиманда бўлиб бораверади. Шу нарса эътиборни тортадики, ўзига тўқ ота-оналар ҳам давлат томонидан барча шароитлар яратилган институционал муассасага ўз фарзандларини ташлаб кетади, вақти-вақти билан болаларидан хабар олишга келиб туришади.

Шунингдек, тадқиқот натижаларида институционал муассасани битирган ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, яъни бир марталик пул тўлови, ўқишга кириш учун имтиёз, уй-жой билан таъминланишини олдиндан билган ҳолда ота-оналар мақсадли тарзда ўз болаларини муассасага жойлаштириш каби ҳолатлар ҳам учради. Ачинарли ҳолатлардан бири, бола Меҳрибонлик уйига бир йилга жойлаштирилса-да, ота-она боласини қайтариб олиб кетмаганлиги боис, тегишли ҳокимликлар томонидан ушбу муддат буйруқ асосида қайта-қайта узайтириб борилади.

Сўнгги йилларда республикамизда муассаса тарбияланувчиларининг янги категорияси, яъни ота-онаси меҳнат миграциясида бўлганларнинг фарзандлари пайдо бўлди. Халқаро миграция ташкилотининг маълумотларига кўра, миграцияга кетган одамларнинг учдан бир қисми ўз Ватанига қайтиб келмайди, бунинг оқибатида ташлаб кетилган болалар турли қийинчиликларга учрайди. Улар муассасада тарбияланаётганларнинг 2,6% ни ташкил этмоқда. Айрим ота-оналар меҳнат миграциясига кетишдан олдин фарзандларини яқин қариндошларига ташлаб кетади. Аммо, тез орада қариндошлар турли сабаблар (ота-онаси пул жўнатмаётганлиги, бола тарбияси билан шуғуллана олмаётганлиги ва ҳ.к.) билан болани давлат таъминотига топширади. Худди шундай сабаблар билан ташлаб

кетилган болалар ҳуқуқларини муҳофазалашда қўйидаги амалий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- биринчиси, жаҳон тажрибасига таянган ҳолда меҳнат миграцияси натижасида ортида қолган вояга етмаган болаларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш;

- иккинчиси, хорижий давлатлар ва яқин қўшни давлатлар билан шу соҳада ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашиш;

- учинчиси, ота-онаси меҳнат миграциясида бўлган вақтда бобоси ёки буvisи ёхуд яқин қариндошлари қарамоғига қолдирилиб кетилган вояга етмаган болаларни маҳалла ва бошқа нодавлат ташкилотлар томонидан доимий назорат қилинишини йўлга қўйиш.

- тўртинчиси, институционал муассасада тарбияланаётган болани оилаларга олиш ва бу борада тегишли қарор қабул қилишда маҳалла фуқаролари йиғинлари иштирокини жонлантириш.

Боланинг институционал муассасага жойлаштирилиши ва унинг муассасада қолиш муддатининг мунтазам чўзилиши, бу борада масъул органлар, хусусан, ҳомийлик ва васийлик органлари, жойлардаги ҳокимиятларнинг ўз вазифаларига етарлича масъулият билан ёндашмаётганлигидан дарак беради. Зеро, бола институционал муассасага жойлаштирилгач, унинг тарбияси учун масъул бўла оладиган яқин қариндошлари қидирилмайди. Фарзандидан воз кечган ота-оналар билан ҳам психологик, ҳам юридик муаммолар ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмайди. Шу боис, ота-она қаровисиз қолган ижтимоий етим болаларни ижтимоий муҳофазалаш марказида ноинституционаллаштириш, яъни институционал муассасаларда тарбияланаётган болаларни оилага, васийликнинг муқобил шаклларига кўчириш сиёсатининг амалга оширилиши айни муддао.

Мамлакатимизда сўнгги 4 йил давомида етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизими таҳлили ҳамда тизимда ахборот технологияларини жорий этиш, кенг омма ва жамоатчилик орасида ижтимоий етимликнинг олдини олиш соҳасида долзарб масалалар ва ноинституционаллаштириш масалалари моҳиятини кенг тарғиб қилиш, боланинг ота-онасидан ажралиши ва оилавий муаммолар бартараф этилишига йўналтирилган фаолиятни кучайтириш масалаларида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага жойлаштиришнинг муқобил шакллари ривожлантириш, институционал муассасалар тарбияланувчиларини оилавий муҳитда реинтеграциялашуви бу борадаги долзарб йўналишлардан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада кучайтириш ва Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2019 йил 11 февралдаги «Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4185-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида «2019-2023 йилларда Меҳрибонлик уйларини ноинституционаллаштириш дастури»нинг лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ижтимоий тармоқларда кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди.

Ушбу дастурнинг расман қабул қилиниши мамлакатимизда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага (фарзандликка олиниши, васийлик, ҳомийлик белгиланиши ёки тутинган оилага (патронат) берилиши) қабул қилаётган номзод (шахс)ларни танлаш ва кузатиб бориш ҳамда назорат қилиш тартиби ўрнатилишига хизмат қилади.

Интернат типигаги болалар муассасалари сони қисқариши, оилавий жойлаштириш шакллари ривожлантирилиши ноинституционаллаштиришнинг яқуний мақсади ҳисобланади. Бунда муассасада тарбияланаётган болалар ғамхўрликнинг оила шароити яратилган шаклларига ўтказилади. Ноинституционаллаштиришнинг иккинчи йўналиши институционал муассаса тарбияланувчиларини оила муҳитига реинтеграциялашуви бўлиб, деярли 95% респондентлар фикрига кўра, ижтимоий етим болаларни Меҳрибонлик уйларидан ота-онаси бағрига, чин етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болаларни эса фарзандликка олувчи оилаларга жойлаштиришни ижтимоий адолат деб билади. Шуниси муҳимки, халқаро ҳамжамиятда болаларни ҳимоялашнинг муҳим тамойилларидан бири уларнинг оилада яшашга бўлган ҳуқуқини ҳимоялашдир. Демак, ноинституционаллаштириш борасидаги вазифаларнинг қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, болаларнинг институционал муассасаларга жойлаштирилишининг олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирларни кучайтириш. Мавжуд тизим ижтимоий етимликка тушиб қолиш сабаблари билан ишлашга йўналтирилиб, ижтимоий етимлик профилактикасига қаратилиши мақсадга мувофиқ;

иккинчидан, ижтимоий етимлик келиб чиқиш омилларининг олдини олишда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш. Бунда оммавий ахборот воситаларининг роли катта бўлиб, ижтимоий реклама ва роликлар тармоғини яратиш ва узатиш орқали кенг жамоатчиликни ижтимоий етимлик ҳамда унинг оқибатлари муаммоларига жалб этиш лозим;

учинчидан, хатар гуруҳидаги оилалар ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун ижтимоий хизматлар тармоғини яратиш. Бу марказлар турли ҳудудий бирликларда жойлашган бўлиб, зарур психологик, педагогик, ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдамни амалга ошириши шарт. Ушбу марказларда болани оилага

қабул қилиш ва тарбиялаш борасида тутинган ота-оналарга зарур билим берувчи тренинглар ўтказилади;

тўртинчидан, ижтимоий ночор аҳволдаги болалар ва оилалар билан ишловчи мутахассисларнинг малакасини ошириш, янги билим, инновацион шакл ва усулларни қўллаш кўникмаларини ривожлантириш зарур.

Назорат саволлари:

1. Ота-она қармоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларининг халқаро тажрибасини ёритиб беринг.
2. Ота-она қармоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялашга оид қандай халқаро ва миллий даражадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган?
3. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989-йил 20-ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясининг моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Оила Кодексининг “Ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари” тўғрисидаги II-бўлимида нималар дейилган?
5. Ота-она қармоғисиз қолган болаларга васий ва ҳомий тайинлаш ҳамда уларни фарзандликка, оилага тарбияга бериш тартибини ёритиб беринг.
6. Қандай тоифадаги шахслар фарзандликка олувчилар бўлмайдилар?
7. Қандай ҳолларда ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олишга йўл қўйилади?

5- МАВЗУ. ЭРТА ИЖТИМОЙ ЕТИМЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ МУАММОСИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ.

Режа:

1. Гўдак ёшдаги болаларнинг ривожланишида институционаллашувнинг таъсири.

2. Болани етим ва ота-она қармоғисиз қолган болалар муассасасига “вақтинча” жойлаштириш.

3. Фарзандидан воз кечиш ниятида бўлган аёллар билан ишлашнинг халқаро тажрибалари.

Таянч сўзлар: *гўдак ёшдаги болалар, меҳрибонлик уйлари, болалар шаҳарчаси, гўдаклар уйи, фарзандидан воз кечиш, аёллар, васийлик ва ҳомийлик, патронат оила.*

1.Гўдак ёшдаги болаларнинг ривожланишида институционаллашувнинг таъсири

Ижтимоий етимликнинг асосий фожиали оқибатларидан бири – бу интернат типдаги муассаса, айниқса, ота-она ғамхўрлигини кўрмаган, эрта ёшдан Болалар уйида тарбияланган тарбияланувчиларнинг жисмоний, психологик ҳамда ижтимоий ноқобиллиги ҳисобланади.

1951 йилдаёқ, инглиз олими 1 мавжудлигини исботлаган. 1951 йилда, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан нашр этилган Боулбининг «Материнская забота и психическое здоровье», монографияси, бутун дунё миқёсида олиб борилган тадқиқотларни ўз ичига олган. Боулбининг олиб борган тадқиқотлари ва бошқа тадқиқотларни таҳлил қилиб чиқарган хулосаларини қуйидагича яқунлаш мумкин: эрта ёшдан бола эмоционал илиқ муҳитда ўсиши керак, она ва бола учун қониқиш ва хурсандчилик манбаси бўлган, яқин ва барқарор ҳиссий алоқаларга асосланган, онага (ёки унинг ўрнини босувчи шахс) боғланганликни шакллантириши керак. Болага бундай ҳиссий алоқа етишмаган ҳолатлар, бир қатор психик бузилишларнинг, оғирлиги турли даражада бўлган ёки тузалмас депривация оқибатларининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Венгрия психологлари маълумотларига кўра, Болалар уйида тарбия олган бир ярим ёшли бола, ижтимоий хулқ-атвори ва ақлий ривожланиши 1 ёшдаги боланинг ривожланишига тенг бўлади, икки ярим ёшида эса, бир ярим ёшли боланинг ривожланиш даражасигача зўрға етади. Ривожланишда бундай ортда қолишдаги узилиш йилдан йилга ўсади.

Болалар уйлари тарбияланувчилари, Меҳрибонлик уйига оиладан тушган тенгқурларига қараганда ривожланишдан анча ортда қолишларига эътибор берган бўлишингиз мумкин. Болалар уйининг қарийб 50 фоиз тарбияланувчилари органик бузилишлари бўлмаган, табиатан соғлом бўлсалар ҳам, анча кеч юришни ва гапиришни бошлайди. РБИММ мутахассислари томонидан ёрдамчи Меҳрибонлик уйлари (VIII турлари) тарбияланувчилари ўрганилганда, уларнинг тахминан 40% фоизи Болалар уйида ўсганликлари аниқланди. Эҳтимол, бундай болалар гўдаклик даврида меҳрибон оилада ўсиб катта бўлганларида, улар ёрдамчи мактабга тушмаган бўлардилар.

Нима сабабдан интернат типдаги муассасаларда яхши парвариш ва тиббий хизматга қарамасдан, барча мутахассислар уларда тарбия олаётган тарбияланувчилар учун келтирадиган салбий оқибатлар ҳақида бир овоздан гапирадилар? Бу саволга жавоб олиш учун гўдак ёшдаги боланинг Болалар уйида сақланиши, унинг бош миясининг ривожланишига қандай таъсир этиши ва муассасага жойлаштириш билан юзага келадиган оқибатларга

сабаб бўлган омилларга қаратилган бир қанча тадқиқот натижаларини кўриб чиқамиз.

Бола ҳаётининг биринчи 3 йиллиги, унинг яшаши, ўсиши ва ривожланиши учун муҳим ҳисобланади. Айнан мазкур давр, инсон ҳаётидаги ривожланиш ва ўзгаришлар авж олиб бораётган давр ҳисобланади. Эрта ёш даври жисмоний ва ақлий саломатлик, ҳиссий барқарорлик, маданий ва шахсий мансублик ва ривожланаётган қобилиятларнинг асосини яратади.

Бола ҳаётининг илк ривожланиш босқичларида, бош миёда, миёнинг нейронли асосининг шаклланиши билан боғлиқ бўладиган кескин ўзгаришлар юз беради. Бола туғилганда унинг бошидаги нейронлар бир-бири билан етарлича боғланмаган бўлади. Миё, алоҳида кулранг ҳужайралар ўртасида боғланишларни ҳосил қилиш йўли билан ривожланади. Боғланишлар, болага ташқи оламдан келаётган таъсирлар орқали шаклланади. Бола билан машғулотлар олиб борилаётганида, аксонлар пайдо бўлади ва дарахт шохларига ўхшаб бир-бири билан боғланади. Бу жараённинг энг интенсив даври, одам ҳаётининг биринчи уч йилига тўғри келади. Бу даврда, миё ҳужайралари ўртасида миллион боғланишлар ривожланади. Бола қўлламаган боғланишлар эса, йўқолади (1.1.1-расм.). Миё, доимий равишда унинг фаолиятини фаоллаштирадиган ва ривожланишни таъминлайдиган кўзғатувчиларга муҳтож бўлади. Инсоннинг ақлий фаолиятининг 40 фоизи ҳаётининг биринчи уч йиллигида шаклланади. Гўдаклик ва эрта ёшдаги болалар миёсининг меъёрий ривожланишига зарур бўлган шароит яратиш учун ташқи таассуротларнинг етарли даражада бўлиши муҳим, чунки, ташқи оламдан келаётган турли хил маълумотлар миёда таҳлил этилиб, сезги органларини ва миёнинг маълум тузилмаларини фаоллаштиради.


Н.М.Шелованов (1960) томонидан аниқланишича, боланинг миёсида машқ қилинмаган қисмлар, меъёрда ривожланмай қолади ва фаолияти сусайиб боради.

Янги технологияларнинг ривожланиши билан, инсон нерв тизимини ўрганишда, кичик ёшдаги боланинг ноқобил шароитда бўлиши оқибатида бош миёсида пайдо бўладиган бузилишларни қайд этиш имконияти туғилди. Бундай тадқиқотларга мисол сифатида, Харри Джуганининг Руминияда ишлаб чиққан ижобий-эмиссион томография методини келтиришимиз мумкин. Нейронларнинг юқори даражадаги ўзгарувчанлиги бола ҳаётининг биринчи ойи ва йилига хос ҳисобланади. Шунинг учун, институционал муассасада ҳаётининг эрта босқичидан бошлаб ўсган бола ҳис этган муҳтожликлар, унинг бош миёдаги боғланишлар схемасининг ривожланишига салбий таъсир этади.


Институционаллашув боланинг миясига қуйидагича таъсир этади:

Миянинг, айниқса билиш фаолияти, хотира ва ҳиссиётларга жавоб берадиган, пешона олди қисми ва чакка қисми фаоллигини пасайтиради ва/ёки ўзгартиради; муҳим бўлган омиллارни ўзгартиради; миянинг айрим қисмларининг ҳажмини ўзгартиради; мия қисмлари ўртасида ўзаро боғланишларни ўзгартиради ва натижада, жисмоний, билиш, ижтимоий ва ҳиссий соҳаларда мураккаб оқибатларни келтириб чиқаради.

Оилада ўсган 2 ёшли бола



Муассасада ўсган 2 ёшли бола



1.1-расм. Миянинг ривожланиши.

Н.М.Шелованов ёзишича, сенсор изоляцияси (болалар боғчаси ва Болалар уйида кўп мартаба кузатилган) шароитида бўлган болада, ривожланишнинг барча томонларидан ортда қолиш ва сустлик, нутқнинг ривожланмаганлиги, ақлий ривожланишнинг сустлиги кузатилади.

М.Ю.Кистяковская, ҳаётининг биринчи ойида болаларда ижобий ҳиссиётларни шакллантирадиган омиллارни таҳлил қилиб, сезги органлари, хусусан, кўриш ва эшитиш органлари фақат ташқи таъсирлар орқали шаклланишини ва ривожланишини аниқлади.

Ушбу далилларга таянган ҳолда ҳамда ўз кузатуви ва тажрибаларини олиб борган машҳур болалар психологи Л.И.Божович, гўдакнинг психик

ривожланишида янги таассуротларга нисбатан эҳтиёж етакчи ҳисобланади, деган фаразни илгари сурган.

Ушбу фаразга кўра, таассуротга бўлган эҳтиёж тахминан, бола ҳаётининг учинчи-бешинчи ҳафталигидан пайдо бўлади ва у бошқа ижтимоий эҳтиёжлар, шу жумладан табиатан ижтимоий бўлган, она билан алоқа қилиш эҳтиёжларининг шаклланишига асос бўлади. Бу ҳолат муассасалар, болалар касалхоналари, Болалар уйлари ва интернатларнинг тажрибаси билан тасдиқланади.

Аввал Р.Шпиц (1945) кўрсатганидек, бундай муассасаларда болалар яхши бўлмаган озик-овқат ёки тиббий хизматдан эмас, балки ўзига хос шароит, ундан бири – сушт қўзғатувчиларга эга бўлган муҳитдан азоб чекадилар.

Ўз яқинлари томонидан узок вақт давомида стресс ва бефарқ муносабатга учраган одамлар, психик бузилишларга мойилроқ бўлади ҳамда ўқиш ва хулқ-атвордаги муаммоларга дуч келадилар. Агар, боланинг атрофидагилар унга душманларча муносабатда бўлса, унга ғамхўрлик қилмаса, унда болада миянинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган стресс гормонлари ишлаб чиқарилади.

Миянинг кимёвий/гормонал фаолиятини ўрганишга қаратилган тадқиқот натижалари қуйидагиларни кўрсатади: гипоталамус бош миянинг гипофизидан гормонларнинг ишлаб чиқарилиш механизмини ишга туширади ва буйрак усти безлари кортизол деб номланган стресс гормонини ишлаб чиқаради. Зўравонлик натижасида стресс ҳолатларидан таъсирланиш тизимларининг кучли, тез-тез ва узок қўзғалиши ва ёки доимий эътиборсизлик, захарли стресс деб номланади. Кичик ёшдаги болаларда бундай стресс, бош мия тузилиши ва бошқа аъзолар тизимини бузишга қодир ҳисобланади. Олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, яхши шароитда ўсган болаларга қараганда, Болалар уйларида ҳамда бошқа ноқобил шароитда ўсган болаларда кун давомида кортизолнинг даражаси ҳар хил бўлиб, унинг даражаси, юқори ёки паст бўлиши аниқланди. Захарли стресс мавжудлигидан далолат берадиган стресс гормонларининг аномал даражада бўлиши, когнитив ва эмоционал ривожланишнинг паст даражада бўлишига таъсир этиб, катта ёшга еткунга қадар давом этади ҳамда ўсишга салбий таъсир этиши мумкин бўлади.

Юқорида қайд этилган ва бошқа тадқиқотларнинг тасдиқлашича, боланинг эрта ёшдан интернат типигаги муассасага жойлаштирилиши, унинг бош миясига бир қатор салбий таъсирларини кўрсатади:

- электрик ва метаболик фаолликни пасайтиради ва ўзгартиради;
- ўсишга, ҳиссиёт ва когнитив функцияларга таъсир этадиган асосий

гормонларнинг даражасини ўзгартиради;

▪ миянинг бир соҳаси бўлган бодомсимон безлар ҳажмининг ўзгаришига, миянинг турли соҳаларини боғлаш функциясини бажарадиган миядаги оқ суюқликнинг бузилишига олиб келади.

Болалар уйи болаларнинг озикланишга, тиббий парвариш, уй-жой, улғайиши билан таълим, санъат, спортга бўлган базавий эҳтиёжларини қондириши мумкин. Аммо, моддий эҳтиёжларнинг қондирилиши бу болани парвариш қилишнинг фақат бир томони ҳисобланади. Бундан ташқари болалар, ҳиссий-илиқ муносабатларга муҳтож бўладилар, уларнинг йўқлиги эса, бутун ҳаёти давомида юзага келадиган, мураккаб муаммоларга сабаб бўлади.

Шароитнинг оптимал бўлишига ҳам қарамай: бир нечта гўдакка бир тарбиячи тўғри келади, тўғри парвариш ва тозалик таъминланади, одатда, бир тарбиячи, бир болага ғамхўрлик қилмай, бир нечта тарбиячилар, бир нечта болаларга алмашилиб қарайдилар.

Тарбиячилар болаларни яхши кўриши мумкин, уларнинг ҳар бирига индивидуал муносабатда бўлиши мумкин, аммо бунга қарамай, болалар ўзларининг барча эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилган маълум бир инсонга нисбатан боғлиқ бўлиб қола олмайди.

Интернат типига муассасадаги болалар бир тарбиячига нисбатан мустақкам боғланишни шакллантира олмайдилар, лекин, катталардан эътибор ва меҳр талаб этиш кўникмасини эгаллайдилар.

Бир инсон томонидангина илиқ муносабат ва ғамхўрлик кўриш бола учун муҳим. Бу инсон фақат боланинг қондош онаси бўлиши шарт эмас, аммо унинг ўрнини босувчи шахс доимо меҳрибон ва ҳиссий илиқ муносабатда бўлиши лозим. Болада дунёга асосли ишончни шакллантириш учун иккита шарт мавжуд: оналик ғамхўрлигининг самимийлиги ва унинг доимийлиги.

Боғланиш – одамлар ўртасидаги ўзаро ҳиссий алоқа шаклланиб, улар бир-бири билан ажралган бўлса ҳам номаълум вақтга қадар сақланадиган жараён ҳисобланади.

Катталар боғланишни ҳис этишни яхши кўрадилар, аммо улар бу ҳиссиётсиз ҳам яшай оладилар. Болалар эса, боғланишни ҳис этишлари шарт. Улар, катталарга нисбатан боғланишни ҳис этмай туриб, тўлақонли ривожлана олмайдилар, чунки бу уларнинг хавфсизлик ҳисси, дунёни идрок этиш ва ривожланишига боғлиқ бўлади. Соғлом бўлган боғланганлик ҳисси, болада виждон, мантиқий тафаккур, бир онли ҳиссий кечинмаларни назорат қилиш, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, ўзининг ва бошқаларнинг ҳиссиётини тушуна олиш ҳамда атрофдагилар билан тил топиша олиш қобилиятининг

ривожланишига имкон беради. Бундан ташқари, ижобий боғланиш ривожланишдан ортда қолиш хавфини камайтиради.

Боғланиш ҳисси жуда муҳим бўлгани учун унинг қандай ривожланишини кўриб чиқамиз (1.1.2-расм).



1.2-расм. Боғланиш цикли

Чақалоқлар ноқулай, ёқимсиз ҳиссиётларни туғдирадиган очлик ҳиссини сезганларида, ўз эҳтиёжларини йиғи орқали ифода этадилар. Ота-она бундай йиғини эшитсалар, унга сабаб боланинг очлиги деб биладилар ва болага овқат берадилар. Бундай эҳтиёж қондирилганидан сўнг чақалоқ яна бошқа эҳтиёж сезмагунча, мисол учун, тагликни алмаштириш керак бўлганда, ўзини хотиржам ҳис этади. У ҳолда эҳтиёж яна ифодаланади, кейин қондирилади ва бола яна хотиржам бўлади. Эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши ва қондирилиши билан болада унинг эҳтиёжларини қондирадиган бир ёки бир нечта одамларга ишонч ва боғланганлик ҳисси шаклланади.

Катталар томонидан эҳтиёжларнинг мунтазам ва тўғри қондирилиши, чақалоқнинг асаб тизимини барқарорлаштиради ва қўзғалиш-тормозланиш жараёнини мувозанатлаштиради. Бундан ташқари, катталарнинг унга жавоби орқали болалар ўз эҳтиёжларини аниқлаб олиш ва уларни қондириш учун нима қилиш кераклигини эслаб қоладилар, бу эса – ўз-ўзига хизмат қилиш кўникмаларини шакллантиради.

Гўдаклик ва илк болалик (3 ёшгача) даврида, болани доимий равишда парвариш қилган инсонга нисбатан боғланиш ҳисси тез шаклланади. Аммо, боғланиш ҳиссининг ривожланиши ёки бузилиши, ғамхўрликнинг эмоционал томондан қандай ифодаланганлигига боғлиқ бўлади.

Катталарнинг болага нисбатан илиқ муносабати, боғланиш ҳиссини мустаҳкамлайди, бола бошқалар билан ижобий муносабатларни ўрнатишга, яъни бошқалар билан мулоқот қилиш ва мулоқотдан хузурланишга ўрганади. Агар катталар болага нисбатан ғазабланиш ва совуқ муносабатларни билдирса, у ҳолда бузилган боғланиш шакллана бошлайди.

Болалар уйдаги тарбияланувчилар, аниқ режада олиб бориладиган уларнинг овқатланиш ва тозалик эҳтиёжлари қондирилишида ўз навбатини кутадилар ва кўз-кўзга эмас, балки юқоридан пастга қарайдиган, доим ҳар хил бўлган инсонларнинг ўтиб туришларини кузатадилар.

Ғамхўрлик ва ҳиссий муносабат билдириш натижасида 18 ойга тўлган болада дунёга базавий ишонч ҳисси шаклланади.

Илк болалик ёшида ҳиссий таҳқирланганлик тажрибасига эга бўлган болаларда, дунёга ишончсизлик шаклланади ва яқин муносабатларни сақлашда қийинчиликлар пайдо бўлади.

Кўпгина тадқиқотчилар томонидан дунёга базавий ишончнинг йўқлиги, оналик депривациясининг энг оғир ва ўрнини тўлдириб бўлмайдиган оқибат деб ҳисобланади. У ўз ўрнида кўрқув, тажовузкорлик, бошқаларга ва ўзига ишончсизликни келтириб чиқаради, янги нарсаларни билиш, ўрганишга бўлган истакнинг шаклланмаслигига олиб келади.

Депривация тушунчаси

Болалар уйдаги тарбияланувчиларда боғланиш ҳисси шаклланишининг бузилиши сабабларига тўхталиб ўтамиз.

Деярли барча психологлар боғланишнинг бузилишига асосий сабаб илк ёшдаги депривация деб ҳисоблайдилар. Психологик адабиётларда депривация тушунчасига (лотин тилидан *deprivatio* – маҳрум бўлиш) одамнинг асосий психологик эҳтиёжларининг узок вақт давомида қондирилмаганлиги натижасида юзага келадиган психик ҳолат деб таъриф берилган; яққол намоён бўладиган, ҳиссий ва ақлий соҳадаги оғишлар ҳамда ижтимоий алоқалардаги бузилишлар билан тавсифланади.

Депривациянинг сенсор (сезги), когнитив (билиш), ҳиссий, ижтимоий ва бошқа турлари ажратиб кўрсатилади.

Интернат типдаги муассасалар, айниқса эрта ёшдан Болалар уйига тушган болалар, депривациянинг барча турларига учрайдилар. Илк ёшдан бошлаб, уларнинг сенсор ривожланиши учун зарур бўлган маълумотларни етарли даражада олмайдилар. Мисол учун, кўриш (турли хил рангда ва ҳажмда бўлган ўйинчоқлар), пайпаслаш (турли хил материаллардан ишланган ўйинчоқлар), эшитиш (турли овозлар чиқарадиган ўйинчоқлар) кўзғатувчилари етарли даражада бўлмайди. Нисбатан эътиборли бўлган

оилаларда, ўйинчоқлар етарли даражада бўлмаса ҳам, бола турли хил нуқталардан предметларни кўриш (болани кўлга олиб, уйда айлантирганларида, кўчага олиб чиқишганда), турли хил овозларни эшитиш – нафақат ўйинчоқлар, балки идиш-товоқ, телевизор, катталарнинг суҳбати, унга қаратилган нутқни эшитиш, нафақат ўйинчоқлар, балки турли материалдаги предметлар билан танишиш, катталарнинг кийими, уйдаги ҳар хил предметларни ушлаб кўриш имкониятига эга бўлади. Бола инсон юз тузилиши билан танишиб олади, чунки, ҳатто она билан бўлган минимал алоқада ҳам, она ёки бошқа оила аъзолари болани кўлга оладилар, гапирадилар ва унга муружаат қиладилар.

Когнитив депривация, бола у билан бўлаётган жараёнга ҳеч қандай таъсир ўтказмагани, унга ҳеч нарса боғлиқ бўлмагани – овқат егиси келса, ухлагиси келса ҳам бунинг аҳамиятсизлиги оқибатида юзага келади. Оилада ўсган бола овқатланишдан (йўғи билан), кийиниш ёки аксинча, ечинишдан бош тортиши мумкин. Кўпчилик ҳолатларда, ота-оналар болаларнинг хоҳишларини инобатга оладилар, ваҳоланки, ҳатто энг яхши Болалар уйида ҳам ҳар бир боланинг ўз истагига қараб овқатлантиришнинг жисмонан имкони бўлмайди. Шунинг учун ҳам, илк ёшдан бошлаб бундай болалар, уларга ҳеч нарса боғлиқ бўлмаслигига ўрганиб қоладилар, бу нафақат маиший, яъни болаларга “овқат ейишни истайсанми?” каби саволга жавоб бера олмаслиги, балки кейинчалик бошқа масалаларда ҳам уларнинг қарор қабул қилишга қийналишида ҳам намоён бўлади. “Келажакда ким бўлмоқчисан?” ёки “Қаерда ўқимоқчисан?” деган саволларга кўпинча “билмайман” ёки “қаерни айтишса” деган жавоб қайтарадилар. Шубҳасиз, амалда улар ҳар доим ҳам танлаш имкониятига эга бўлмайдилар, аммо бундай имкониятга эга бўлганларида ҳам, танлашга қодир бўлмайдилар. Муассасани битириб чиққандан сўнг, бундай болалар нима қилишни билмай қолишади. Сабаби, ҳаёт улардан мустақил равишда қарорлар қабул қилишни талаб этади, муассасани битириб бирданига улар ҳамма нарсани ҳал қилиши ва ҳаётларини ўз кучлари билан қуришга мажбур бўладилар.

Ҳиссий депривация боланинг катталар билан мулоқоти етарли даражада ҳиссиётларга бой бўлмаганлиги натижасида юзага келади. Кўрсатаётган хулқ-атвориға нисбатан ҳиссий хайрихоҳлик, яъни кўришганда хурсанд бўлиш, бирор нарсани қилмаса норозилик билдириш тажрибасини эгалламайди. Оқибатда, бола ўз хулқ-атворини назорат қилиш, ўз ҳиссиётларига ишониш, бошқалар билан кўз-кўзга тушиб алоқа қилишдан қочишга ҳаракат қила бошлайди. Депривациянинг айнан бу тури, оилага қабул қилинган боланинг мослашувини қийинлаштиради.

Ижтимоий депривация, ота, она, бува ва бувилар, боғча тарбиячилари, дўкон сотувчилари ва бошқа турли хил ижтимоий ролларнинг амалий маъносини билиб олиш, уларни ўйинда синаб кўришда боланинг имконияти бўлмаганлиги оқибатида юзага келади. Интернат типигаги муассасанинг ёпиқ шароитлари кўшимча қийинчиликларни туғдиради. Оилада ўсган болаларга қараганда, бундай болаларда ташқи олам ҳақидаги билимлари анча паст бўлади.

2. Болани етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар муассасасига “вақтинча” жойлаштириш

Бошқа муҳим омилни эътиборга олмоқчимиз. Амалиётда боланинг муассасага “вақтинча” жойлаштирилиши ҳолатларини тез-тез учратиш мумкин. Бу ҳолат, албатта ўзининг салбий оқибатларига эга. Боулби ва Робертсонларга кўра, айрилиш таъсири қуйидагича кечади: бошида болалар *норозилик* билдирадидилар, улар йиғлайдилар, кичқирадилар ва унга кўрсатилган ҳар қандай ғамхўрликларни рад этадилар. Сўнгра, уларда *иложсизлик* ҳолати бошланади, улар тинчланадилар, одамови, пассив бўлиб қоладилар, чуқур қайғу ҳолатида бўладилар. *Бегоналашиб кетиш* охири босқич бўлиб, унда бола олдинги ҳолатга кўра жонлироқ бўлади ва тарбиячиларнинг ғамхўрлигини қабул қилиши мумкин. Бунда Болалар уйлари ходимлари, бола ўзига келиб қолди деб ҳисоблашлари мумкин. Аммо, аслида ундай бўлмайди. Она уни олиб кетиш учун қайтиб келганида, бола уни тан олишни ҳам истамайди: онага тескари қараб олади, унга нисбатан қизиқиши қолмайди.

Худди шундай ҳолатни, Мехрибонлик уйларида ҳам кузатиш мумкин. Бошида болалар нима сабабдан ўз уйида яшай олмаганликларини тушунмайдилар ва ўз яқинларини кутадилар. Сухбат жараёнида, улар ўз яқинларининг келмаётганликларини қуйидагича оқлашга ҳаракат қиладилар: “Улар уй олиш учун пул ишляптилар. Пул топишлари билан, келиб олиб кетишади”, “Улар касал”, “Улар, яшаётган манзилимизни билмайдилар, биз эса қаерга кетганимизни айтмадик” ва ҳоказо. Болалар, оилада қандай ёмон ҳолатда бўлганликларини эслай олмайдилар ва ота-онасига интиладилар. Кўпчилик болалар муассасадан қочишга ҳаракат қилади. Бир неча йиллардан кейингина, улардан воз кечишганини тушуниб этадилар.

Айрим қарашларда, туғилишидан бошлаб онадан айрилган болага қараганда, маълум вақт она билан бўлиб, кейин ундан айрилган бола, невротик типдагиларга ўхшаб, турли хилдаги ҳимоя механизмларини намоён қилади. Мисол учун, Ж.Боулби таъкидлаганидек, онасидан айрилган болалар янги шароитга мослашиб, кўпинча онани унутиши ёки унга нисбатан салбий

муносабатни (онани тан олишни истамайдилар, она томонидан берилган ўйинчоқларни синдиришга ҳаракат қиладилар) намоён қилишлари мумкин.

Шу ўринда, 2012-2013 йилларда РБИММ мутахассислари томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларини келтирмоқчимиз. Ўзбекистон Республикаси “Болалар уйлари тўғрисида”ги ҳамда “Меҳрибонлик уйлари тўғрисида”ги Низомга кўра, оиланинг ижтимоий аҳволини қўллаб-қувватлаш мақсадида, бола бир йилга муассасага жойлаштирилиши мумкин. Тадқиқотда бундай оилаларда ота-она ва болаларнинг ўзаро муносабатлари ўрганиб чиқилди. Тадқиқотларимиз кўрсатишича, муассасага ҳатто қисқа муддатга жойлаштирилган боланинг психологик ривожланишида салбий оқибатлар юзага келади. Болаларда хафалик, катталарга тажовузкорлик пайдо бўлиб, у оилага қайтарилганидан сўнг, тушунмовчиликлар, низолар пайдо бўлади. Бундан ташқари, тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, болаларнинг институционаллашуви нафақат унинг психологик ўзига хосликларига, балки уларнинг маънавий-ахлоқий сифатларига салбий таъсир кўрсатади. Мисол учун:

- ота-оналар ўз фарзандларисиз яшашга ўрганиб қоладилар, уларда ота-оналик масъулияти пасаяди. Ўз ота-оналик бурчини бажармаган ота-оналарда, ўз фарзанди ва жамият олдида ота-оналик бурчидан четлашиш ҳолатлари шакллана бошлайди. Катталарнинг ижтимоий-психологик муаммоси ҳисобланган “Четлашиш”, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашувига таъсир этадиган омил ҳисобланиб, болаларнинг оиладаги мослашувига салбий таъсир кўрсатади;

- кўпчилик ота-оналарда ўз фарзандларига нисбатан салбий муносабат қайд этилган (болани тарбиясиз, омадсиз сифатида кўриш, унга нисбатан ғазабланиш ва ачинишни ҳис этиш);

- ота-оналарнинг болани Меҳрибонлик уйига жойлаштиришдан асосий мақсадлари – фарзандларига “сифатли таълим”ни таъминлаш, ижтимоий имтиёزلардан фойдаланиш, улғаяётган авлоднинг ижтимоийлашувини таъминлаш, шу билан бирга аҳолида моддий қадриятларнинг устунлиги ва маънавий қадриятларнинг пасайишини кўрсатади.

Келтирилган тадқиқот натижалари тасдиқлашича, онадан эрта айрилиб, интернат типига муассасада ўсган болалар, етарли даражада ғамхўрликни кўрмайдилар, бу эса, келажакда уларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бунда асосий ролни, оналик депривацияси омили ўйнайди. Боланинг психик ривожланишида бузилишларнинг қайси шаклда бўлиши, қуйидаги бир қатор омилларга боғлиқ бўлади: қайси ёшда она билан ажралиб

қолган; боғланишнинг шаклланиш жараёни қандай кечган, бола оилада вақтинча ёки умуман яшамаганлиги.

Хорижий ва маҳалий тадқиқот натижалари, Болалар уйида яшаётган тарбияланувчиларда ҳиссий, билиш ҳамда ижтимоий ортда қолишни ва шак-шубҳасиз, тарбия модели сифатида интернат типигаги муассасалардан воз кечиш зарурлиги, эрта ижтимоий етимликнинг олдини олиш чораларини кучайтириш муҳимлигини кўрсатди.

Кейинги бобимизда, турли мамлакатларда қўлланилиб келаётган, болалардан эрта ёшда воз кечишнинг олдини олиш моделларини келтириб ўтамиз.

3. Фарзандидан воз кечиш ниятида бўлган аёллар билан ишлашнинг халқаро тажрибалари

Эрта ижтимоий етимликнинг олдини олиш соҳасидаги ишлар бўйича қатор давлатлар тажрибасини ўрганиш, янги туғилган чақалоқидан воз кечиш ниятида бўлган аёллар билан ишлашда мавжуд ижтимоий технологиялар ва ёндашувлар билан танишиш имконини берди. Мазкур параграфда уларнинг баъзиларини келтириб ўтамиз.

Россия Федерациясида болалар ва оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бир неча моделлари амал қилмоқда. Давлат хизматининг устунлик қилувчи модели – болалар ва оилаларнинг ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳудудий марказлари ҳисобланади. Мазкур марказлар кўптармоқли фаолият ва комплекс хизматлар кўрсатади, шу жумладан аёллар маслаҳат марказлари ва туғруқхоналар билан ҳамкорлик қиладилар. Қатор ҳудудларда, туғруқхоналарда алоҳида хизматлар ташкил этилган бўлиб, уларнинг ходимлари янги туғилган чақалоқлардан воз кечишнинг олдини олиш бўйича ишларни олиб борадилар. Эрта ижтимоий етимликнинг олдини олиш бўйича ишларни ўтказишда турли-туман йўналишларни қамраб олувчи Хабаровск шаҳридан мисол келтирамиз.

Хабаровск шаҳридаги янги туғилган чақалоқлардан воз кечишнинг олдини олиш бўйича лойиҳа

Биринчи босқич: туғруқхона. Туғруқхонадаги ишлар барча туғруқ жараёнидаги аёллар орасидан чақалоқини ташлаб кетиш ниятида бўлганларини аниқлаш, уларни мақсадли гуруҳга қўшиш ва улар билан иш олиб бориш бўйича янги хизмат билан тўлдирилди.

Неонатолог хатар гуруҳидаги аёлни кўрганида:

1. Ҳолат бўйича лойиҳа раҳбарига хабар берар эди.

2. Аёл билан ишончли муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қиларди ҳамда имкониятга қараб, гумон қилинаётган ёки юз бериб бўлган воз кечиш

ҳолатининг сабабларини аниқлайди.

3. Онадан у билан бошқа мутахассисларнинг ишлашлари учун унинг розилигини олади.

4. Онада янги туғилган чақалоғига нисбатан боғланганлик ҳиссини уйғотиш бўйича чораларни кўради (болани туғилган заҳоти туғруқхонада одатда амал қилинадигандан кўра кўпроқ вақтга бағрига қўйиш, боланинг она билан бир палатада бўлиши, она билан янги туғилган чақалоғи, уни парваришлаш, эмизиш ва даволаш тўғрисида суҳбатлашиш).

Лойиҳа раҳбари аёлга туғруқхонада ёрдам кўрсатиш мақсадида зарур мутахассисларнинг жалб этилишини таъминлар эди. Иш жараёнига психолог ва ижтимоий иш ходими жалб этилар эди. Мазкур босқичда психологнинг вазифаси аёлнинг психологик ҳолатини ўрганиш ва унга тезкор психологик ёрдам кўрсатиш, зарур ҳолларда оила аъзоларига психологик ёрдам кўрсатиш учун уйга ташриф буюриш. Ижтимоий иш ходими аёл ва унинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳолатини батафсил ўрганиб, улар муҳтож бўлган ёрдам турларини аниқлайди, зудлик билан ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирларни ўтказди. Психолог ҳамда ижтимоий иш ходими ишининг муҳим ташкил этувчиси аёлнинг яқинлари орасидан унга кўмак кўрсата оладиган инсонларни излаш эди. Булар кўпинча боланинг туғилиши ҳақида беҳабар бўлган унинг қариндошлари бўлиши мумкин эди. Туғруқхона босқичидаёқ лойиҳанинг бутун ишчи гуруҳи томонидан ҳар бир оила билан индивидуал ишлаш режаси тузилади.

Туғруқхонадан чиқишга рухсат бериши вақтига қадар мақсадли гуруҳдаги аёллар ўз вазиятларидан келиб чиққан ҳолда турлича йўл тутадилар. Баъзиларда қўллаб-қувватлашни ҳис қилиб, ўз кучларига ишонч ва умид уйғониб, бола билан биргаликда ўз оилаларига қайтадилар. Аммо бундай вазиятлар камдан-кам кузатилади. Кўпинча оналар туғруқхонадан чиқиш вақтида ҳам иккиланиш ҳолатида бўладилар, ёки уларнинг умуман борадиган ерлари бўлмади. Гўдакни вақтинчалик болалар уйига жойлаштириш онанинг болага нисбатан шундоқ ҳам мустаҳкам бўлмаган боғлиқлигини янада хатар остига қўяр эди. Онанинг ўзи ҳам ва унинг оила аъзолари ҳам янги туғилган чақалоқдан ажралганларида усиз ҳаётга тезда кўникадилар ва шу билан бирга болани тезроқ уйга олиб кетиш истаги борган сари сўниб боради. Бунга йўл қўймаслик учун лойиҳада иккинчи босқич – болалар шифохонаси кўзда тутилган.

Иккинчи босқич: болалар шифохонасининг гўдаклар бўлими. Шифохонанинг маъмурияти билан келишилган ҳолда мақсадли гуруҳдаги болали аёллар учун бўлимдан махсус палата ажратилган. Мазкур жойлаштиришнинг асосий мақсади она ва бола ўртасидаги боғлиқликни

сақлаш ва мустаҳкамлаш эди. Она куну-тун давомида гўдак билан бир палатада бўлиб, уни ўзи парвариш қилар, у билан мулоқотда бўлар эди. Бўлим ходимлари ва лойиҳа мутахассислари унинг бола билан алоқа ўрнатиши ва уни сақлаб қолишига ёрдам берар эдилар. Лойиҳа педиатри, психолог ва ижтимоий иш ходими мазкур оила билан ишлаб чиқилган режа асосида ўз ишларини давом эттирардилар. Уй-жой, моддий, ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда, оиладаги муносабатларни ўзгартиришда ёрдам кўрсатиларди. Бир қанча ҳолатларда аёлга фарзандини оиласига олиб кетиш тўғрисида қатъий қарорга келишида ёрдам кўрсатилган. Аммо бу каби ижобий ҳолатда ҳам оила мутахассисларнинг кузатувлари остида бўлиши лозим, чунки – қайтадан воз кечиш хавфи узоқ вақтгача сақланиши мумкин; - болага зарур парвариш ва ғамхўрлик кўрсатилмаслиги ва ҳаттоки бола ҳаёти ва саломатлиги учун хатарли шароитларда бўлиши мумкин; - оиланинг уй-жой, моддий ва психологик муаммолари, одатда, вақтинчалик ҳал қилинади ҳамда мутахассислар ўз ишларини давом эттиришларини талаб этади; - унинг тақдирига аралашган инсонларнинг таъсири остида аввал исталмаган болани ўстириш масъулиятини ўз зиммасига олган аёлни кейинчалик қўллаб-қувватлашсиз қолдирилиши шафқатсизлик ва йўл қўйиш мумкин бўлмаган ҳолатдир. Шу сабабли учинчи босқичнинг амалга оширилиши талаб этилади.

Учинчи босқич: оила. Туғруқхонадан ёки болалар шифохонасидан чақалоғи билан чиқишда аёлга янги туғилган чақалоқ учун кийимлар комплекти совға қилинар эди. Лойиҳанинг бутун ишчи гуруҳи номидан совға ва меҳрибон сўзлар билан кузатиш ҳам аёл учун психологик ёрдам кўрсатишда аҳамиятли роль ўйнайди. Хайрлашиш вақтида мутахассислар келгусида ҳам оилага ёрдам кўрсатиш ниятини билдириб, кейинги учрашувларни батафсил келишиб олар эдилар. Оилага ташрифлар, одатда, уй маиший хўжалигини ташкил этиш, оилавий ўзаро муносабатларни яхшилашда ёрдам кўрсатиш, болани парваришга ўргатиш, нафақалар олиш, уй-жой, тиббий ва маиший муаммоларни ҳал қилиш учун зарурий ҳужжатларни расмийлаштиришда қўмаклашишдан ташкил топар эди. Оилага ташриф буюришнинг зарурий қисми боланинг ҳолати ҳамда катталарнинг унга бўлган муносабатларини, онанинг ҳолати ва умуман оилавий ишларни назорат қилишдан иборат.

Туғруқхонада тузилган оилага индивидуал ёрдам кўрсатиш режасини амалга ошириш жараёнида унга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилар эди. Оилаларга тиббий-психологик-ижтимоий қўмаклашиш қайтадан воз кечиш хавфи бартараф этилмагунига қадар давом этар эди. Мазкур қарор ҳар бир ҳолат учун алоҳида жамоада ҳар томонлама муҳокама этилганидан сўнг белгиланар эди.

Вақтинчалик болалар уйига жойлаштириш. Агар лойиҳанинг мақсадли гуруҳига қабул қилинган аёл туғруқхонадан чиқиш вақтида болани уйига олиб кетиш ёки у билан болалар шифохонасининг палатасида биргаликда яшаш имкониятига эга бўлмаса, болани вақтинчалик Болалар уйига жойлаштириш расмийлаштирилар эди. Унинг онаси тез орада уни олиб кетиш учун қайтиб келиш ниятини сақлаб қолган ҳолда уйига кетар эди. Бу ҳолатда ҳам она фарзандини уйига олиб кета олмаслигига сабаб бўлган муаммоларини – уй-жойининг йўқлиги, она ва бошқа оила аъзоларининг спиртли ичимликларга ружу қўйганлиги, низоли оилавий муносабатлар кабиларда оилага кўмаклашиш мақсадида мутахассислар кўмаги ташкил этилар эди. Яна бир вазифа онанинг ўз фарзандидан хабар олишини ташкил этиш орқали она ва гўдакнинг ҳиссий алоқаларини сақлаб қолиш ҳамда онанинг болага нисбатан ўз мажбуриятларини бажаришини назорат қилиш эди. Аммо амалий тажрибалар кўрсатишича, бундай вазиятда лойиҳа мутахассисларининг воқеаларнинг боришига таъсир этиш имкониятлари жуда оз эди. Одатда, боласиз, одатий муҳитга тушган аёл, айниқса спиртли ичимликларга ружу қўйган аёллар тезда таниш ҳаёт тарзига қайтадилар. Боладан хабар олиш, унга ғамхўрлик кўрсатиш зарурлиги тўғрисида фақатгина “жонга тегадиган” лойиҳа мутахассислари эслатиб турардилар. Шу билан биргаликда, Болалар уйларидаги мавжуд тартиб шундоқ ҳам заиф бўлган онанинг бола билан алоқаларини сақлаб қолишга тўсқинлик қилади. Шу сабабли бундай вазиятларда муваффақиятга эришиш имкони деярли бўлмайди – болалар оилаларига қайтарилмайдилар, оналар эса қандайдир вақтдан сўнг васийлик ва ҳомийлик органлари ходимларининг талаб этишлари оқибатида, бутунлай воз кечиш тўғрисидаги аризани ёзар эдилар.

Туғруқхонадан сездирмай гойиб бўлган аёллар билан ишлаш схемаси. Аввало, уларни излаш бўйича ҳаракатлар амалга оширилар эди. Одатда, улар айтган манзил ёлғон бўлиб чиқар эди. Аёл учун тез тиббий ёрдам чақирилган манзил излашда ёрдамчи маълумот бўлиши мумкин. Умуман мумкин бўлган барчага – уй эшигини очган инсонлар, қўшнилари, танишлар ва қариндошларга лойиҳа мутахассислари онанинг уларга мурожаат этишини илтимос қилиб телефон рақамларини қолдирганлар. Агар кимдир унинг иш жойини эсласа, уни топиш учун у ерга борардилар. Излаб топилган аёллар кўпинча атрофдагилардан фарзанд кўрганликларини яширишни истар эдилар, унда барча суҳбатлар кўчада ёки фақат телефон орқали олиб борилар эди. Мутахассислар буларнинг барчасини амалга оширар эдилар, чунки қидирув баъзан яхши натижалар берар эди. Муваффақиятли қидирув ҳамда аёл ва унинг оиласи учун ёрдамни қабул қилишга розилиги олинган

ҳолатларда бошқа вазиятлардагидек тиббий-психологик-ижтимоий кўмаклашиш ташкил этилар эди (“бола оилада” схемаси бўйича ёки “бола Болалар уйида” схемаси бўйича).

Лойиҳа ишининг натижалари. Барча ишлар етти нафар мутахассиснинг кучи билан амалга оширилар эди: неонатолог, педиатр (бир вақтда – лойиҳа раҳбари), икки психолог, икки ижтимоий иш ходими ҳамда лойиҳа координатори. Фаолият ихтисосликлараро ёндашув ва жамоавийлик тамойили бўйича қурилган эди. Барча муҳим қарорлар ягона раҳбар томонидан эмас, балки ҳафтада бир марта умумий муҳокамадан сўнг бутун жамоа томонидан қабул қилинар эди. Иш жараёнида воз кечилган болалар ва уларнинг ота-оналарига қандайдир алоқадорлиги бўлган бошқа тузилмалар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилар ва ривожланар эди.

Лойиҳа ишчи гуруҳи туғруқхона ва болалар шифохонасидан ташқари Болалар уйлари, васийлик ва ҳомийлик органлари, ноқобил оилалар билан ишлаш бўйича шаҳар сектори, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш маркази, шаҳар маъмурияти, шаҳар ва туман газеталари, хусусий корхоналар билан ўзаро ҳамкорлик қилган. Туғруқхоналарда болалардан воз кечиш ҳолатлари сонининг ортиб бориши тўғрисидаги мавзун мунтазам ёритиш ва лойиҳани амалга ошириш давомида эришилган натижалар тўғрисида шаҳар маъмуриятини хабардор қилиш билан шаҳар бош педиатри (лойиҳа координатори) туғруқхоналар ва болалар шифохоналарида психолог ва ижтимоий иш ходими ставкаларини киритиш йўли билан мазкур хизматларнинг барқарорлигини таъминлашга эришилди.

Давлат васийлигидаги муассасаларда тарбияланувчи ота-она қарамоғисиз қолган болаларни парваришлаш ва таъминлашга сарфланадиган моддий сарф-ҳаражатлар миқдори камайди. Хабаровск шаҳридаги даволовчи муассасада бир нафар боланинг таъминоти учун ҳар ойда 14000 рубль пул сарфланади. Олти нафар гўдакларни ўз оилаларига қайтариш шаҳар учун бир йилда 1 000 800 рублни тежаб қолишга имкон берди.

Россия Федерациясининг ҳар бир ҳудудида янги туғилган чақалоқлардан воз кечишнинг олдини олиш бўйича ўз моделлари амал қилади ва улар энг асосийси – боладан воз кечиш истагини билдирган аёллар билан ишлаш нафақат мумкин, балки зарур эканлигини исботлади.

Ҳозирги вақтда янги туғилган чақалоқлардан воз кечишнинг олдини олиш билан барча шаҳарларда мавжуд бўлган ижтимоий хизматлар шуғулланадилар. Туғруқхона ёки аёллар маслаҳат марказидан маълумот олинганида, хизмат мутахассислари аёл билан ишлаш учун жойларга чиқадилар. Бундан ташқари мамлакатда оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган аёлларга ёрдам кўрсатиш марказлари мавжуд бўлиб, у ерда фарзанди билан

аёлга бошпана ва ёрдам берилади.

Украинадаги оила ва болаларга ижтимоий кўмаклашиш модели Буюк Британия ва Германия тажрибаси асосида яратилган. Мамлакатда давлат даражасида Болалар ишлари бўйича хизмат ва Оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича хизмат мавжуд бўлиб, хизматлар томонидан қийин ҳаётий вазиятда қолган болалар ва оилаларга ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик-педагогик ёрдам кўрсатилади.

Боласидан воз кечиш ниятида бўлган аёл билан учрашиш учун ижтимоий иш ходими юборилади ва у вазиятни баҳолайди, кўмаклашиш режасини ишлаб чиқади. Она ва бола ижтимоий марказларининг (08.09.2005 йилдаги 879-сонли Украина Вазирлар Маҳкамасининг Қарори,), тажрибаси эътиборга моликдир, уларда аёлларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва оналарнинг янги туғилган чақалоқлардан воз кечишларининг олдини олишнинг янги шакллари жорий этилган.

Она ва бола ижтимоий марказларида қийин ҳаётий вазиятларга тушиб қолган ҳомиладор аёллар (7-9 ойида бўлган) ҳамда туғилганидан 18 ойликкача фарзанди бўлган аёллар яшашлари мумкин. Марказда мижозлар учун психологик-педагогик ва уй-жой маиший шароитлар яратилган, болали аёллар озиқ-овқат билан таъминландилар, уларнинг таълим олишлари, касб эгаллашлари, марказдан ташқарида бола билан мустақил ҳаёт кечириш кўникмаларини эгаллашлари, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, психологик, ижтимоий-педагогик, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва ахборот бериш хизматлари кўрсатилади. Яшаш-маиший шароитлар мижозларнинг тўлиқ мустақилликларини таъминлайдиган тарзда яратилган. Аёллар марказ ҳудудини ўзлари тозалайдилар, овқат тайёрлайдилар ва ҳ.к.

Марказ мутахассислари вақтинчалик жойлаштирилган мижозларга қариндошлари билан алоқаларини яхшилаш, уй-жой ва бошқа ҳаётий зарур масалаларни ҳал этишларида кўмаклашадилар. Шу билан биргаликда мутахассислар янги туғилган чақалоқлардан воз кечишнинг олдини олишда мазкур марказлар энг мақбул усул ҳисобланмаслигини таъкидлайдилар, кўпинча янги туғилган чақалоқлардан воз кечишнинг олдини олиш учун жойларда аёллар билан ижтимоий иш олиб бориш зарур.

Вақтинчалик бошпана учун Она ва бола марказлари эса бошқа барча ресурслар қўлланилганидан сўнг охириги навбатда иштирок этиши лозим. Шунингдек, ундаги яшаш муддати чегараланган бўлиши лозим.

Эрта ижтимоий етимликнинг олдини олиш бўйича ўхшаш дастурлар Қозоғистон, Қирғизистон, Белоруссия, Грузия ва бошқа мамлакатларда амал қилади.

Узоқ хориж давлатларида оилалар билан ижтимоий, психологик технологияларни қўллаш ва ота-оналарга ёрдам кўрсатиш бўйича мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорликлари ўзига хос хусусиятларга эга. Кўпгина Европа мамлакатларининг ижтимоий сиёсати оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилаларга давлат томонидан катта моддий ва ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатилишини кўзда тутди.

АҚШдаги ижтимоий хизматлар. Мамлакатда ёлғиз оналарни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг диққатга молик жиҳатлари мавжуд. Янги туғилган чақалоқларга ижтимоий ёрдам кўрсатувчи махсус муассасалар қўйидаги хизматларни амалга оширадilar: оналар учун касбий ўқитиш махсус гуруҳларини ташкил этиш, ишга жойлашиш бўйича ёрдамни таъминлаш; кундузи ва кечки вақтларда ишлайдиган оналарнинг фарзандларини парваришини таъминлаш; шаҳар саломатлик марказлари қошида турмушга чиқмаган оналар учун хизматларни ташкил этиш; шафқатсиз муносабат кўрсатилган болаларни ҳимоялаш хизматларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш; тутинган оилалар билан ишлаш, боланинг янги оилага мослашишини кузатиш; болаларнинг тарбияси ва таълимида ёрдам кўрсатиш, ота-оналарга уй хўжалигини юритишда ёрдам кўрсатиш ижтимоий хизматларини ривожлантириш.

Болали оилаларнинг кўпгина муаммолари оилаларга консултатив ёрдам бериш доирасида бирлашмалар даражасида ҳал этилади. Бу “Ёлғиз ота-оналарга ёрдам кўрсатиш учун ресурс маркази”, ёш ҳомиладор аёллар учун аёллар кризис клиникаси. Клиника фаолиятининг мақсади – ёш ҳомиладор қизларга психологик ва маънавий ёрдам кўрсатиш. Бўлажак оналар клиникада бўлган вақтларида махсус тайёрлов курсидан ўтадилар, самарали хулқ шакллари бўлажак фарзанд парвариши ва бошқаларни ўрганадилар.

Францияда болали бўлган барча оилаларга қўллаб-қувватлаш амалга оширилади. Мазкур стратегия доирасида оилавий ҳаётда қийинчиликларни ҳис қилаётган аёлларга қўшимча давлат ёрдами кўрсатилади, лекин асосий ёрдамни улар бутун оилага фаол ижтимоий ёрдам кўрсатилиши ҳисобига оладилар. Бу ерда барча оилалар умумий ҳамда даромаддан келиб чиқадиган оилавий нафақа оладилар, шу жумладан, умумий нафақа ҳамда турар жойга ҳақ тўлаш учун қўшимча нафақа, 1 ёшгача фарзанди бўлган оналар учун махсус нафақа, она (ота)га болани парваришлаш учун ҳақ тўланадиган таътил. Ота-оналарга бола 3 ёшга тўлгунига қадар нафақа

уларнинг ишлашлари ёки ишламасликларидан қатъий назар тўланади. Шу тариқа, улар мазкур даврда уйда қолиш ёки ишлаш ва бола парвариши учун ҳақ тўлашдан бирини танлаш имкониятлари мавжуд.

Францияда қўллаб-қувватлашсиз қолган ҳомиладор аёллар ва болали оналар учун бошпана тизими кўп йиллик тарихга эга. Ҳар бир ҳудудда оналик уйлари 1939 йил 29 июлда Франция ҳукуматининг Декрети асосида жорий этилган. 1943 йилда мазкур муассасаларнинг миссиялари шакллантирилган: “Болалардан воз кечишнинг ва болалар ўлимнинг олдини олиш”. 1945 йил 2 ноябрдаги оналик ва болаликни ҳимоялаш тўғрисидаги Қарор бўйича оналик меҳмонхоналари яратилган бўлиб, уларнинг мақсади – оналарни келгусида иш билан таъминлаш мақсадида уларни фарзандлари билан қабул қилиш. Оналик меҳмонхоналари пулик (чунки ишлайдиган оналар учун ташкил этилган), оналик уйлари эса – бепул. Оналик марказлари Франциянинг барча ҳудудларида ташкил этилган. Оналарни жойлаштириш учун асос: ўз ихтиёрига кўра мурожаат этиш (ишонч телефонларига қўнғироқ қилиш ва мос равишдаги бошпанага келиш) ёки суднинг қарори.

Швецияда болалар ва ҳомиладор аёлларнинг саломатлигини назорат қилиш тизими мавжуд. Швецияда ижтимоий ишнинг ташкил этилиши ёлғиз ота ёки она бўлиш ҳамда касбий ўсишга йўналтирилган. Шунинг учун Швецияда оилага нисбатан ижтимоий сиёсат билан бир қаторда, маълумот эгаллашни тарғиб этувчи иш жойларини яратиш, ўқитиш, қайта ўқитиш ва бандликка йўналтирилган дастурлар фаол амалга оширилади, шу жумладан ёш болали оналар учун. Ёлғиз оналар махсус нафақалар оладилар, аммо улар ишламаётган онани таъминлаш учун эмас, балки фақатгина бола учун мўлжалланади. Шу билан бирга, давлат нафақат иш жойлари билан таъминлайди, балки онанинг кўп ҳақ тўланадиган ишга эга бўлиши учун қайта ўқитиш ва мутахассислик эгаллаш даврида вақтинчалик тўловлар ажратади.

Шу тариқа халқаро тажрибада эрта ижтимоий етимликнинг олдини олиш бўйича улкан тажрибалар тўпланган бўлиб, уларни ўрганиш қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган боланинг ҳуқуқларини ҳимоялаш соҳасидаги умумий тенденцияларни ва ягона тамойилларни аниқлаш имконини беради, бунинг учун эса қуйидагилар талаб этилади:

- тарбиявий-профилактика ва ҳимоя фаолиятини профессионаллаштириш, оилавий тарбия шароитларини соғломлаштириш бўйича ижтимоий педагоглар, ижтимоий иш ходимлари, психологлар махсус лавозимларини киритиш;

- оилалар, болалар, ёшларга кўмаклашувчи махсус тузилмалар тармоғини яратиш; оғир ҳаётӣ вазиятга тушиб қолган аёллар ва болалар учун психологик хизматлар, консултациялар, ишонч телефонлари, ижтимоӣ бошпаналарни яратиш;

- ёш оналарга ижтимоӣ-ҳуқуқӣ, психологик-педагогик ёрдам ва қўллаб-қувватлашни амалга ошириш, хатар гуруҳидаги оилаларнинг оилавий тарбия шароитларини соғломлаштириш бўйича махсус ишларни ташкил этиш.

Хорижий давлатлар иш тажрибасининг кўрсатишича, минимал ресурслар билан қийин ҳаётӣ вазиятга тушиб қолган аёлга ёрдамни ташкил этиш ва янги туғилган чақалоқлардан воз кечишнинг олдини олиш мумкин.

Назорат саволлари:

1. Ж.Боулби, ўзининг тадқиқотларида интернат типидagi муассасаларнинг салбий оқибатлари хақида қандай фикрларни билдириб ўтган?
2. Институционаллашув боланинг миясига қандай таъсир этишини тушунтириб беринг?
3. Боланинг эрта ёшдан интернат типидagi муассасага жойлаштирилиши, унинг бош миясига қандай салбий таъсир кўрсатади?
4. Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларга Болалар уйи нималарни бера олмайди?
5. Боғланиш нима ва у боланинг ривожланишида қандай ўрин тутади?
6. Депривация тушунчасини ёритиб беринг.
7. Болани етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар муассасасига “вақтинча” жойлаштириш шакллари хақида маълумот беринг.
8. Фарзандидан воз кечиш ниятида бўлган аёллар билан ишлашнинг халқаро тажрибалари хақида маълумот беринг.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар тушунчалари ва уларнинг моҳияти.

Ишдан мақсад: етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан ижтимоий иш амалиётини ижтимоий иш усуллари ёрдамида ўрганиш.

Масаланинг қўйилиши: етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан ижтимоий иш амалиётини сифат кўрсаткичларини юқори даражага кўтариш.

Назорат саволлари:

1. Ота-она қарамоғисиз қолган болалар тушунчасини изоҳланг.
2. Патронат болаларни оилага жойлаштириш шаклини тушунтириб беринг.
3. Ижтимоий етим тушунчасини изоҳланг.
4. Деинституционализация тушунчасининг моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Институционализация тушунчасининг моҳиятини ёритиб беринг.
6. Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ёритиб беринг.

Амалий машғулот.

Бугун машғулотдан нималарни ўргандим ва уни қандай иш жараёнимда қўллайман шаклидаги жадвални тўлдириш. Тингловчилар нимани олдиндан билар эди, дарс жараёнида нималарни билишни хоҳлаган эди, нималарни билиб олганлигини таҳлил қилади. “БББ” методи ёрдамида.

Билардим	Билишни хоҳлаган эдим	Билиб олдим

2-амалий машғулот: Етимлик социал ҳодиса сифатида институционалашуви

1-иш: Етим тушунчасини мазмун моҳиятини тушунтириб беринг.

2-иш: Авестода етим-есир болалар ва фақир, бева-бечора кишиларга нисбатан муносабат қандай бўлган?

3-иш: Исломда етим-есир болалар ва фақир, бева-бечора кишиларга нисбатан муносабат қандай бўлган?

4-иш: Шарқ мутафаккирларининг етимлик тўғрисидаги фикрларини тушунтириб беринг?

5-иш: Ўзбекистон Республикасида етим ва қаровсиз болаларни ижтимоий ҳимоя тизимини ёритиб беринг?

6-иш: Ғарбда етимлик социал ҳодиса сифатида илмий ўрганилиши тарихини ёритиб беринг.

7-иш: бугун машғулотдан нималарни ўргандим ва уни қандай иш жараёнимда қўллайман шаклидаги жадвални тўлдириш. Тингловчилар нимани олдиндан билар эди, дарс жараёнида нималарни билишни ҳоҳлаган эди, нималарни билиб олганлигини таҳлил қилади. “БББ” методи ёрдамида.

Билардим	Билишни хоҳлаган эдим	Билиб олдим

Мустақил бажариш учун топшириқлар (уйга вазифа): етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларга ижтимоий хизматни баҳолаш шакллари иш фаолиятида қўллаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

3-амалий машғулот: Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларининг халқаро ва миллий қонунчилик нормаларида акс эттирилиши.

1. Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларининг халқаро тажрибасини ёритиб беринг.
2. Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялашга оид қандай халқаро ва миллий даражадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган?
3. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989-йил 20-ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенсиясининг моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Оила Кодексининг “Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари” тўғрисидаги II-бўлимида нималар дейилган?

5. Ота-она қарамоғисиз қолган болаларга васий ва ҳомий тайинлаш ҳамда уларни фарзандликка, оилага тарбияга бериш тартибини ёритиб беринг.

6. Қандай тоифадаги шахслар фарзандликка олувчилар бўлмайдилар?

7. Қандай ҳолларда ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олишга йўл қўйилади?

Хавф остида бўлган болаларни ижтимоий ва педагогик қўллаб-қувватлаш"

Вазифа-вазият тузилиши:

1. Ўқитувчи ёки ўқувчилар одатдаги профессионал вазиятларни танлайдилар ва таърифлайдилар.

2. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда ижтимоий педагогнинг мақсад ва вазифаларини белгилайди.

Вазият параметрларини: муаммо тури, тақдим этилган ёрдам турлари, ички мулоқот, ташқи алоқа, вазиятни ҳал қилиш учун вақт) тасвирлаб беради.

4. Ижтимоий ўқитувчининг ушбу ҳолатни ҳал қилиш бўйича танланган усуллари ва шакллари.

Одатда профессионал вазиятларнинг тавсифи.

Вазият таърифи 1. Катта оила, 13 ёшли ўғли кечикиб, тез-тез саросимага тушади. Ота-онаси билан бўлган муносабатлар ёмонлашди, бола маслаҳатига қулоқ солмади.

Вазиятнинг 2 таърифи. Тўққизинчи синф ўқувчиси бешинчи қаватдан сакраб чиқди. Она ахлоқсиз ҳаёт тарзини олиб келади. Боланинг сўзларига кўра, отаси вафотидан кейин онаси тарбияси ҳақида ғамхўрликни тўхтатиб, уйга бошқа одамларни олиб келади, ичимликлар, уйда ухламайди. Бола ҳозир уйда ишлайди. Ваня 13 ёшда, оилада ягона бола. 5-синфгача мактабда қийинчиликлар бўлмаган. 6-синфда мунтазам ўтишлар бошланди. Қўшнилар баъзан Ваняни норасмий гуруҳларга хос кийимда кийган узун сочли болаларнинг даврасида кўрган. У баъзан дўстлари билан тунни ўтказди ва кейин деярли ҳар доим улар билан бирга ўйнашни бошлади. Уйда ҳафта мобайнида кўринмади. Ўқитувчи онаси билан суҳбатлашганда, Ванянинг баттар жаҳли чиқди ва у билан алоқа йўқолди. Унинг муаммоларидан азоб чекади: эри турмуш ўртоғини тарк этди.

4-амалий машғулот: Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларининг халқаро ва миллий қонунчилик нормаларида акс эттирилиши.

1-иш: Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларининг халқаро тажрибасини ёритиб беринг.

2-иш: Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялашга оид қандай халқаро ва миллий даражадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган?

3-иш: БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989-йил 20-ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясининг моҳиятини тушунтириб беринг.

4-иш: Оила Кодексининг “Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари” тўғрисидаги II-бўлимида нималар дейилган?

5-иш: Ота-она қарамоғисиз қолган болаларга васий ва ҳомий тайинлаш ҳамда уларни фарзандликка, оилага тарбияга бериш тартибини ёритиб беринг.

6-иш: Қандай тоифадаги шахслар фарзандликка олувчилар бўлмайдилар?

7-иш: Қандай ҳолларда ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олишга йўл қўйилади?

8-иш: бугун машғулотдан нималарни ўргандим ва уни қандай иш жараёнимда қўллайман шаклидаги жадвални тўлдириш. Тингловчилар нимани олдиндан билар эди, дарс жараёнида нималарни билишни хоҳлаган эди, нималарни билиб олганлигини таҳлил қилади. “БББ” методи ёрдамида.

Билардим	Билишни хоҳлаган эдим	Билиб олдим

Мустақил бажариш учун топшириқлар (уйга вазифа): Ўзбекистонда етим ва ота-она қаровисиз қолган болаларни ноинституционлаштириш муаммоларини таҳлил қилиш

5-Амалий машғулот: Эрта ижтимоий етимликни олдини олиш муаммоси: назария ва амалиёт.

Бир саҳифада қисқа иншо ёзинг (иншо) "Менинг шахсий тажрибам ва эрта ижтимоий етимликни олдини олиш муаммосига муносабатим" мавзусида

10 дақиқада. Иншо матнларини муҳокама қилиш иккита гуруҳ, кейин тўртта тингловчи. Жавоб қуйидаги саволлар:

1. Ж.Боулби, ўзининг тадқиқотларида интернат типидagi муассасаларнинг салбий оқибатлари хақида қандай фикрларни билдириб ўтган?
2. Институционаллашув боланинг миясига қандай таъсир этишини тушунтириб беринг?

Бу муаммони бизнинг курсимизда муҳокама қиламизми?

1. Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларга Болалар уйи нималарни бера олмайди?
2. Боғланиш нима ва у боланинг ривожланишида қандай ўрин тутади?
3. Депривация тушунчасини ёритиб беринг.
4. Болани етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар муассасасига "вақтинча" жойлаштириш шакллари хақида маълумот беринг.
5. Фарзандидан воз кечиш ниятида бўлган аёллар билан ишлашнинг халқаро тажрибалари хақида маълумот беринг.

Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар хақидаги замонавий "миф" ларга мисоллар келтиринг.

Қандай ижобий ва салбий томонлар бор уюшган ва уюлмаган ёшларнинг алоҳида таълимини таъминлаш

2. Жозибатор тизим интеграциялашган таълим
3. Интеграцияга ўтишда қандай қийинчиликлар юзага келади таълим қандай қилиб уларни бартараф этиш мумкин?

ГЛОССАРИЙ

№	Термин	Изоҳ	Description
1.	Ijtimoiy himoya Social protection	Кенг маънода мамлакат аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи; тор маънода давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлик ҳолати, ижтимоий аҳволи, тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмагани туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтож фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрлиги.	A set of legal, economic, social measures that provide social and material protection of the population of the country in the broadest sense and are determined by society; in a narrow sense, the state and society's care for citizens in need of assistance due to age, health status, social status, inadequate provision of livelihoods.
2.	Ижтимоий иш Social work	Ёрдамга (оғир ҳаётини вазиятларда турган), ўзининг ҳаётини муаммоларини, кўп ҳолларда эса турмуш кечирини бегоналар кўмагисиз ҳал қилишга қодир бўлмаган одамларга ёрдам кўрсатишга йўналтирилган, касбий фаолиятдир.	It is a professional activity aimed at helping (standing in difficult life situations), helping people who are unable to solve their life problems, and in many cases their marriage, without the help of strangers.
3.	Ijtimoiy nafaqa Social benefits	Муайян сабабларга кўра, меҳнат қилиш имкониятига эга бўлмаган ва доимий равишда ёрдамга муҳтож фуқароларга давлат томонидан бериладиган нафақа.	State benefits for citizens who, for some reason, are unable to work and need constant assistance.
4.	Етимлик Орпхан	Етим болалар аҳолини ифода этувчи ижтимоий тушунча	A social concept that expresses the condition of orphans
5.	Етим Ан орпхан	Ўз оиласидан вақтинча ёки бутунлай маҳрум бўлган ёки ўз манфаатлари йўлида бундай оилада қола олмайдиган бола давлатнинг алоҳида ҳимояси ёрдами олиш ҳуқуқига эгадир	A child who is temporarily or completely deprived of his or her family or who is unable to stay in such a family for his or her own interests is entitled to special protection and assistance from the state.
6.	Вақтинчалик етимлик Temporary orphanhood	Бола ота-онасидан моддий қийинчиликлар билан боғлиқ ҳолда, ўз ота-оналик ҳуқуқларини сақлаш шarti билан давлатга топширилганлардир.	The child is transferred from the parents to the state on the condition of respecting their parental rights due to financial difficulties.
7.	Васийлик	Ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг	Orphans and children deprived of parental care

	Guardianship	қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли	under the age of fourteen, as well as citizens who have been declared incompetent by a court, shall be provided with maintenance, upbringing and education, their property and personal non-property. legal form of placement in order to protect their rights and legitimate interests
8.	Ҳомийлик Sponsorship	Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли	Orphans and children deprived of parental care between the ages of fourteen and eighteen, as well as citizens with disabilities who have been treated by a court, shall be entitled to their maintenance, upbringing and education. a legal form of placement for the purpose of protecting property and personal non-property rights and legitimate interests
9.	Бола Child	“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-моддасига биноан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс	According to Article 3 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On guarantees of the rights of the child" a person under the age of eighteen
10.	Ота-она қаровсиз қолган бола A child left without parental care	Ота-она ёки ҳар иккала ота-онага ғамхўрликсиз қолдирилган 18 ёшгача бўлган шахслар: ота-она ҳуқуқларидан маҳрум этиш; ота-она ҳуқуқларини чеклаш; ота-оналарни тиббий муассасаларда етишмаётган, малакасиз (қисман қобилиятли) деб топиш, уларни тўлик деб эълон қилиш, қамок жазосини ўташ, қамокда сақлаш, гумон қилиниш ва жиноят содир этишда айблашда айблаш; ота-оналарни болаларни тарбиялашдан ёки ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан қочиш; ота-оналарнинг фарзандларини таълим, тиббиёт ва ижтимоий таъминот муассасалари, шунга ўхшаш	Persons under the age of 18 who have been left without parental or both parental care: deprivation of parental rights; restriction of parental rights; finding parents missing, incompetent (partially capable) in medical facilities, declaring them full, serving a sentence of imprisonment, incarceration, suspicion and accusation of a crime; parents to avoid raising children or protecting their rights and interests; refusal of parents to recognize

		бошқа ташкилотлар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болани қонун билан белгиланган тартибда тан олишдан бош тортиши.	their children in educational, medical and social security institutions, other similar organizations and a child deprived of parental care in the manner prescribed by law.
11.	Фостер оила Foster family	Болага ҳақиқий ота-онаси ўрнига ҳар куни кун бўйи қарайдиган оила ёки ёлғиз қаровчига қолдириш. У баъзида оила ғамхўрлиги ўрнини босади.	Leaving the child in the care of a family or a single caregiver who looks after them every day instead of the real parent. It sometimes replaces family care.
12.	Индивидуаллик Individuality	Турли хил вазиятларда ўзгармайдиган инсон характерининг қирралари. Белги сифатларининг ўзига хослиги билан индивидуаллик умумийликка (индивид эса умумга) қарама-қарши қўйилади.	Aspects of human character that do not change in different situations. With the specificity of character traits, individuality is contrasted with generality (and the individual with generality).
13.	Ноғиронлик Disability	Жисмоний, ақлий, ҳиссий ва ақлий нуқсонли шахсларнинг фаолиятида тўсиқлар ёки чекловлар мавжуд бўлган инсоний ҳолат.	A human condition in which there are barriers or limitations in the activities of individuals with physical, mental, emotional, and intellectual disabilities.
14.	Никоҳ Marriage	Эр-хотин ва бошқа яқин қариндошлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга соладиган ижтимоий институт	A social institution that regulates the relationship between a couple and other close relatives
15.	Кўп болали оила A family with many children	4 ва ундан ортиқ фарзандларни тарбиялаётган оила	A family raising 4 or more children
16.	Тўлиқ бўлмаган оила Incomplete family	Болалар ёлғиз ота ёки онаси билан яшайдиган оила.	A family where children live with a single parent.
17.	Ноқобил оила Incompetent family	(оилада ички муносабатларнинг бузилиши), масалан, оилавий низо, конфронтационал муносабат усули эга, тез-тез оилада можаро; ёки аморал оила, бола ҳуқуқларини бузилишига йўл қўйилган оила, уларга шавқатсиз муносабат, ота-онанинг	(disruption of internal relations in the family), for example, family conflict, having a method of confrontational attitude, frequent conflict in the family; or an immoral family, a family where the rights of the child have

		мажбуриятлари бажарилмайди, болаларни сотади, уларни турли мақсадларда учинчи шахсларга ўтказди	been violated, cruel treatment of them, non-fulfillment of parental obligations, sale of children, transfer of them to third parties for various purposes
18.	Хатарни баҳолаш Risk assessment	Мижозга ёки бошқа кишига бирор зарар етиши эҳтимолини баҳолаш. Хатарни баҳолаш мижозга жабрининг муайян турлари содир бўлиши ёки маълум ҳолатда мижоз томонидан амалга оширилиши мумкинлиги эҳтимолларини эҳтиёткорлик билан оўлчашни билдиради.	Assess the likelihood of any harm to the customer or another person. Risk assessment involves carefully measuring the likelihood that a particular type of harm will occur to the client or that it may be committed by the client in a particular situation.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-

6097-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182 сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 октябрдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ВМҚ-889 сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

13. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.

14. Karimova V.A., Zaynutdinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari. – Т.: “О’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. – 192 б.

15. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.

16. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

17. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 editions 2015. - 350 pp.

18. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Тoshkent: “О’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN. 2015. – 572 б.

19. А.Ҳайтов, М.Зиядуллаев. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хориж тажрибаси. Тошкент “Адолат” 2009 й.

20. Актуальные проблемы пенсионной реформы / В.С.Назаров. – М.: Издательство «Дело» РАНХ, 2010. – 144 с. (электрон)

21. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.
<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

22. Беликова Т.Н., Минаева Л.Н. Пенсия: расчет и порядок оформления. – СПб.: Питер, 2011. – 224 с. (электрон)

23. Вахабов А.В., Мажидов Н.М. Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли. Монография. – Тошкент. “Universitet”. 2017 йил. 128 б.

24. Далимов.Р.Т. Мировой опыт реформирования пенсионной системы и его применения в условиях переходной экономики.Ташкент.«Университет» 2003 г.
25. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти: Ўқув қўлланма / Б.С. Маматов; - Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2018. – 168 б.
26. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.
http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf
27. Ижтимоий иш ва ижтимоий таъминотга кириш: Дарслик / А.В. Вахабов, Ш.Ш. Захидова, Б.Б. Бахтиёров, Д.Ш. Одинаев, Ж.Н.Файзуллаев; - Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2018. – 168 б.
28. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков И.К. 2018. - 304 с.
29. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти. 2013, 2016. – 279 б.
30. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы. - Т.: Алоқачи. 2017. - 256 стр.
31. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”. 2012. – 319 с.
32. Маматов Б.С. Пенсия жамғармаси фаолияти. Ўқув қўлланма. – Т.: “Barkamol fayz media”, 2017, 280 бет.
33. Павленок П. Д., Руднева М. Я. Технологии социальной работы с различными группами населения: Учеб. пособие / Под ред. П. Д. Павленка. Москва: ИНФРА-М, 2010.
34. Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси: Дарслик/ А.В. Вахабов, Ш.Х. Хажибакиев, Б.Б. Бахтиёров, Ж.Н. Файзуллаев, Ш.Р. Рахманов, Д.Ш. Одинаев; - Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2018. – 400 б.
35. Платонова Н. М. П375 Инновации в социальной работе: учеб. пособие для студ. учреждений высш. проф. образования / Н. М. Платонова, М.Ю. Платонов. – 2-е изд., стер. – Москва: Издательский центр «Академия», 2012. – 256 с. – (Сер. Бакалавриат).
36. Савинов Л. И. Социальная работа с детьми в семьях разведенных родителей: Учебное пособие / Л. И. Савинов, Е. В. Камышова. – 5-е изд., перераб. и доп. – Москва: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2012. – 260 с.
37. Социальная работа с различными группами населения. Под редакцией Н.Ф.Басова. – Москва. 2017.
38. Теория и методика социальной работа. Отв. редактор Т.В.Майкин. – Москва. 2017.
39. Технологии социальной работы с молодежью. Под редакцией Н.Ф.Басова. – Москва. 2018.
40. Умурзаков Б.Х. Проблемы пенсионного обеспечения в условиях рыночных отношений. Ташкент “Фан”, 2005 г.

41. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет

42. Холостова Е. И. Социальная работа: Учебник для бакалавров / Е.И. Холостова. – Москва: Издательско-торговая корпорация «Дашков и к», 2012. – 612 с.

IV. Интернет сайтлар

43. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:
www.edu.uz.

44. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz

45. [www. Ziyonet. Uz](http://www.Ziyonet.Uz)

46. <http://ssopir.ru/>

47. <http://www.socialwork-archive.org/>

48. <http://www.socialwork.ru/3w78rmf09a.html>

49. Social Work International Platform

50. <http://www.socialworker.com/>

51. <http://socialworkpodcast.com/>

52. <http://soc-work.ru/>